

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Э.Ишмуҳамедов, М.Р.Рахимова,  
Л.А.Ишмуҳамедова, С.С.Зокиров

## МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими илмий-  
услубий ва ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини  
мувоғиқлаштирувчи кенгаши томонидан иқтисодиёт  
йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этилган

Тошкент-2006

А.Э.Ишмуҳамедов, М.Р.Рахимова, Л.А.Ишмуҳамедова, С.С.Зокиров.  
**Минтақавий иқтисодиёт.** Дарслик.-ТДИУ. 2006.-396 бет.

Дарсликда инсон ва жамиятнинг жаҳон иқтисодиётига трансформацияси жараёнлари негизи бўлган, иқтисодиёт тӯғрисида тасаввур берадиган асосий ижтимоий-иктисодий категориялар ва тушунчалар назарий мазмуни жиҳатидан таҳлил қилинган, миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, улар амалга оширилишини жадаллаштириш масалалари, миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос ривожланиш йўллари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иқтисодий асослари, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш жараёнидаги устуворликлар, минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўллари кўрсатилган, амалий мисоллар ва рақамлар асосида изохланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ тайёрланган. Унда республикамиз ва хорижий мамлакатларда чоп этилган дарсликларда, монографияларда баён қилинган миллий иқтисодиётга оид гоялар ҳамда концепциялар умумлаштирилган. Ҳар бир бобнинг якунида келтирилган хуносалар, назорат ва муҳокама учун саволлар амалий - назарий семинар машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигига мавзууни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Улар ҳар бир бобнинг мазмунини шунчаки ёдда сақлаш эмас, балки иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг моҳияти ва йўлларини чуқур идрок этишга йўналтирилган.

Дарслик олий ўкув юртларининг иқтисодиёт ва бошқа таълим йўналишлари талабалари, магистрантлари, коллеж талабалари, лицей ўкувчилари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтисодиёт назарияси ва амалиёти билан шугулланаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доц. Хайитов А.Б.

Тақризчилар: Г.В.Плеханов номидаги РИАнинг Тошкентдаги филиали  
«Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш»  
кафедраси мудири, академик, и.ф.д.,проф. Ҳасанжанов К.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Минтақавий иқтисодиёт ва экология» кафедраси профессори,  
и.ф.д., Абиркулов К.

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасида Президент И.А.Каримов «2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига» бағищланган маъruzасида «2006 йилда деярли барча макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилганлигини таъкидлади.

Иктиносидиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатий харакатлар турганини этироф этди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иктиносидий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг минтақавий жихатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иктиносидий районлаштиришнинг моҳияти, минтақаларнинг турли табиий-иклим шароитлари, иктиносидий салоҳиятларини, бозор ислоҳотларини амалга ошириш аввало ҳудудий даражада намоён бўлишини, мавжуд ижтимоий-иктиносидий муаммоларни ҳал этишда ҳудудий бошқарув органлари маъсулияти ва уларнинг ваколатларини кенгайишини ҳамда муҳим иктиносидий масалалар тармоқ, умумреспублика миқёсидан ҳудудий даражага ўтказилишини амалда қандай бораётганини ўргатишдан иборат.

Фанинг асосий вазифалари қуидагилрдан иборат: «минтақавий иктиносидиёт» тушунчасини, моҳиятини, турли минтақаларнинг географик ўрни, табиий шароити, ресурслари, иктиносослашувдаги фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаб, уларни хусусиятларини таҳлил қилишга ўргатиш, мамлакат ҳудуди ва унинг минтақаларини табиий-ресурс салоҳиятини, ривожланиш даражасини, етакчи тармоқлар жойлашуви ҳақида тушунча бериш, ҳар бир минтақанинг табиий-иктиносидий, демографик, экологик ва бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда иктиносидиётни юксалтириш бўйича вазифаларини ҳудудлар ижтимоий-иктиносидий ривожланиши билан муштарак ҳолда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатишдан иборат.

«Минтақавий иктиносидиёт» фанини «Макроиктиносидиёт», «Иктиносидий география», «Микроиктиносидиёт», «Иктиносидий назария», «Тармоқлар иктиносидиёти», «Мехнат иктиносидиёти», «Гашқи иктиносидий алоқалар», «Иктиносидий статистика» ва бошқа шу каби иктиносидий фанлар билан чамбар-час боғлиқдир.

«Минтақавий иктиносидиёт» фанини ўқитишида талабалар томонидан фанин тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида мавзуларда кўрилаётган масалаларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда илғор педагогик технологияларнинг инсерт, ақлий ҳужум, «кичик гурухчалар», «бумеранг» ва кластер усулларидан фойдаланилади.

Машғулотларни тўлақонли натижавийлик даражасини ошириш учун ҳар бир мавзуни ёритишда маҳсус компьютер дастурларидан, слайдлар, эшлишиш

(аудио) ва кўриш (видео) воситалари, мультимедия воситалари ҳамда Интернет саҳифалари ва хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек интернет тармоғи орқали хорижий мамлакатларнинг ҳудудий ривожланиши ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими тўғрисидаги назарий ва амалий маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **I-БОБ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- 1.1. Минтақавий иқтисодиёт фанининг моҳияти**
- 1.2. Минтақавий иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқалари**
- 1.3. Минтақавий тадқиқотларнинг услублари.**

### **1.1. Минтақавий иқтисодиёт фанининг моҳияти**

Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишини, муҳим табиий-иктисодий, демографик ва экологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ҳудуд ичидағи, ҳудудлараро ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрганади. Бошқача айтадиган бўлсақ, минтақавий иқтисодиёт фанининг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Минтақавий иқтисодиёт фан сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратўзилма элементларини, қонуниятларини ва тамойилларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этади; мамлакат умумий ривожланиш стратегияси ва экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўналишларини белгилайди; ҳудудлар иқтисодиётини ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни ўрганади. Бундан ташқари, минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини мамлакат миқёсида яхлит ўрганади, зеро ҳар бир ҳудуд иқтисодиёти энг аввало мамлакат ягона хўжалик мажмуасининг таркибий қисмидир.

Шу билан бирга, мазкур фан мамлакат ва ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидағи ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қиласи ва ишлаб чиқариш кучларининг асосий омилларини аниқлайди.

Минтақа - мамлакат ягона ҳалқ хўжалик мажмуасининг ҳудудий кичик тизими бўлиб, у демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иктисодий ва техник-иктисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабати туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

Ҳозирги пайтда тубдан ўзгариб бораётган Ўзбекистоннинг замонавий хўжалик мажмуаси мураккаб тармоқлар тизимини ташкил этади. Мустақиллик йилларида электротехника ва электроника, металтургия, микробиология ва химия саноати тармоқларида қўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асакадаги «ЎзДЭУавто» ва Самарқанддаги «ЎзОтайўл» корхоналарининг ишга туширилиши билан Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сафига 28-чи бўлиб қўшилди. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг устувор тармоқлари бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, республика марказий бошқарув органлари вазифаларининг асосий қисмини маҳаллий ҳокимиятлар ва ўз-ўзини бошқариш органлари зиммасига юклаш, уларнинг ваколатларини ошириш бўйича қўпгина ишлар амалга оширилмоқда (жумладан, 2 палатали парламент тизимининг барпо этилиши). Шундан келиб чиқиб, эндиликда минтақавий иқтисодиёт фани мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиши, минтақавий ривожланишга ва инвестицияларни жойлаштиришга таъсири кўрсатадиган иқтисодий воситаларни аниқлаши лозим.

Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқларида: «... ўзок ва давомли режаларни, прогнозлар ва макроиктисодий балансларни тўзмасдан, устувор ва стратегик йўналишларни аниқлаб олмасдан, бу стратегияга мамлакат иқтисодиёти ривожининг фалсафасини бўйсундирмасдан бозор иқтисодиёти ўзидан ўзи ривож топиши мумкин эмас»лиги ҳақида гапирдилар. Шундан келиб чиқиб, ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши ва уларни бажарилиши бўйича доимий мониторинглар ташкил этиш ҳудуд иқтисодиётининг мухим вазифаларидан ҳисобланади.

Минтақавий иқтисодиёт предмети ҳудудий молия-кредит муносабатларини ва минтақалардаги қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиш жараёнини ҳам ўрганади.

Бўлажак иқтисодчилар иқтисодий билимларининг шаклланиши иқтисод фанлари тизимидағи конкрет ҳудуд билан шуғулланадиган ягона соҳа - минтақавий иқтисодиётни ўрганишдан бошланиши керак. Шу нарсага эътибор бериш лозимки, ҳар қандай иқтисодий фаолият муайян ҳудудда рўй беради. Бунда иқтисодчи ресурс салоҳияти, хўжалик тизими ва унинг ривожланиш даражаси хусусиятларини мукаммал билиши зарур.

Шундай қилиб, минтақавий иқтисодиёт - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини, мамлакат ва ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни табиий-экологик шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган фандир.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан минтақавий иқтисодиёт фанининг аҳамияти ортиб бормоқда. Минтақаларни ўрганишда ҳозирги пайтда уларда рўй бераётган ҳолатни чукур тушуниш лозим. (қайси жиҳатлари ортмокда)

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистондаги ҳар бир минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражаси турлича. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари асосий ҳалқ хўжалик тармоқларининг ривожланишига кўра республиканинг бошқа минтақаларидан олдинда туради. Аксинча, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бу кўрсаткичлар бўйича қуий ўринларни эгаллайдилар. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларининг мавжудлиги - Фарғона водийси вилоятлари олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса, аксинча, қишлоқ хўжалигини ходимлар таъминлаш ўткир муаммо бўлиб турибди. Навоий вилоятида ишсизлик даражаси юқори.

Ҳозирги пайтдаги минтақавий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан яна бири - иқтисодий кооперация ва минтақалараро худудий меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдан иборат.

Минтақалар ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири - турли худудлар ахолисининг турмуш даражаси бўйича тафовутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган худудларни ривожлантириш учун маҳсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой минтақаларда худудий ишлаб чиқариш минтақаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

## **1.2. Минтақавий иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқалари**

Минтақавий иқтисодиёт - ижтимоий фандир. У муайян ҳудуддаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни тадқиқ этади, ижтимоий ва иқтисодий омилларни ўрганади. Минтақавий иқтисодиёт иқтисод назарияси, социология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, демография ва бошқа ижтимоий-иктисодий фанлар билан ўзвий алоқадор. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакат хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши билан чамчарчас боғлиқ. Минтақавий иқтисод ва сиёсатнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш (рента муносабатлари, ҳудудий ижтимоий жараёнлар ва ҳ.к.) иқтисод назариясини янада бойитади, янги илмий хуросалар чиқариш имконини беради. Мамлакатимизда ижтимоий ва демографик йўналишдаги тадқиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Минтақавий иқтисодиёт ва иқтисодий география фанлари олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг мақсадлари ўзаро жуда ўхшаш. Амалий жиҳатдан улар иқтисодиёт ҳудудий тўзилмасини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши масалалари билан шуғулланадилар. Лекин тадқиқот услублари ва йўналишлари бўйича тафовутлар мавжуд. Минтақавий иқтисодиёт техник-иктисодий кўрсаткичлар тизимиға таянади, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ривожлантиришда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш усусларини кенг қўллайди, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг иқтисодий бошқариш механизмини ўрганади.

Шунинг учун минтақавий иқтисодиётда кўпгина иқтисодий омилларни (меҳнат унумдорлигининг ўсиши, миллий даромадни ҳудудий тақсимлаш, рента муносабатлари, асосий фондларнинг таркиби ва самарадорлиги, баҳо ва тарифларнинг ҳудудий тафовутлари ва ҳ.к.) чуқур таҳлил этилади ва шулар асосида ушбу фан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

## **1.3. Минтақавий тадқиқотларнинг услублари**

Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда бир қанча илмий услублардан фойдаланилади. Улардан энг муҳимлари қўйидагилар:

Тизими таҳлил. Ушбу услуг босқичлилик тамойилига асосланади (мақсад қўйиш, вазифани аниқлаш, илмий тахминни баён этиш, тармоқларни жойлаштириш хусусиятларини комплекс ўрганиш); у тармоқлар тўзилмаси, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш имконини берадиган илмий билиш услубидир.

Тизимлаш услуби. У ўрганилаётган ҳодисаларни алоҳида белгилариға кўра гуруҳларга ажратиш йўли билан амалга оширилади. Бунда таснифлаш, типология, умумлаштириш ва бошқа приемлар кенг қўлланилади.

Баланс услубида иқтисодий таҳлиллар тармоқ ва худудий баланслар ёрдамида тушунтирилади.

Иқтисодий-географик тадқиқотлар услуби ўз навбатида яна З таркибий қисмдан иборат: худудий усул (ижтимоий ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва риволантириш йўлларини минтақавий даражада ўрганиш); тармоқ услуби (тармоқлар иқтисодиётини географик аспектда тадқиқ этиш); маҳаллий услуб (ишлаб чиқаришни унинг биринчи ячейкаси - алоҳида шаҳар, аҳоли пункти даражасида жойлаштириш ва ривожлантиришни ўрганиш).

Картографик услуб. Ушбу услуг ишлаб чиқариш хусусиятларини кўргазмали акс эттириш имконини беради.

Иқтисодий-математик моделлаштириш (минтақа иқтисодиёти ривожланишининг худудий пропорцияларини моделлаштириш, минтақа хўжалигини тармоқлар бўйича моделлаштириш, минтақа хўжалик мажмуналарининг шаклланишини моделлаштириш).

Таксономик услуб. Ушбу жараён муайян худудни унга бўйсунувчи иерархик таксонларга ажратиб чиқишидан иборат. Таксонлар - иерархик поғонанинг қуий босқичларини эгаллаб турган маъмурӣ-худудий бирликлар ҳисобланади. Масалан, вилоятга нисбатан туман ва шаҳарлар.

Ижтимоий сўровлар услуби. Улар жуда хилма-хил: стандарт ҳолда интервью; алоҳида тармоқлар вакиллари билан якка тартибда сұхбат, олимлар, мутахассислар ва минтақалар раҳбар ҳодимларининг очиқ чиқишилари бўйича фактларнинг таҳлил ва б.к.

Шундай қилиб, минтақавий ижтимоий-иктисодий тизимларни ўрганиш ниҳоятда кўплаб усул ва воситаларга суюнди. Улардан минтақашунос мутахассислар ўзларининг иш жараёнларида, шу билан бирга, талабалар ва аспирантлар курс, диплом ишлари ва диссертацияларини ёзиш давомида фойдаланишлари мумкин.

### ***Қисқача холосалар***

Минтақавий иқтисодиёт мамлакат ва худудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидағи ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва худудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қиласди.

Минтақавий иқтисодиёт иқтисодиёт назарияси, социология, тармоқлар иқтисоди, иқтисодий география, статистика, демография ва бошқа ижтимоий-иктисодий фанлар билан ўзвий алоқадор.

Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда тизимий таҳлил, баланс услуби, иқтисодий-географик тадқиқотлар, иқтисодий-математик моделлаштириш, картографик, таксономик ва ижтимоий сўров усулларидан кенг фойдаланилади.

### *Назорат ва муҳокама учун саволлар*

1. Минтақавий иқтисодиёт фани нимани ўрганади?
2. «Минтақа» ва «худуд» тушунчаларининг фарқи нимадан иборат?
3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ушбу фан зиммасига қандай янги вазифалар қўйилди?
4. Минтақалар ривожланишидаги энг муҳим вазифалар нималардан иборат?
5. Минтақавий иқтисодиётнинг бошқа фанлар билан алоқалари қандай?
6. Минтақавий иқтисодиёт бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда қандай илмий усуллардан фойдаланилади?

### *Асосий адабиётлар*

1. Дорогов Н. Региональная экономика в системе рўночнўх отношений (методологические аспекты управления)  
[http://www.ptpu.ru/issues/4\\_97/14\\_4\\_97.htm](http://www.ptpu.ru/issues/4_97/14_4_97.htm)
2. Региональная экономика под редакции ТГ Морозовой ЮНИТИ Москва 2000
3. М.Рахимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўқув қўлланма Т.: 2004
4. Тошпўлатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти. Тошкент, 2004.
5. Региональная экономика. Основной курс: Учебник / Под ред. В.И.Видяпина, М.В. Степанова.-М.: ИНФРА-М, 2006.-686 с.

## **2-БОБ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ**

- 2.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари**
- 2.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар**
- 2.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари.**

### **2.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари**

Минтақавий сиёсатнинг ўрганиш обьекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар - аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидаги, ишсизлик ва бандликдаги, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидаги ва тадбиркорлик шароитидаги тафовутлар бўлиб ҳисобланади.

Минтақавий сиёсат - ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакат барча ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига

яқинлаштириш, ахолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги ҳудудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, марказий ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратилиши лозим.

Минтақавий сиёсатнинг мақсади - мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат.

Турли мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари, ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бундай тафовутларни бартараф этиш учун бир қатор (мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат тўзилишининг типи, ички муаммолари, ҳкомият тепасида турган партияларнинг мақсадлари ва б.) омилларга боғлиқ бўлган хилма-хил воситалардан фойдаланадилар.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишдан аввал, биринчи навбатда, мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабабларини ўрганилади. Бунда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- табиий-иқлим шароитидаги кескин тафовутларни мамлакатнинг айrim ҳудудлари ахолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;

- минтақаларнинг чекка ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида бозорнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникацион алоқаларнинг ёмонлиги четда жойлашган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини қийинлаштиради;

- у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш стадияси (хомашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар);

- минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва б.к.;

- ишлаб чиқариш инфратўзилмаси: аэропортлар, транспорт тармоқлари, саноат майдонлари, телекоммуникацион тизимлар ва ҳ.к. билан таъминланиши;

- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, ахолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат капитал қўйилмалар қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қўйидаги З йўналишда олиб борилмоқда:

**Биринчи йўналиши** - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратўзилма обьектларини барпо этиш ва уларнинг бошқа районлар билан алоқаларини яхшилаш. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бевосита ишлаб чиқаришга аралашмайди, лекин тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш давлатнинг биринчи даражали вазифаси хисобланади. Автомобиль ва темир йўллар, электр тармоқлари, газ ва сув

қувурлари, алоқа линиялари мавжудлиги бундай худудларда тадбиркорликнинг ривожланишига катта ёрдам беради.

Хозирда бизнинг мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

**Иккинчи йўналиши**-юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш (маъмурий ёки молиявий чеклашлар) орқали амалга оширилади. Бундай минтақаларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришга чек қўйиш орқали худудий тафовутлар кучайишининг олди олинади. Мазкур усул дунёнинг деярли барча тараққий этган мамлакатларида агломерация марказларига нисбатан кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда йирик ва катта шаҳарларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришни олдини олиш, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

**Учинчи йўналиши** - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш. Мазкур йўналиш иқтисодиётнинг турли тармокларига мансуб корхоналарни жойлаштиришда давлат томонидан муҳим эътибор бериладиган асосий йўналиш ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг қўйидаги 2 хил усули кенг қўлланилади:

“Адолатли” усул - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси худудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

“Самарали” усул - умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли ҳолатларда ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ёки бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий салоҳияти катта, ривожланиш даражаси юқори бўлган АҚШ, Канада, Япония ва /арбий Европа мамлакатлари минтақавий сиёсатида “адолатли” усул кенг қўлланилади.

## 2.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар

Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, худудларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамасдан, улар ўртасида тафовутлар кам, минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари эса қўйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- иқтисодий қолоқ минтақалар ривожланишини рағбатлантириш;
- марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш;
- йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқариши тўпланишини чеклаш;

- янги ўзлаштирилган худудларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг энг оммавий усусларидан бири худудий ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Биринчи марта 1975 йилда Европа Иттифоқи қошида худудий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил этилган. Бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам айrim худудларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида маҳсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият кўрсатадиган ва жанубий худудлар инфратўзилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган «Жануб хазинаси»; Болгарияда айrim худудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармадан иборат худудлар ривожланишининг марказий жамғармаси ва бошқ.) тўзилган.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий-худудий бирликлар (губерния, штат, провинция) эмас, балки муайян шаҳар ва муниципалитетлар худудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади. Жумладан, Францияда кам ривожланган Жануби-/арб минтақасининг 9 агломерацияси ва 17 шаҳар, Испанияда 10 та “ривожланиш марказлари” ва 2 та “саноатни рағбатлантириш марказлари”, Японияда 10 та “саноат ривожланишининг алоҳида районлари”, 6 та “янги саноат шаҳарлари”, Италияда 12 та “саноатни ривожлантириш ареаллари” ва 26 та “индустриализация ядролари”, Германияда 300 та “муҳим аҳоли пунктлари” ва ҳоказо.

Бу соҳада нидерландияликлар ва бельгияликлар тажрибаси айниқса диққатга сазовор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича Қонун биринчи марта Бельгияда 1915 йилда қабул қилинган.

Кўплаб мамлакатларда минтақавий сиёсат ўзининг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, турли худудлар учун турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда қаттиқ йўлга қўйилган Хитойда зичлик кўрсаткичлари анча паст бўлган Уйғур-Сянган автоном округи ва Тибет учун оиласада болалар сони чекланмаган.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган ўзок муддатли дастурлар изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичидаги дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олди.

Япония минтақавий иктисодий сиёсати ер ва табиий ресурсларнинг чекланганлигидан, кишилар фаолиятини табиий шароит билан уйғунлаштириш заруратидан, мамлакат турли худудлари аҳолисининг турмуши бўйича бир хил шароит яратиш талабидан келиб чиқади.

Умуман, мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида минтақавий дастурлар ишлаб чиқиши жамият ва давлат олдида турган мақсад ва вазифалардан, уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб белгиланди. Японияда моддий ва молиявий ресурслар ҳамда

ишлиб чиқариш қувватларини кам ривожланган, “номарказ” минтақаларга жалб этишнинг тез мослашувчан ва кулай усули барпо этилди.

### **2.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари**

Бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа мамлакатлардаги каби республикамиз иқтисодиётида ҳам “самарали” усулни қўллаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб фойдаланилмаётган захиралар ишга туширилмоқда; янги корхоналар асосан коммуникациялар билан яхши таъминланган кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилмоқда; қишлоқ хўжалигига табиий-иқлим шароитига мос экинлар экиш жорий этилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, биринчи навбатда бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга худудлар ва шаҳарларни ривожлантиришга, минтақалар иқтисодий тараққиётидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда саноатни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш, ишлиб чиқариш ва ижтимоий инфратўзилма тизимини шакллантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, республикамизнинг турли худудлари майдони, аҳоли сони, табиий-иқлим шароити, инфратўзилма обьектлари билан таъминланиши, шаҳарлашув даражаси, аҳолининг турмуш шароити ва бошқаларга кўра бир-биридан кескин фарқ қиласи. Жумладан, мамлакат маъмурий-худудий бирликлари ўртасидаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент вилоятининг Тошкент туманига тўғри келса ( $1 \text{ км}^2$  майдонда 767 киши),<sup>2</sup> аксинча энг сийрак минтақа Навоий вилоятининг Томди тумани ( $1 \text{ км}^2$  майдонда 0,58 киши) хисобланади.

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани республика маъмурий-худудий бирликлари орасида аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги бўйича энг олдинги ўринни эгаллади. 2001 йил давомида бу ерда ўар 1000 кишига нисбатан табиий ўсиш 26,9 кишига тўғри келди. Энг қуий кўрсаткич эса Навоий вилоятининг Томди туманида 4,7 кишига teng бўлди.

Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар яққол сезилиб туради. Хусусан йирик, саноатлашган ва маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам истиқомат қиласидиган шаҳарларда аҳоли табиий кўпайиши қишлоқ жойларга нисбатан бир неча бор паст эканини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчик шаҳарларида табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 3-5 марта камдир.

Тошкент шаҳрининг айрим туманлари орасида ҳам шундай тафовутлар учрайди. Жумладан, маҳаллий миллат вакиллари кўп истиқомат қиласидиган Шайхонтохур туманида аҳолининг табиий кўпайиши Мирзо Улуғбек туманига нисбатан эса 3,7, Ҳамза туманига нисбатан 5,5 марта юқори.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони бўйича мамлакат маъмурий-худудий бирликлари орасида энг юқори ўринни эгаллади. У ерда 335 минг киши киши истиқомат қиласи. Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани эса,

аксинча, ахолиси энг кам худуд бўлиб ҳисобланади. У ерда 13,6 минг киши яшайди.

Умуман, ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатнинг минтақавий иқтисодий сиёсатини ишлаб чикиш ва амалга оширишда уларнинг мана шундай алоҳида жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши лозим.

### *Қисқача хулосалар*

Минтақавий сиёсатнинг ўрганиш обьекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар бўлиб ҳисобланади. Минтақавий сиёсат - ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг “адолатли” ва “самарали” усуслари кенг кўлланилади:

Ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатлар ўртасида тафовутлар мавжудлигига қарамасдан, минтақавий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари деярли бир хил.

### *Назорат ва муҳокама учун саволлар*

1. Минтақавий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат.
2. Минтақавий сиёсатнинг «адолатли» ва «самарали» усуслари ҳақида нима биласиз?
3. Ҳудудий нотенгликлар қандай омиллар натижасида келиб чиқади?
4. Мустақиллик йилларида ҳудудий жиҳатдан қандай таркибий ўзгаришлар рўй берди?
5. Ривожланган мамлакатларда минтақавий сиёсат қандай уч йўналишда олиб борилади?
6. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар нималарга қаратилган?
7. Минтақавий сиёсатни амалга оширишни қандай энг оммавий усули мавжуд?
8. Хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг мухум хусусияти нимадан иборат?

### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Региональная экономика под редакции ТГ Морозовой ЮНИТИ Москва 2000
2. М.Рахимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўкув қўлланма Т.: 2004
3. Тимонина И. Региональная экономическая политика на рубеже веков. [http://www.japantoday.ru/znakjap/ekonomika/029\\_02.shtml](http://www.japantoday.ru/znakjap/ekonomika/029_02.shtml)
4. Региональная экономика. Основной курс: Учебник / Под ред. В.И.Видяпина, М.В. Степанова.-М.: ИНФРА-М, 2005.-686 с.

### **3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ**

- 3.1. Ўзбекистон маъмурий-худудий бўлинишининг қисқача тарихи**
- 3.2. Ўзбекистон маъмурий-худудий бўлинишининг ҳозирги ҳолати**
- 3.3. Ўзбекистон шаҳарлари.**
- 3.4 Худудий ва маҳаллий хокимият органларининг ислоҳ қилиш йўллари.**

#### **3.1. Ўзбекистон маъмурий-худудий бўлинишининг қисқача тарихи**

Кейинги бир аср давомида мамлакатимиз географик харитаси тез-тез ўзгариб турди. 1917 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида тақсимланган эди. 1924 йилда юз берган Ўрта Осиёning миллий-худудий тақсимланиши натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топди. 1924-1929 йиллар давомида Тоҷикистон АССР унинг таркибида бўлди. 1930 йилга қадар республика пойтахти Самарқанд шаҳрида жойлашган. 1936 йилда унинг таркибига илгари РСФСР да бўлган Қоракалпогистон АССР киритилди. 1939 йилда ушбу автоном республиканинг пойтахти Тўртқўл шаҳридан Нукусга кўчирилди.

Вилоят бўлинишлари Ўзбекистонда 1938 йил январидан бошлаб вужудга келди. Даствор 5 вилоят ташкил этилди: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм. 1941 йил мартада улар сафига Андижон, Наманган, Сурхондарё, 1943 йил январида Қашқадарё вилоятлари кўшилди. 1945 йилда Ўзбекистонда 9 вилоят ва 1 автоном республика мавжуд бўлган.

1960 йилда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тугатилди. Бунда Наманган Андижон ва Фарғона вилоятлари ўртасида тақсимланган бўлса, Қашқадарё бутунлай Сурхондарё вилоятига кўшиб юборилди. 1963 йил февраль ойида Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида Сирдарё вилояти тўзилди. Ушбу минтақа Самарқанд ва Тошкент вилоятлари негизида ташкил топган бўлиб, маъмурий маркази дастлаб Янгиер, кейинчалик Гулистон шаҳри қилиб белгиланди.

1964 йилда Қашқадарё, 1967 йилда эса Наманган вилоятлари қайтадан тикланди. 1973 йил охирида Сирдарё вилоятидан Жizzах вилояти ажralиб чиқди. Ўзбекистоннинг энг кенжা вилояти бўлган - Навоий - 1982 йилда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари туманлари негизида вужудга келди. Шундай қилиб, республикада вилоятлар сони 12 тага етди.

1988 йилда вилоятлар сони яна 10 тага тушиб қолди. Жizzах вилояти Сирдарё вилояти таркибига кўшиб юборилди. Навоий вилояти туманлари Бухоро ва Самарқанд вилоятларига бўлиб берилди. Лекин тезда ушбу маъмурий чегаралар яна ўз ҳолига қайтарилди: 1989 йилда Жizzах вилояти, 1992 йилда эса Навоий вилояти қайтадан тикланди.

Бундай ўзгаришлар мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг муайян босқичидаги объектив зарурат, баъзан эса масалага субъектив ёндошувлар натижасида рўй беради.

### **3.2. Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бўлинишининг ҳозирги ҳолати**

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий жиҳатдан 14 минтақага (Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўлинган. Ўз навбатида ушбу минтақаларда 119 шаҳар, 113 шаҳар поселкаси, 159 қишлоқ туманлари, 1464 қишлоқ фуқаролик кенгашлари 11838 қишлоқ аҳоли пунктлари ва 7801 маҳалла йигинлари мавжуд. Тошкент шаҳри таркибида 11 та шаҳар туманлари жойлашган (жадвалга қаранг). Мамлакат майдонини маъмурий-ҳудудий бирликларга ажратиш чоғида табиий шароит, хўжалик ихтисослашуви, аҳолининг тарихий шаклланган анъаналари, минтақанинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан аҳамияти ва бошқа жуда кўплаб омиллар хисобга олинади. Аҳоли сони ва ҳудуд майдони - ушбу омиллар орасида энг асосийларидан бўлиб хисобланади. Дунёning кўпгина мамлакатларида бу кўрсаткичлар бўйича алоҳида минтақалар орасида тафовутларнинг ортиб кетишига йўл қўймаслик - минтақавий сиёсатнинг ўзагини ташкил этади.

Мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида аҳоли сони бўйича фарқ 3,5 марта (Самарқанд ва Навоий вилоятлари), ҳудуд майдони бўйича эса 39,7 марта (Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилояти) ташкил этади.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар сони бўйича ҳам турли минтақалар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Жумладан, Тошкент вилояти шаҳарлар (16та) ва шаҳар послеклари (18та), Фаргона вилояти қишлоқ фуқаролик кенгашлари (164та) сони бўйича энг юқори ўринларни эгалласалар, Самарқанд вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг (1935та) сонига кўра ҳаммадан олдинда туради. Бундай тафовутларни айрим туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, қишлоқ фуқаролик кенгашларининг (20та) сони бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани, қишлоқ аҳоли пунктларининг (266 та) сони бўйича эса Бухоро вилояти /иждувон тумани республикада энг юқори ўринларни эгаллайдилар.

Мамлакатимиздаги мавжуд маъмурий-ҳудудий бирликларни иерархия тизимига кўра 3 бўғинга ажратиш мумкин:

*юқори бўғин* - Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси;

*ўрта бўғин* - вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, қишлоқ ва шаҳар туманлари;

*куйи бўғин* - туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳар послеклари, қишлоқ фуқаролик кенгашлари ва маҳалла йигинлари.

Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишида шаҳарлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда шаҳарлар республикага бўйсунувчи, вилоятга бўйсунувчи ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифаларига ажратилади. Шаҳарларнинг тоифалари асосида уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланади, у ерларда шунга мос келадиган давлат идоралари ташкил этилади, ҳалқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича раҳбарликни амалга оширувчи ташкилотлар тўзилади.

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси миңтақаларининг маъмурий-худудий бўлиниши

1.07.2004 йил ҳолатига

Миңтақалар номи	маъмурий-худудий бирликлар сони							
	Вилоятга Бўйсунувчи Шаҳарлар	қишлоқ туманлари	шахарлар таркибидаги туманлар	туманга бўйсунувчи шахарлар	шахар посёлкалари	қишлоқ фуқаролик кенгашлари	қишлоқ ахоли пунктлари	маҳалла йигинлари
Қоқандистон Республикаси вилоятлар:								
Андижон вилояти	3	14	-	8	5	95	536	844
Бухоро вилояти	2	11	-	9	2	121	1536	264
Жиззах вилояти	1	12	-	6	8	104	558	277
Навоий вилояти	2	8	-	4	7	54	627	343
Наманган вилояти	1	11	-	7	11	99	509	640
Самарқанд вилояти	2	14	-	9	12	125	1949	1018
Сирдарё вилояти	3	8	-	2	5	72	284	287
Сурхондарё вилояти	1	14	-	7	7	114	847	667
Тошкент вилояти	6	15	-	9	18	146	954	1202
Фарғона вилояти	4	15	-	5	10	164	1180	968
Хоразм вилояти	1	10	-	2	7	101	612	345
Қашқадарё вилояти	1	13	-	11	4	146	1063	339
Тошкент шаҳри	-	-	11	-	1	-	-	448
<i>Республика бўйича</i>	<b>29</b>	<b>159</b>		<b>11</b>	<b>89</b>	<b>113</b>	<b>1464</b>	<b>11838</b>
								<b>7801</b>

### **3.3. Ўзбекистон шаҳарлари**

Хозирги пайтда республикамизда 119 та шаҳар мавжуд. Шу жумладан:

- 1 та республикага бўйсунувчи шаҳар;
- 29 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар;
- 89 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар.

Республикага бўйсунувчи шаҳарлар қаторига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурӣ марказлар киради. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши шарт. Тошкент - республикага бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига мансуб бўлган мамлакатимиздаги ягона шаҳар ҳисобланади.

Вилоятга, республикага (КР) бўйсунувчи шаҳарлар жумласига муҳим саноат аҳамиятига молик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган ҳамда аҳолиси 30 мингдан кам бўлмаган шаҳарлар киради. Айрим ҳолларда, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингдан кам бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритилади. Булар жумласига Ширин (Сирдарё вилояти), Хонобод (Андижон вилояти) шаҳарларини киритиш мумкин.

Ушбу тоифага мансуб шаҳарларни ташкил этиш бўйича айрим муаммолар мавжуд. Республика Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сонли қарорига биноан мамлакат бўйича вилоятларга бўйсунувчи 19 та шаҳар қолдирилиб, қолган барчалари туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилди. Улар орасида аҳолисининг сони 60 минг кишидан ҳам ортиқ бўлган Шаҳриҳон (59,1 минг), Чуст (61,5 минг), Хўжайли (70 минг), Денов (64 минг) каби шаҳарларнинг мавжудлиги бу соҳада янгича ёндошувлар зарурлигини тасдиқлайди. Айниқса, 90 минг киши истиқомат қиласидиган, Марказий Осиёнинг маданий марказларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабз шаҳри бошқарувнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ричаглардан маҳрумлиги унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига саноат корхоналари, коммукал хўжалиги, кўп қаватли тураржой бинолари, ижтимоий-маданий ташкилотлар, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, майший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган аҳоли пунктлари киради. Бундай шаҳарлардаги аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи ва хизматчилардан иборат бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш маҳаллий ҳокимиёт органларининг таклифларига мувофиқ, республика Олий Мажлиси томонидан ҳал этилади.

### **3.4. Худудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ислоҳ қилиш йўллари.**

Тез ўзгариб бораётган дунёда ҳаёт воқейлиги турмушнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишнинг тақозо этмоқда. Республикаизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар бундан мустасно эмас.

Бир қанча асос бўлувчи меъёрий хужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конун қабул қилинди. Ушбу конун ҳудудий даражада давлат ҳокимияти шакилланишининг, жойларда ижро ҳокимиятининг негизларини мустаҳкамлашнинг асосига айланади. Ҳудудий ҳокимият органларига ижтимоий-иктисодий ривождлантариш вазифаларини амалга ошириш, жойларда Олий мажлис қонунларини, бошқа қорорларини Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган хужжатларини, юқори турувчи ҳалқ депутатлари Кенгашилари ва ҳокимларнинг қарорларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш, вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга ахолини жалб этиш юкланди.

Ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини комплекс таҳлил этишда давлат бошқарувчидаги ҳамон эски маъмурий-буйруқбозлик тизими қолиплари сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилди. Энг аввало, бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш истагида-ҳеч кимга наф келтирмайдиган ва кераксиз турли-туман буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатномалар, меъёрий хужжатлар чиқаришда кўзатилади. Ҳанўзгача корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан кадрлар масаласини ҳал этишгача уни тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечилгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишларнинг аҳволига ҳақиқий баҳо берилди: «... ҳозирги кунда барча даражада мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсик бўлиб турибди». Маъмурий ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисидаги чиқаришида ифодалаб берилган.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-қарори қабул қилиниши ҳудудий бошқарув органларини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Ушбу қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг ўзвий қисмидир.

Мазкур қарорда белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, умуман республика бўйича вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларида ва маҳаллий бўйсунишдаги корхоналарда 5991 нафар бошқарув аппарати

ўрни қисқартирилди. Вилоят ҳокимлаикларида 53 нафар бошқарув ҳодими, туман ва шаҳар ҳокимликларида-447 ва маҳаллий бўйсунишдаги корхоналарда 5508 ўрни қисқартирилди. Бундан ташқари, худудий бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида беш шаҳарда (Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Навоий) саккизта тутман тугатилди, бу ерда туман ҳокимликлари ва худудий бошқарув органлари ёпилди. Улар: Сиёб, Боғишамол, Темирйўл, Файзулла Хўжаев, Тўқмачилик, Қиргули, Давлатобот ва Кармана туманлариридир. Уларнинг вазифалари юқори турувчи шаҳар ҳокимликлари ва функционал бошқарув органларига берилди.

Худудий ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилмоқда? Булардан бир қандай реал натижалар кутмоқдамиз?

1.Бугуннинг ўзидаёқ иктисодиётни бошқаришда давлатнинг ўрни кескин камайганлиги сезиларлидир, жойлардаги давлат бошқаруви тўзилмалари қисқартирилди, давлат бошқарув органларини таъминлаш харажатлари қисқарди.

2.Ислоҳотлар амалга оширилиши, жойлардаги мавжуд ишлар аҳволи, иктисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, иш билан таъминлаш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш учун барча даражадаги ҳокимликларнинг масъулияти оширилди.

Ушбу йўналишда бугуннинг ўзидаёқ муаян қадамлар қўйилди-айрим вазифалар худудларга берилди. Ортиқча вертикал маъмурий тўзилмалар тугатилди.

Бизнинг фикримизча, давлат хизматчиларининг самарали ишлаши маъмурий ислоҳотларнинг моҳиятини ташкил этиш зарур. Агар сенгинг худудий, сенинг хизмат жойингда ишлар яхши борса, бу ерда яшовчи аҳолининг фароволини ҳам ўсиши керак. Иш самарадорлигини давлат хизматчилари ўзи эмас, балки фуқоро баҳолаши зарур.

### **Қисқача хulosалар**

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий жиҳатдан 14 минтақага (Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўлинган. Ўз навбатида ушбу минтақаларда 119 шаҳар, 113 шаҳар поселкаси, 159 қишлоқ туманлари, 1464 қишлоқ фуқаролик кенгашлари 11838 қишлоқ аҳоли пунктлари ва 7801 маҳалла йигинлари мавжуд.

### ***Назорат ва муҳокама учун саволлар***

1. 1945 йилга қадар Ўзбекистон минтақаларининг маъмурий-худудий таркиби қандай бўлган?
2. Ҳозирги пайтда республика маъмурий-худудий таркиби қандай?
3. Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш чоғида қандай мезонларга амал қилинади?
4. Маъмурий-худудий бирликлар сони бўйича турли минтақалар ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?
5. Маъмурий-худудий бирликларни қандай учта бўғинга ажратиш мумкин?
6. Ўзбекистонда аҳоли пунктларига шаҳар мАқомини бериш қайси органлар томонидан амалга оширилади?
7. Ҳудудий ва маҳаллий хокимият оърганларининг ислоҳ қилиш қандай амалга оширилади?
8. Ҳудудий хокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилади?

### ***Фойдаланилган адабиётлар***

1. Обзор социально-экономического развития регионов Республики Ўзбекистан. Журнал Экономическое обозрение №8-9, 2001.
2. Тархов С.А. Изменения административно-территориального деления постсоветского пространства//География, № 34/99, с. 1.
3. Минтақавий иқтисодиёт, Тошкент Миллий университет 2003.
4. Тархов С.А. Изменения административно-территориального деления стран СНГ. [http://www.tur-02.h1.ru/links/html/main\\_SMI\\_Gazeta\\_centralanae\\_Geografia.html](http://www.tur-02.h1.ru/links/html/main_SMI_Gazeta_centralanae_Geografia.html)

## **4-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ (ИЧКЖ) НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**4.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар**

**4.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари**

**4.3. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамоиллари.**

### **4.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар**

Ўтиш даврини бошидан кечираётган, ўзларининг мустақил минтақавий сиёсатини жорий этаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун хорижий олимлар ва минтақашунос мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг назарий асослари муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Улар чуқур илмий изланишларга, бой тажрибага ва минтақавий экспертизаларга асосланган.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича назариялар орасида И. Тюнен ва, А. Вебернинг «стандартлар назарияси», А.Лешнинг «бозор минтақаси назарияси», В. Кристаллернинг «марказий ўрин назарияси», Ф.Перрунинг «ўсиш кутблари ва ривожланиш марказлари назарияси» кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Штандортлар назариясига мувофиқ, саноатни жойлаштириш қўйидаги омиллар орқали аниқланади:

- корхоналарни жойлаштириш транспорт харажатларини ҳисобга олиш орқали амалга оширилади;
- корхоналарни жойлаштириш арzon ишчи кучини ҳисобга олиш орқали амалга оширилади;
- корхоналар саноат районлари ва ўзелларида жойлаштирилади.

Ушбу назарияда транспорт харажатлари омили етакчи роль ўйнайди. Хомашё ва материалларнинг транспортабеллиги издержкага тъисир кўрсатади ва шу билан бўлғуси корхонанинг жойини аниқлайди.

Ўзбекистон шароитида, ташқи бозорга чиқиш транспорт харажатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун мазкур омил транспортни кам талаб этадиган, хомашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқардиган соҳаларни ривожлантиришни тақозо этади. Марказдан ўзокда жойлашган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари корхоналарида транспорт харажатлари маҳсулот таннархи таркибида катта ўрин эгаллайди. Шунинг учун транспорт омили мазкур минтақалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Арzon ишчи кучи ва агломерация омилига асосланган иккинчи ва учинчи йўналишлар мамлакатимиз учун характерли бўлиб, меҳнатни кўп талаб этадиган тармоқларни жойлаштириш ҳамда саноат районлари,

зоналари ва ўзелларини ташкил этишни рағбатлантиш учун хизмат қилади. Республикализнинг деярли барча минтақалари ишчи кучини кўп талаб этадиган тармоқларни жойлаштириш учун етарли меҳнат ресурсларига эга.

А.Лешнинг «Бозор зонаси назарияси»га мувофиқ, обьект қурилиши учун жой танлашда фойда, солиқ, демпинг<sup>1</sup>, божхона тўловлари ва бошқа бозор индикаторлари мухим омил сифатида иштирок этади. Муаллиф, иқтисодий-математик моделлардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот сотилиш радиусини аниқлайди ва бунга кўра, радиусдан ташқарида маҳсулот сотиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди.

А.Леш минтақани муайян чегарага эга бўлган ва минтақалараро рақобатга тортилган бозор сифатида кўради. Бунда худуд мутлақо бир жинсли ва бир қийматли бўшлиқ сифатида қаралади ҳамда фақат икки омил: ишлаб чиқаришни бир жойда тўпланишининг самараси ва маҳсулотни истеъмолчига етказишнинг худуд бўйлаб текис тақсимланган транспорт харажатлари ҳисобга олинади.

«Бозор зонаси назарияси» ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар, хусусан МДҲ давлатлари иқтисодиётида ҳозирча етарли даражада қўлланилмаяпти. Ўзбекистонда саноат корхоналарини жойлаштиришда бозор индикаторларидан фойдаланилмаётир.

В. Кристаллер - «Марказий ўрин назарияси» нинг асосчисидир. У математик ҳисоб-китоблар орқали худудий иерархия бир даражадан бошқа даражага тўғри геометрик прогрессия орқали ўтишини исботлади. Масалан, вилоят бир неча туманлардан, ўз навбатида туманлар кўплаб Қишлоқ фукаролари йигинларидан иборат. Ҳар бир қишлоқнинг ўзига тегишли бўлган товар ва хизматлар йўналтирилган. Шундай қилиб, олим аҳоли пунктлари гуруҳий тизимини ташкил этишнинг оптимал вариантини аниқлаш орқали марказий ўринлар назариясини яратди. Мазкур назария асосида бозор минтақасининг энг самарали тўзилмаларини, товар ва хизматлар ҳаракатининг оқилона йўналишларини, шаҳар ва аҳоли пунктлари бошқаруви маъмуриятининг оптимал тўзилмасини шакллантиришни аниқлаш мумкин.

#### **4.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари**

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда муайян қонуниятлар намоён бўлмоқда. Улар муайян тарихий босқичда ижтимоий таракқиёт қонунларининг ўзаро ҳаракати натижасида шаклланади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ишлаб чиқариш кучлари ва ҳудудлар ўртасидаги умумий муносабатларда намоён бўлади.

<sup>1</sup> Демпинг - рақобатчини енгиш учун маҳсулотни ўз таннархидан кўра арzonроқ сотилиши.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига, максимал даромад олиш имкониятларига катта эътибор бериш лозим. Айни пайтда, табиий-ресурс салоҳиятларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, экологик шароитни яхшилаш масалалари ҳам ҳисобга олинади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қуидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш;
- минтақаларни комплекс ривожлантириш;
- минтақалар ўртасида худудий меҳнат тақсимоти;
- минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

*Ишлаб чиқариши кучларини оқилона ва самарали жойлаштириши* деганда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минимал ҳолатга келтириш, ишлаб чиқаришнинг барча (тайёр маҳсулотгача бўлган) босқичларини муайян худудга жойлаштириш тушунилади. Мамлакатимизнинг турли худудлари табиий ресурслар заҳираларининг миқдори, компонентларнинг таркиби, геологик салоҳиятларига кўра ўзаро фарқ қиласи. Бунда ишлаб чиқаришнинг хомашё, ёқилғи, энергия ва истеъмол манбаларига яқинлигини таъминлайдиган тарнспорт омили катта аҳамиятга эга.

Кооперациялаштириш ва комбинатлаштириш ҳамда чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Минтақаларни комплекс ривожлантириши учун бозор инфратўзилмаси элементлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ соҳалар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратўзилма тармоқларининг муштараклигига эришиш лозим. Минтақалар хўжалигининг комплекслилиги турли тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтиришни тақозо қиласи.

Минтақалар ўртасида худудий меҳнат тақсимоти бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Минтақалар иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий-ресурс салоҳияти, тарихий ва демографик хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қиласи. Шунинг учун ҳар бир минтақа фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлар асосида муайян соҳага ихтисослашади ва иқтисодий алоқалар асосида бошқа минтақалар билан маҳсулот айирбошлайди.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида минтақалар орасида худудий меҳнат тақсимотини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда хукумат ва алоҳида худудлар манфаатларининг муштараклиги ҳисобга

олиниши, турли маъмурий-худудий бирликлар ресурсларининг умумлаштирилиши лозим.

*Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини тенглаштириши.* Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг барча минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги босқичдаги муҳим вазифалардан бири, ҳукумат томонидан алоҳида эътиборга молик минтақалар белгиланиб, уларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш учун давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилиши ва аниқ режалар тўзилиши керак.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари бозор иқтисодиётининг ривожланиши қонунларида намоён бўлади. Улар ўзаро ажралмаган ҳолда ривожланади ва бир-бирларини тақозо қиласди.

#### **4.3. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари**

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари билан биргаликда уларни жойлаштириш тамойиллари ҳам катта аҳамиятга эга. Жойлаштириш тамойиллари мамлакат иқтисодий ривожланишининг муайян даври мобайнида ишлаб чиқариш худудий тақсимотида намоён бўлади. Ушбу тамойилларни хўжалик юритиш усуслари сифатида кўриб чиқишимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш тамойилларини давлат иқтисодий сиёсатининг ўзига хос илмий низоми сифатида тушуниш мумкин.

Турли мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари бозор иқтисодиётининг ривожланиш моделини ўрганиш ва тажрибалари-дан фойдаланиш асосида шаклланади ва ривожланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қўйидаги тамойиллари ажралиб туради:

- ишлаб чиқаришнинг энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол минтақаларига яқинлашуви;
- табиий ресурсларнинг энг самарали турларини ўзлаштириш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўриш ва табиатдан оқилона фойдаланиш;
- халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий қулайликларидан фойдаланиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш;
- корхоналарни ва инфратўзилма обьектларини жойлаштиришда фавқулодда ҳолатларни (ер қимирлаши, сув босиши, тоғ ва жарликларнинг сурилиши, сел ва ҳ.к.) ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқаришни энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол минтақаларига яқинлаштириш тамойили амалга оширилганда ўзок масофага юк ташишни камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнида харажатларни камайтириш билан боғлиқ муаммолар ечилади; бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликнинг ўсишига олиб келади.

Айниқса, энергияни кўп талаб этадиган корхоналарнинг ёқилғи ва энергия манбаларига яқин бўлиши катта аҳамиятга эга (масалан, рангли металлургия ёки кимё саноати тармоқлари). Хом ашё манбаларига материал кўп талаб қилувчи саноат тармоқлари яқин жойлашади (кора металлургия, оғир машинасозлик). Енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш истеъмол минтақаларига, фанталаб тармоқлар эса юқори малакали меҳнат ресурслари билан таъминланган минтақаларга яқинлашади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнида минтақаларда табиатдан фойдаланиш муаммоси ўткир бўлиб турибди. Ҳозирги пайтда табиатга зарар келтириш, экологик тоза бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш, табиий ресурсларни дунё нархларидан кўра арzonга сотиш каби иқтисодий масъулиятсизлик иллатлари бартараф этилиши зарур. Иқтисодий ҳолатни яхшилаш, табиатдан самарали фойдаланишга эришиш учун қўйидаги иқтисодий дастаклар лозим:

- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш доирасида минтақалар ва экотизимлар бўйича экологик чеклашлар тизимининг қонуний ва меъёрий асосини яратиш;
- такрор ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи экологик солиқ ва табиатдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини киритиши;
- табиий ресурслар истеъмолини, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқаруб ташланишини чеклаш, чиқиндиларни жойлаштириш, шунингдек табиий ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланиш кўрсаткичлари тизимини шакллантириши.

Кейинги йилларда халқаро меҳнат тақсимотига, хориж давлатлари билан алоқаларга суюниб, мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодий улайликлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилиши халқаро меҳнат тақсимоти доирасида амалга оширилиши лозим. Бундай ҳолатда давлатлар ўртасидаги алоқалар тўла тенглилик, ишонч, ўзаро манфаат ва мустақилликни сақлаб қолиш тамойиллари асосида қурилиши керак. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ва мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг тўла, оқилона ва самарали бўлишини таъминлайди. Халқаро меҳнат тақсимоти хўжаликнинг тармоқ ва минтақавий тизимига, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлашувига

катта таъсир кўрсатади. Хориж давлатлари билан ҳамкорлик авваламбор хукуматлараро тўзиладиган икки томонлама келишув асосида амалга оширилади.

Хозирги шароитда биргалиқда молиялаштириш ва хўжалик объектларини қуриш, қўшма корхоналар тўзиш, молия ва банк соҳаларида ҳамкорлик қилиш, компенсацион асосда ҳамкорлик қилиш, ташқи савдо каби иқтисодий ҳамкорликнинг турлари катта аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда бошқа тамойиллар ҳам хисобга олинади, масалан, катта шаҳарларнинг ўсишини бошқариш тамойили, кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишини фаоллаштириш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ва тамойиллари билан биргалиқда назарий жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг локализациясини аниқлаб берадиган, баъзи хўжалик тармоқларининг жойлашувига таъсир этадиган, турли тоифадаги минтақавий комплексларнинг - иқтисодий районлар, вилоятлар, районлардаги Ҳудудий Ишлаб чиқариш Мажмуалари (ҲИМ) шаклланишига таъсир этадиган ҳар турли омиллар ҳам катта аҳамиятга эга.

### *Қисқача хуносалар*

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича назариялар орасида И. Тюнен ва, А. Вебернинг «стандартлар назарияси», А.Лешнинг «бозор минтақаси назарияси», В. Кристаллернинг «марказий ўрин назарияси», Ф.Перрунинг «ўсиш кутблари ва ривожланиш марказлари назарияси» кабилар муҳим ўрин эгаллади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш;
- минтақаларни комплекс ривожлантириш;
- минтақалар ўртасида ҳудудий меҳнат таҳсимоти;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қуйидаги муҳим тамойиллари мавжуд:

- ишлаб чиқаришнинг энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол минтақаларига яқинлашуви;
- табиий ресурсларнинг энг самарали турларини ўзлаштириш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўриш ва табиатдан оқилона фойдаланиш;

- меҳнат тақсимотининг иқтисодий қулийкларидан фойдаланиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алокаларни тиклаш ва ривожлантириш.

### ***Назорат ва муҳокама учун саволлар***

- 1 Ф.Перрунинг «ўсиш қутблари ва ривожланиш марказлари назарияси»нинг моҳиятини тушунтириб беринг.
- 2 Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қандай асосий қонуниятлари мавжуд?
- 3 Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг муҳим тамоилларидан қайсиларини биласиз?
- 4 Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда қандай омиллар хисобга олинади?
- 5 Ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- 6 Худудлар ўргасидаги меҳнат тақсимоти нима?
- 7 Халқаро меҳнат тақсимоти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қандай амалга оширилади?
- 8 Ишлаб чиқариш лакализацияси нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Обзор социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан. Журнал Экономическое обозрение №8-9, 2001.
2. Минтақавий иқтисодиёт, Тошкент Миллый университет 2003.
3. Региональная экономика под редакции Т.Г. Морозовой ЮНИТИ Москва 2000
4. М.Рахимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўқув кўлланма Т.: 2004
5. Региональная экономика. Основной курс: Учебник / Под ред. В.И.Видяпина, М.В. Степанова.-М.: ИНФРА-М, 2005.-686 с.

## **5-БОБ. МИКТАҚАЛАР АХОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ**

- 5.1. Ўзбекистон миңтақаларининг демографик ҳолати
- 5.2. Меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш
- 5.3. Республика вилоятларида меҳнат бозорини тартибга солиш

### **5.1. Ўзбекистон миңтақаларининг демографик ҳолати**

Ҳар бир ўлка, ҳудуд, вилоят ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аввало, шу жойда яшовчи аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқ. Маҳаллий аҳолининг меҳнат маданияти, жамоа ишларидаги ижтимоий фаоллиги, билим ва малакалари, оиласвий таркиби, ёш ва жинси шу ўлкада иқтисодий тараққиётнинг ривожланшида катта роль ўйнайди. 1960–1990 йиллар мамлакат аҳолиси 8,4 млн.дан 20 млн.дан ортиқроққа ёки 2,8 марта кўпайган.

1990 йилда аҳоли 20,3 млн. кишидан иборат бўлган бўлса, 2004 йилга келиб, 25,8 млн. кишига етди. Аҳолининг табиий кўпайиши ҳар 1000 кишига 22,8 кишини ташкил этди. Айни вактда аҳолининг йиллик табиий ўсиши шаҳарда 0,8 фоиздан, қишлоқда эса 2,7 фоиздан иборат бўлди. 2004 йилда республика бўйича аҳолининг ҳар минг нафари ҳисобига туғилганлар 20,4 кишини, ўлганлар 5,3 кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолисининг 2002 йилда 25115,8 минг, 2004 йилда 25812 минг нафари (63,3 %) қишлоқлар хиссасига тўғри келади. Умуман, Ўзбекистондаги демографик вазият қўйидаги хусусиятлари билан характерланади: республикада туғилишнинг мутлақ миқдори 6 фоизга; шаҳар жойларда 3,7 фоизга қисқарди; туғилишлар ўртасидаги йиллар узунлиги ортди; ёши 35 дан юқори бўлган аёллар ўртасида ҳомиладорлик ҳолатлари камайди; миграция қисқарди.

Кейинги йилларда аҳолининг миграцион ҳаракатланиши сусайиши натижасида қишлоқ аҳолиси сони бирмунча ортди. Бу жараён айниқса, Фарғона водийси вилоятларида яққол кўзга ташланди. Худудларда аҳолининг табиий ўсиш даражаси дифференциялашади:

- ўлим асосан кексалар ҳисобига ортди. 1999 йилда 130,6 минг киши ўлган бўлса, бу борадаги кўрсаткич 2004 йилда 9,9 минг кишига ортди;
- туғилиш коэффициенти асосан шаҳар аҳолиси ўртасида тез пасаймоқда, қишлоқ аҳолиси ўртасида эса секинлик билан бормоқда.

Республикада ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган ўртача болалик жараёни деярли шаклланиб бўлди, кам фарзандлилик жараёнини тўла шакллантириш учун эса 20-25 йил керак ва у 2020-2025 йилларда якунланади.

Хуллас, аҳолининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқилиши (туғилишнинг ўлимдан кўплиги) натижасида меҳнат ресурслари сони

кўпаяди. Айрим ҳудудларда инсон ресурсларининг миқдорига аҳоли миграцияси ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жихатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди.

2000 йилда сайёрамиз аҳолисининг сони 6 миллиард кишидан ошди. Кўпайиш суръати бирмунча қисқараётганлигига қарамай, унинг ўсиш жараёни давом этмоқда ва 2050 йилга бориб, 12 миллиард кишига этиши мўлжалланмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида аҳоли сони анча камайган. МДҲнинг Белорус, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда аҳоли сони ошиб бормоқда. Бу ерда туғилиш, табиий кўпайишнинг нисбатан юқори коэффицентлари ва ўлимнинг паст коэффиценти сақланиб қолмоқда, анъанавий кўп фарзандли оиласдан ўртacha фарзандли оиласга ўзига хос йўл билан демографик ўтиш рўй бермоқда.

Ўзбекистоннинг асосий демографик кўрсаткичлари 14.1-жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида атиги 3,9 млн. киши яшар эди, яъни ўтган 100 йилдан сал кўпроқ вакт мобайнида бу ерда аҳоли 6,3 баравар кўпайди. XX асрда Ўзбекистон аҳолисининг сони бир текис ошгани йўқ. Унинг дастлаб икки ҳисса кўпайиши салкам 60 йил давомида, кейинги икки ҳисса кўпайиши эса 20 йил ичida рўй берди. Республика аҳолиси 2001 йилнинг охирига келиб, 1980 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайиши кутилган эди. Аҳолининг учинчи маротаба икки ҳисса кўпайиши эса юзага келган кўпайиш суръати сақланган тақдирда XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида рўй бериши кутилмоқда.

Аҳоли кўпайиши билан унинг зичлиги ҳам анча ошмоқда. 1940 йилда ҳар кв.км.га 14,6 киши тўғри келган бўлса, 2000 йилда 54,1 киши тўғри келди (зичлик 3,7 баравар ошган). Ҳозирги вактда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудий бўлинмасидан 10 таси, шу жумладан, Тошкент шаҳри аҳоли зич бўлган ҳудудий бўлинмалар жумласига киради.

Ваҳоланки, улар Ўзбекистон ҳудудининг атиги чорагини, аҳоли унча зич бўлмаган тўртта вилоят эса тўртдан уч қисмини эгаллаган. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларга бутун аҳолининг, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли, туғилган болалар ва аҳоли табиий кўпайишнинг бешдан тўрт қисми, ялпи маҳсулотнинг 74 фоизи, инвестицияларининг 79 фоизи ва истеъмол харажатларининг 88 фоизи тўғри келмоқда.

Аҳолининг кўпайиши уни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви, иш ўринлари билан таъминлашда қийинчиликлар, шунингдек, экологик оқибатлар ва касаллик кўпайишини келтириб чиқаради.

Ўзбекистоннинг аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларида ишлаб чиқарувчи кучлар энг юқори даражада ривожланган ва яшашни таъминлаш

шарт-шароитлари қулай бўлган худудий бўлинмалар бор. Шу сабабли аҳолининг кўпайиши уларда ишсизлик даражасига майинроқ таъсир этди.

14.1-жадвал

Ўзбекистонинг асосий демографик кўрсаткичлари

Йил	Аҳоли сони, млн. киши	Аҳолининг ўрта йиллик кўпайиши, минг киши	Аҳоли кўпайишининг ўртacha суръати	Туғилиш коэффиценти, %	Ўлим коэффициенти, %	Табиий кўпайиш коэффициенти, %
1897	3,95	-	-	-	-	-
1960	8,52	72,6	1025	39,9	6,0	33,9
1980	15,76	362,0	3,15	33,8	7,4	26,4
1999	24,23	445,6	2,30	22,3	5,3	17,0
2000	24,91	332,2	1,4	-	-	-
2025	33,4	233,7	0,75	-	-	-

Манба: «Аҳолишунослик» маркази маълумотлари.

Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақалар ҳиссасига республика меҳнат ресурсларининг 81 фоизи тўғри келаётган бўлса, ишсизлар улар умумий сонининг атиги 55 фоизидан иборат. Умуман, Ўзбекистон бўйича расмий ишсизлик даражаси 0,5 фоизни ташкил этаётган бўлса, аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларда 0,8 фоизни ташкил этмоқда.

Аҳоли зичлиги паст даражада бўлган минтақаларда камрок ривожланган ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар, тор йўналтирилган тармоқ ихтисослашуви ва экотизимга путур етишининг оқибатлари сезиларлироқ.

Республика аҳолиси сонининг ўсиши уни шакллантириш манбалари бўлган табиий ва механик тарзда кўпайиш билан боғлиқ. 1997-2004 йилларда республикада аҳолининг ёш таркиби прогрессивроқ бўлиб қолди. Меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган болалар ва ўсмирлар улуши 2004 йил 1 январь ҳолатида бутун мамлакат аҳолисининг 41 фоизини, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улуши 52 фоизини, меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқлар улуши 7,5 фоизини ташкил этди.

Кўпайиб бориш кўрсаткичлари юқори бўлган қишлоқ аҳолиси сонининг доимий ошиб бориши ва республика аҳолиси умумий миқдорида унинг улуши юқорилиги Ўзбекистон демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Айни қишлоқ аҳолиси республика аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиб, биринчи навбатда табиий кўпайиш, туғилиш ва чакалоқлар ўлими ҳажмларини белгилайди.

Аввало, қишлоқ жойларга хос бўлган туғилиш даражаси юқорилиги республика ҳукуматидан алоҳида эътиборни талаб қиласди. Кўп болали оиласларга бериладиган нафақалар, мактабгача тарбия ва бошланғич таълимнинг хизмат инфратузилмаларини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш хизматларини кенг йўлга кўйиш чора-тадбирлари туғилиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Ҳукумат шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш устуворлигини ва ўтиш даврида жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймасликни таъминлаш баробарида жамиятни кўп болали оиласларни фақат нафақалар хисобидан боқиши мумкинлиги билан кўп йиллардан буён боғлиқ бўлиб келаётган боқимандалик кайфиятларидан жамиятни халос эта бориши ҳам керак. Акс ҳолда манзилсиз тус олган ва деярли бутун аҳолини қамраган, шу туфайли самарадорлиги пасайган ижтимоий муҳофазалаш тизимдаги шусиз ҳам қийин вазиятни мураккаблаштиради.

2004 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада аҳоли сони 25,8 млн. кишини ташкил қилди ва йил давомида 273,4 минг кишига ёки 1,1 фоизга кўпайди. Аҳолининг табиий ўсиши 372,4 минг кишини ташкил этди. Аҳоли ўсишининг қарийб тўртдан уч қисми қишлоқ ҳудудига тўғри келади. 2003 йилда миграция сальдоси минус 99,3 минг кишидан иборат бўлади (2002 йилда минус 83,3 минг киши эди).

2003 йилда туғилганлар сони 509,4 минг кишини ташкил қилди ва 2002 йилдагидан 23,1 минг киши ёки 4,3 фоизга камайди, республика

бўйича туғилиш коэффициенти 19,8 промиллени ташкил этди (2002 йилда 21,0 промилле).

Туғилиш даражасининг пасайиши республиканинг кўпгина худудларида қайд этилди. Энг катта пасайиш Сурхондарё (24,4 промилледан 22,4 промиллега), Сирдарё (22,8 промилледан 20,9 промиллега) ва Жиззах (23,4 промилледан 21,8 промиллега) вилоятларида кузатилди. Туғилишнинг энг паст даражаси эса, Қашқадарё вилоятида (23,5 промиллега) сақланиб қолмоқда.

## **5.2. Мехнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш**

Мехнат бозор инфратузилмасида ишчи кучини ёллаш ва ундан фойдаланиш бўйича ижтимоий-иктисодий ва меҳнат муносабатлари мажмуи бўлиб, меҳнатга бўлган талаб ва таклифда ўз ифодасини топади.

Маълумки, меҳнат бозорида учта субъект фаолият кўрсатади: иш берувчи, ёлланма ишчи ва давлат. Агар мөхнат узоқ вакт режалаштирилган иктисодиёт шароитида амалга оширилиши натижасида қолоқ профессионал иктисодиёт, паст мөхнат унумдорлиги ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатсизлиги оқибатилари гирдобида бўлиши мөхнат мотивацияси пасайиб кетишига олиб келди. Бу эса, ишчи кучининг сунъий танқислигини юзага келтирадиган юқори мөхнат сифими натижаси билан боғлиқ. Шу муносабат билан режалаштирилган иктисодиёт шароитида давлат монополист сифатида иш ҳақининг сунъий пасайтирилган даражасини қўллаб-қувватлашни маъқул кўрди, чунки бу у юритаётган сиёсатини асосий воситаларидан бири эди.

Мөхнат бозорини ўрганиш жараёнида қуйидагилар жуда муҳим ҳисобланади: «иктисодий мувозанат» тушунчаси, мөхнат бозори сегментацияси, бандлик ҳажмининг белгиланиши.

Мөхнат бозоридаги иктисодий мувозанатнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: талаб, таклиф, ишчи кучи баҳоси ва ракобат. Ишчи кучига бўлган талабнинг ҳажми мөхнат ресурсларига бўлган талабнинг ҳажми мөхнат ресурсларига бўлган талаб ва уларнинг баҳосига боғлиқ. Таклиф эса, асосан, демографик хусусиятларга асосан белгиланади.

Мөхнат бозорнинг асосий кўрсаткичларидан бири ракобат қуйидагича белгиланиши мумкин: аграр талаб ва таклифнинг солиштирилиш жараёнида таклиф талабдан кўпроқ бўлса, демак, ракобат мавжуд бўлади. Уни таъминлаш учун эса, биринчи навбатда товар ишлаб чиқарувчиларда эркинлик бўлиши лозим.

Мөхнат бозоридаги иктисодий мувозанат шундай ҳолатки, унда талаб, таклиф ва ишчи кучи баҳоси эгри чизиқлари бир нуқтада бир-бирларини кесиб ўтади. Эгри чизиқлар бир-бирларини кесиб ўтадиган нуқта эса, мөхнат бозоридаги иктисодий мувозанат нуқтаси ҳисобланади.

Лекин, бозорнинг бундай ҳолатда бўлиши жуда камдан-кам учрайди. Бу бозор шароитларидағи иқтисодиётнинг иқтисодий мувозанат эмаслигидан даолат беради. Мехнат бозоридаги иқтисодий мувозанатда талаб, таклиф ва ишчи кучининг қайси ҳолатида ишсизлик, қайси ҳолатида ишчи кучи етишмаслиги кузатилади. Бунда меҳнат бозорини бошқаришга бўлган ишчи кучининг мувозанатлашганини баҳолаш жуда катта роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан, иш ҳақи даражаси ишчи кучининг нархи мувозанатлашган нархдан юқори ўрнатилганда таклифнинг талабга нисбатан кўплиги пайдо бўлади, талаб ошган сари иш ҳақи ҳам ошади, талаб камайгани сари эса, иш ҳақи ҳам камаяди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республикадаги паст даражали меҳнат таъминотига эга бўлган хўжаликларда меҳнат натижалари эркинлигининг йўқлиги паст даромад олинишига сабаб бўлди, бу эса уларга ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имкониятини бермайди. Айни шу сабабларга кўра, ушбу хўжаликларда ишчи кучи танқислиги сунъий йўл орқали пайдо бўлади. Ишчи кучи билан юқори даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлган даромад олиш тенденциялари айни ишчи кучи билан паст даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлган тенденциялар билан бир хил, факат иккинчи ҳолатда ишчи кучи таъминоти баҳоси ва талаби кўпайишига имконият бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бундай хўжаликларда ишчи кучининг ортиқчалиги ёки яширин ишсизлик мавжуд.

Мехнат бозорига тегишли бўлган муҳим масалалардан бири бандлик ҳажмини аниқлашдир. Бозор классик назариясига мувофиқ, бандлик ҳажми ялпи талаб ва ялпи таклифларнинг кесиб ўтиш нуқтаси орқали аниқланади. Айни шу нуқтада кутилган тадбиркорлик фойдаси максимал даражада бўлади. Бандлик ҳажмининг ўсиши аҳолининг истеъмол қилишга мойиллигига ҳамда иш жойларининг кўпайиши учун керак бўлган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Ялпи даромад ўсиши билан истеъмол қилиш ҳам ўсади, шунингдек, жамиятнинг ялпи инвестициялар билан боғлиқ бўлган харажатлари ҳам ошади.

Мехнатга бўлган талаб миқдорини аниқлаш учун чекланган меҳнат унумдорлиги эгри чизиги билан реал иш ҳақи эгри чизиги бир-бирини кесиб ўтиши меҳнатнинг максимал фойда олишни таъминловчи миқдорини кўрсатади.

Агар ишлаб чиқариш соҳасидаги ишсизликларнинг мақомини аниқлаш ҳам муҳим масаларга киради. Маълумки, қишлоқ жойларда яшовчи ишчиларнинг деярли хар бири томорқа хўжалигига эга бўлиб, бундай хўжалик қишлоқ оиласи ялпи даромадининг 40-60 фоизини беради ҳамда ишчи кучининг қисман такрор ишлаб чиқарилиши ва икки томонлама бандликни таъминлайди. Шахсий томорқа хўжалигига эгалик килувчи ва ижтимоий қишлоқ хўжалигидаги ишидан маҳрум бўлиб қолган ишчини ишсиз деб таърифлаш ва уни ишсизлик бўйича нафақа олиш учун меҳнат биржасида рўйхатга олиш тўғрими?

Агар тўғри бўлса, шахсий томорқа хўжалигида банд бўлган ишчига хусусий тадбиркор мақоми берилиши эътиборга олиниши керак.

Таркибий сегментация ташқи бозорни регионал ва маҳаллий бозорларга тақсимлашдан иборат. Омилли сегментация эса, асосан ички бозорга тааллуқлидир. Бизнинг фикримизча, икки бозордаги сегментация ҳам биринчи навбатда қўидагилар бўйича амалга оширилиши лозим (14.1-чизма): малака бўйича; мулкчилик бўйича; маълумот бўйича; иш ҳақи бўйича; ёш жиҳатидан ва бошқалар.

Бундан ташқари, ички бозор бирламчи ва иккиласмачи бозорларга тақсимланади. Бирламчи меҳнат бозори барқарор бандлик ва иш ҳақининг юқори даражаси билан белгиланади. У асосан, маълумоти ва малакаси юқори даражада бўлган ишчилардан иборат. Иккиласмачи меҳнат бозори эса, бандлик даражасининг беқарорлиги, ишчи кучи баҳоси ва малакасининг паст даражаси билан белгиланади.

Ўтиш даври иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришdir. Бунинг учун, аввало, ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан онгли равишда фойдаланиш зарур.

Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилувчи инсон-жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучидир. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина «ишлаб чиқариш - истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади.

Фақат киши эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва у самарали такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаган жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади. Жамиятнинг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳоказалар ушбу асосий мақсадга бўйсениши керак. Бу дегани, бугунги бозорга караб иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ ўтиш даврини тезлатмоқ ёхуд секинлаштироқдир.

Меҳнат эркинлиги ва ихтиёрийлиги меҳнат бозори шаклланишининг асосий шартидир.


Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни қуида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Меҳнат бозори шаклланишининг асосий иқтисодий шарти бўлиб ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қиласди.

Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектлар ўзаро алмашув муносабатига киришишига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қиласди, унинг орасида эса шахсий истеъмолчилик ётади.

### 5.1-Чизма

#### Ташқи ва ички меҳнат бозорлари элемантларининг ўзаро ҳаракати



Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда аҳоли ижтимоий-иктисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжини ифодалайди.

Мехнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шериклар иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақазо этади.

Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарашиб турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби-таклиф қилинган меҳнатга лаёкатли ахоли сонининг талаб миқдорига нисбатан тез ўсишидир. Иқтисодиётнинг барча секторларидаги таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойлари яратиш ва ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан, меҳнат бозорининг янги инфратузилмаси кўп сонли меҳнат талаб қиласиган тармоқлар ва ишлаб чиқариш бўғинларини камраб олса, бошқа томондан иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради.

Ишчи кучи нархининг ўзгариши меҳнат бозори шаклланишининг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш амалга оширилаётган мамлакатларда иш ҳаки ҳақиқий даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилади. Назарий жиҳатдан бундай вазиятда иш ҳакини қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади. Аммо бундай имкониятлардан фойдаланиши давлат қонунчилик йўли билан «тўсиб қўйиш»га ҳаракат қиласи. Шу мақсадда минимал иш ҳаки ва кун кечириш учун зарур миқдор даражаси расмий равишда белгиланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатган минимал иш ҳаки кун кечириш учун зарур миқдор даражасидан кам бўлмаслиги керак. Меҳнат бозори конъюнктураси шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари орасида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш етакчи ўрин эгаллайди.

Агросаноат комплекси ва хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламларининг кенгайиши, уларнинг интенсив ривожланиши, ўз вактида моддий-техник ва молиявий ресурслар таъминланиши меҳнаткашлар қайта тайёргарликдан ўтишини ва янги замонавий касбларни (универсал ишчи ва хизматчи, тадбиркор, менежмент, маркетинг ва ҳакозо) эгаллашларини талаб қиласи.

Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи таклифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Масалан, юқори даражадаги туғилиш меҳнат бозорига аҳоли оқими келишини асослайди (5.2-жадвал).

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучини сотиш, сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарти ҳисобланади. /арб мутахассисларининг меҳнат ҳуқуқи бўйича илмий ишларида меҳнат шартномаси «ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиш ва ҳуқуқий бўйисиниши мавжудлиги ҳакидаги келишув» сифатида ифодаланади.

Шартнома хусусий-ҳуқуқий харидорларнинг турлича кўриниши бўлиб, унга нисабатн фуқаролик ҳуқуқига хос меъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва заруриятини асослайди.

5.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2003 йилда иш билан банд меҳнат ресурслари сони 2002 йилдагига нисабатан 660 минг кишига кўпайди ва ҳисоб-китобларга қараганда, 9589 минг кишини ёки мамлакат аҳолисининг 27,3 фоизини ташкил қиласди. Ишга жойлаштирилганларнинг умумий сонидан 58,3 фоизи ёшлардан (16-30 яшар шахслар) иборат.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган иш қидираётган фуқароларнинг энг кўпи Хоразм вилоятида (3,4 минг киши) ёки республика бўйича мурожаат этганлар умумий сонининг 12,4 фоизини ташкил қиласди. Улар Қорақалпоғистон Республикасида (3,3 минг киши ёки 11,1 фоизи) ва Самарқанд вилоятида (4,8 минг киши ёки 16,1 фоизи) қайд этилди.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг 32,2 минг нафари (ишга жойлаштиришни сўраб мурожаат этилганларнинг 87,2 фоизи) ишсизлик мақомига эга бўлган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2003 йилда «Бандлик» дастурини амалга ошириш доирасида республика бўйича 429,6 мингта (2002 йилдагига нисбатан 98,5 фоиз) иш жойлари ташкил қилинган.

Янги иш жойлари умумий сонининг 43,9 фоизи корхона ва ташкилотларда, жумладан, 31,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналарида, 16,6 фоизи фермер хўжаликларида, 9,9 фоизи дехқон хўжаликларида, 29,6 фоизи якка тадбиркорликда ташкил қилинди. Республика бўйича ташкил қилинган янги иш жойларининг 69,9 фоизи (300,3 мингта иш жойи) қишлоқларга тўғри келади.

### **5.3. Республика вилоятларида меҳнат бозорини тартибга солиш**

Аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор муносабатларига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади.

5.2-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича банд аҳолининг тақсимоти  
(тегишли давр бўйича ўртача, минг киши)**

	2004 й.	Умумий банд бўлганларга	2005 й. *)	Умумий банд бўлганларга	2005 й. 2004 йилга нисбатан
Банд бўлган сони, жами	9910,6	100,0	10196,3	100,0	102,9
Моддий ишлаб чиқаришда	6710,6	67,7	6839,8	67,1	101,9
ундан:					
саноатда	1283,9	13,0	1347,5	13,2	105,0
қишлоқ ва ўрмон	3042,5	30,7	2969,5	29,1	97,6
транспорт ва алоқа	317,8	3,2	334,4	3,3	105,2
қурилишда	808,1	8,2	848,5	8,3	105,0
савдо, умумий овқатланиш, МТТ,	857,6	8,7	903,9	8,9	105,4
бошқа соҳаларда	400,7	4,0	436,0	4,3	108,8
Номоддий ишлаб	3200,0	32,3	3356,5	32,9	104,9
ундан:					
транспорт ва алоқа	143,2	1,4	153,7	1,5	107,3
уй-жой ва коммунал хўжалигига ҳамда аҳолига майший хизмат кўрсатиш	301,1	3,0	316,4	3,1	105,1
соғлиқни сақлаш, жисмония тарбия ва ижтимоий таъминот	689,0	7,0	735,5	7,2	106,7
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий таъминот	1321,0	13,3	1385,1	13,6	104,9
молия ва кредит тизимида	52,8	0,5	54,2	0,5	102,7
маъмурӣ бошқарув	190,9	1,9	205,7	2,0	107,8
бошқа соҳаларда	502,0	5,1	505,9	5,0	100,8
Давлат секторида, %	23,1	X	22,9	X	X
Нодавлат секторида, %	76,9	X	77,1	X	X

\*) баҳолаш. Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат сатистика қўмитаси.

Бундай мувозанат иш берувчилар ва «мехнатга қобилияту» кишиларнинг иқтисодий манфаатлари энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакал тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли аҳолининг оқилона бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучи қиймати асосида «мехнат қилиш қобилияти»ни бозорда сотиш учун таклиф қилинганларнинг турмуш даражаси шаклланиши кам таъминланади.

Республикамизда аҳоли бандлиги шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Бунга қуидагилар асосий тўсиқ бўлмоқда: давлат мулкини хусусийлаштириш самарадорлигининг паст даражаси; иқтисодиётда туб таркибий ислоҳотлар ва ишловчилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бўлишининг секинлиги; меҳнат ҳаки унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг паст сифатли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши; меҳнатга қобилияту ўсмирлар, кўп болали аёллар, нафақаҳўрлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи таклифи унга бўлган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ишончли ахборотлар камлиги ва меҳнат бозорини самарали тартибга солиш механизми такомиллашмаганлиги. Улар орасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларини таркибий ислоҳ қилиш етакчи ўринни эгаллайди.

Вакант (бўш) лавозимлар ва иш жойлари мавжудлиги ҳақида ишончли ахборотларнинг камлиги банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради. Статистика идоралари фақат саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш обьектларидаги иш жойларининг миқдори ва тузилиши бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Амалда синалган методика йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалиги иш жойларининг сони ҳақидаги ахборотларни йиғиши амалга оширилмайди.

Булар ва меҳнат бозорида муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд механизм эса оқилона бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Такомиллаштирилган янги механизм эса қуидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши, ёлланма ишчи кучига меҳнат ҳаки (нархи)нинг энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилияту ўсмирлар, нафақаҳўрлар, кўп болали аёллар ва ногиронлар бандлигини оширишни рағбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, ракобат қобилияти ва рентабеллигини ошириш; бандлик хизмати инфратузилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.

Аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларидан бири аёллар ишдан бўшатиш учун биринчи

номзодлардир. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, 2000-2004 йиллар давомида иш жойларини йўқотганларнинг 60 фоизини аёллар ташкил килади. Шундай вазият вужудга келмоқдаки, унда аёл биринчи ишидан бўшатилувчилар сафида. Аммо бўш жойга эга биринчи номзод эмас.

Бозор муносабатларига ўтишда аёл ишсизлигининг ўсиши кўпгина сабаблар билан изоҳланади. Улардан энг мухимлари –аёл меҳнатини кўллаш учун иш жойлари етишмаслиги; қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмоғи юқорилиги; ёлланувчилар малакаси даражаси ва сафарбарлиги пастлиги. Булар қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган меҳнат билан бандликни мураккаблаштиради. Шунинг учун меҳнат бозорида аёл ишчи кучига талаб эркак ишчи кучига талабга қараганда анча кам.

Республикамизда аёллар бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим. У ўз ичига кўп болали ва ёш қизлар учун янги иш жойларини яратиш, аёлларни болага қарашиб давридан кейин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, боласи бор аёллар малакасини ошириш учун маҳсус курслар ташкил қилиш, аёл меҳнати шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш каби тадбирларни қамраб олиши керак. Оқилона бандликни шакллантиришнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари куйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар куйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аникланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг ҳажми; меҳнатга лаёқатлиларнинг ҳар бири учун аҳоли ер юкламаси; ўртача йиллик иш ҳаки; аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; саноат корхоналаридағи асосий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақаси миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли шакллари, меҳнатни ташкл қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.лар

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг вилоятлар бўйича иқтисодиётда оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизmlарини белгилаши мумкин. 2003 йилда минтақалар бўйича аҳолининг иқтисодий фаоллги 14.3-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон ҳудудларида демографик ривожланиш суръатининг пасайиши кузатилмоқда. Бунга асосан туғилиш даражасининг пасайиши сабаб бўлмоқда. Бироқ бу пасайиш меҳнатга яроқли аҳоли сонининг умумий аҳоли сонидаги салмоғи ўсиш суръатини хисобга олганда, ижобий ривожланиш сифатида баҳоланиши мумкин.

### 5.3-жадвал.

2004 йилда минтақалар бўйича аҳолининг иқтисодий фаоллиги

Республика ва вилоятлар	Иқтисодий фаол аҳоли, минг нафар	Шу жумладан		
		иқтисодиётда бандлар	ищизлар	ищизлик фоизларда
Ўзбекистон Республикаси	9621,2	9589	32,2	0,3
Қорақалпоғистон Республикаси	515,3	509,4	5,9	1,1
Андижон	893,7	892,3	1,4	0,2
Бухоро	627,5	627	0,5	0,1
Жиззах	312,9	312,4	0,5	0,2
Қашқадарё	772,1	770,5	1,6	0,2
Навоий	356,5	354,5	2	0,6
Наманган	655,4	652,6	2,8	0,4
Самарқанд	985	981,6	3,4	0,3
Сурхандарё	612,9	611,1	1,8	0,3
Сирдарё	265,9	264,9	1	0,4
Тошкент	953,5	952,8	0,7	0,1
Фарғона	1096,7	1095,3	1,4	0,1
Хоразим	497	490,4	6,6	1,3
Тошкент шаҳри	1076,8	1074,2	2,6	0,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.-Т.: 2004.

Қорақалпоғистон Республикасида меҳнатга яроқли аҳоли орасида ищизлар сонининг ўсиши жадал суръатлар билан давом этиб, 2004 йилда 1,1 фоизни ташкил этди. Умумий аҳоли сони ўсишига қараганда икки баравар тезрок кечган бу ўсиш республикада ищизлик муаммоси борлигини кўрсатади. Охирги олти йил мобайнида республикада меҳнатга яроқли аҳоли сонининг умумий аҳоли сонидаги салмоғи 1,6 фоизга ошли ва 2004 йилнинг декабрь ойига келиб, 51 фоизни ташкил этди. Меҳнатга яроқли ёшдагилар орасида иш билан банд бўлганлар салмоғи 2004 йилда 75,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб, 71 фоизгача камайди. Бироқ, 2000 йилдан 2004 йилгача бўлган давр ичida иш билан банд бўлганларнинг ўртacha сони 6,3 фоизга ошли. Бунга асосан турли хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг-умумий давлат бошқаруви, банклар ва суғурта

солиғини сақлаш, коммунал хизматлар, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари ривожланиб бориши сабаб бўлди. Шунингдек, қурилиш соҳасида банд бўлганлар сонининг 28 фоизга ошиши қайд этилди, республика қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлганлар сони умумий иш билан банд бўлганлар сонида энг катта салмоқни сақлаб қолиб, 2004 йилда 35 фоизни ташкил этди. 2000-2004 йиллар давомида қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлганлар сони 9,1 фоизга камайди. Бошқа тармоқларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган 1000 киши ҳисобига иш билан таъминланганлар сони 2002 йилда 628 ва 2003 йилда 671 кишини ташкил қилган бўлса, шу даврда рўйхатга олинган ишсизлар сони 1000 киши ҳисобига тегишлича 257 ва 283 кишига тўғри келди. 2004 йил бошида рўйхатга олинган 1000 ишсиз ҳисобига бўш иш жойлари атиги 117 тани ташкил қилди. Республика ва қўпчилик вилоятлар орасида бу борада катта фарқ кузатилди.

2004 йил давомида иш билан банд бўлганлар сонининг энг катта йиллик ўсиши давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қурилиш соҳаларида қайд этилди. Бу даврда ишчилар сонининг энг сезиларли қисқариши қишлоқ хўжалигида кузатилди ва ҳоказо.

### **Қисқача хулосалар**

Хулоса қилиб айтганда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технонология, техника билан таъминлаш, саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси обьектларини вужудга келтириш, маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлгини ошириш, чет элга юборилишини кўпайтириш, уларда иқтисодий, маънавий ва мафкуравий жиҳатдан янгича тафаккурни шакллантириш масалаларини ҳал этиш асосий вазифалардан бўлиб қолади. Вилоятларда меҳнатга лаётқатли аҳолининг иш билан бандлиги пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини яратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш миқдорининг қисқариши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляция, мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан вужудга келиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (яқин келажакда ҳам аграр сектор мавқеининг сақланиб қолиши) меҳнатдан олинадиган ҳақиқий даромадларнинг камайиши каби ҳолатлар вужудга келган шароитларда ишчи кучига талабни ошириш, яъни ундан самарали фойдаланиш ва унинг таклифини пасайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши тақазо этилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистон вилоятларида меҳнат бозори қандай ҳолатда?
2. Ўзбекистон вилоятларида меҳнат бозори қандай имкониятларга эга?
3. Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати, деганда нимани тушунасиз?

4. Мехнат бозори ривожланиши учун нималар қилиш керак?
5. Мехнат бозорини тартибга солиш учун нималар қилиш керак?
6. Республика вилоятларида меҳнат бозорини тартибга солиш харажатларини таҳлил қилиб беринг?
7. Вилоятларда меҳнатга лаётқатли аҳолининг иш билан бандлиги нега пасайган?
8. Қорақалпоғистон Республикасида меҳнатга яроқли аҳоли орасида ишсизлар сони нега ўсган?
9. Ўзбекистон худудларида демографик ривожланиш суръатининг пасайиши кузатиляптими? Буни сабаби нимада?
10. 2005 йилда минтақалар бўйича аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошадими?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модеринизация ва ислоҳ этишдир».-Т. «Ўзбекистон», 2005. 96-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йил 3 майдан бошлаб иш ҳаки, нафакалар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони.-«Халқ сўзи», 2005й., 26 март.
3. Абдураҳмонов Қ.Ҳ «Мехнат иқтисоди-назария ва амалиёт».-Т.: «Мехнат», 2004. –670 б.
4. «Экономика труда» (социально-трудовые отношения) Под.ред. Н.А.Волгина., Ю.Г. Одегов.-М.: «Экзомен». 2003.
5. Рахимова М.Р., Зокиров С. «Минтақавий иқтисодиёт» маъruzamatни. Т.: 2005й.
6. Интернет веб-сайтлари. [WWW.ceep.uz](http://WWW.ceep.uz). [WWW.bearingpoint.uz](http://WWW.bearingpoint.uz). [WWW.pca.uz](http://WWW.pca.uz).

## **6-БОБ. МИНТАҚАЛАРНИНГ МИНЕРАЛ ХОМАШЁ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИ**

- 6.1. Минерал-хомашё ресурслари тушунчаси. мазмунни ва уларнинг худудий жойлашуви ҳамда унинг иқтисолиётда тўтган ўрни**
- 6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида минерал-хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш**
- 6.3. Ўзбекистан Республикаси минерал-хом ашё ресурсларининг ҳозирги ҳолати**
- 6.4. Бозор иқтисолиёти шароитида минерал-хом ашё базасини мустахкамлаш. улардан фойдаланишни такомиллаштириш.**

### **6.1. Минерал-хомашё ресурслари тушунчаси. мазмунни ва уларнинг худудий жойлашуви ҳамда унинг иқтисолиётда тўтган ўрни**

Минерал-хомашё ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг муҳим бойлик манбаидир. Ундан олинаётган маҳсулотлар инсоннинг хилма-хил эҳтиёжини қондиради. Минерал-хомашёдан турли металлар, ёқилғи, курилиш материаллари, химикатлар, қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ер остидаги минерал ҳосилалар қидирилмаган ва баҳоланмаган бўлса, у ҳолда улар минерал хомашё сифатида кўриб чиқилиши мумкин, ҳолбуки уларни аниқлашга ва қидиришга меҳнат сарфланган. Аммо ер остидаги бундай минерал хомашё заҳиралари потенциал ресурслар ҳисобланади, холос. Улар ер бағридан қазиб олингандан кейингина хақиқий минерал хомашё ҳисобланади. Минерал хомашё тушунчаси фойдали қазилма тушунчаси билан ўзвий боғлиқдир.

Фойдали қазилма - бу ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобигидаги табиий минерал моддалардир. Улар ер остидан қазиб олингандан кейин минерал хомашё кўринишига эга бўлади. Шундай қилиб, ер бағридан қазиб олинган, ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар минерал хомашё дейилади. Мамлакатда муайян муддатда қидирилган, аниқланган, баҳолангандан ҳамда прогноз қилинган фойдали қазилмалар эса минерал ресурслар деб аталади<sup>2</sup>.

Фойдали қазилмалар табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тўзилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характеристи ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон запаслари 4 категорияга бўлинади. Булар: A, B, C1, C2.

<sup>2</sup> Кобахидзе Л.П. Экономика геологоразведочной отрасли. Москва «Недра», 1990, стр.22

А категорияга фойдали қазилмаларнинг турлари ва технологик хоссалари ўрганилган заҳиралари киради.

Фойдали қазилмаларнинг В категориядаги заҳиралари руда жисмларининг ётиши холлари, табиий турлари ва саноат сортлари аниқланиб ҳисобланади. Бундай запаслар қидириб топилган ва чегараланган бўлади.

C1 категорияга киритилган фойдали қазилмалар заҳиралари конларнинг алоҳида участкаларидан олинган технологик намуналарни ўрганиш асосида аниқланади, аммо рудаларнинг хиллари, сифати ва технологик характеристикаси аниқланмаган бўлади.

Заҳиралар геологик, саноат аҳамиятига молик ва эксплуатацион хилларга бўлинади.

Минерал ресурсларга бўлган талаб вактга қараб ўзгариб туради ва у жамиятнинг ривожланиш даражасига, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, шунингдек техника тараққиётiga ва иқтисодий имкониятига боғлиқ бўлади. Табиий минерал моддалар уларга бўлган эҳтиёж ва амалда улардан фойдаланиш усуллари пайдо бўлгандағина минерал ресурсларга айланади. Техника билан қуролланганлик даражаси нечоғли юқори бўлса, фойдали қазилмалар ассортименти шунчалик кўп бўлади ва минерал хомашёнинг кўплаб янги турлари саноат ишлаб чиқаришга жалб этилади. Масалан, саноат аҳамиятига эга бўлган тошкўмирдан фақат XVII аср охиридан, нефтдан XIX аср ўрталаридан, алюминий, магний, хром ва нодир элементлар маъданларидан ва калийли тўзлардан XIX аср охири ва XX аср бошларидан, уранли маъданлардан эса XX аср ўрталаридан бошлаб фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Одатда, фойдали қазилмалар заҳиралари ва прогноз қилинган ресурслар миқдорий жиҳатдан баҳоланади. Дунё ва айрим мамлакатлар минерал-хомашё балансида, ҳар бир фойдали қазилма тури, заҳираларининг 70-80% дан ортиғи йирик ва жуда катта конлар ҳисобига тўғри келади, қолганлари ўртacha катталиқдаги ва кўплаб майда конларга жамланган.

Умуман қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг талайгина қисми маъдан миқдорига нисбатан оз бўлган, ёки катта чуқурликда ва мураккаб тоғ-геологик шароитларда жойлашган конларда жамланган.

Минерал ресурсларни саноат йўсинида ўзлаштириш уларни баҳолашга (илмий-тадқиқот, излаш ва геологик қидирив ишлари) ва ҳажмига, саноатнинг ўзига хос хусусиятларига ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига, хўжалик минерал-хомашё секторининг мамлакат иқтисодиётидаги роли билан белгиланади ҳамда қазиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлашни ўз ичига олади.

Минерал ресурсларнинг қайтадан тикланмаслиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурати, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишда нестнобуд бўлишини камайтириш, шунингдек иккиламчи хом ашё сифатида ишлатиш ва минерал ресурслардан фойдаланишда экологик иқтисодий ёндошувга риоя қилиш лозимлиги билан изоҳланади.

Минерал-хомашё ресурсларга бўлган эҳтиёж истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан жадал ортиб бормоқда. Бу асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг энергетик ва техникавий қуролланганлик даражасини ошириш учун кўп миқдорда табиий ресурслар зарурлиги билан изоҳланади.

Минерал-хомашё ресурслари ролининг ортиб бориши уларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши билангина эмас, балки уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва меҳнат унумдорлигига таъсири билан шартланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари ва даражаси кўп жиҳатдан фойдали қазилмалардан фойдаланиш самадорлиги кўламлари ва даражасига боғлиқдир.

## **6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида минерал-хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикасида ишга солинаётган фойдали қазилма конлари бошқа мамлакатлардан ўзининг жуда катта заҳиралари билангина эмас, балки қуйидаги бир қатор хусусиятлари билан ҳам ажralиб туради:

*Биринчидан*, табиий ва минерал-хомашё заҳиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти бор;

*Иккинчидан*, фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибида фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина колмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эга;

*Учинчидан*, конларнинг кўпчилигига очик усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойитиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология кўп миқдорда фойдали компонентлар чиқаришни ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот олишни таъминлайди;

*Тўртинчидан*, кўпгина фойдали қазилма конлари яхши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлашган. Улар қулай транспорт инфратўзилмасига, шу жумладан суюқ ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун қувур транспортига эга.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тўзлари, фосфорит, каолин бўйича Ўзбекистон тасдиқланган заҳиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан дунёда етакчи ўринларни эгаллайди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида минерал-хом ашё ресурслари ҳам ички, ҳам ташқи бозорнинг истеъмол обьекти бўлиб хисобланади. Шу туфайли, тоғ-кон саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар миллий иқтисодиётни қуйидаги муаммоларини ечишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- ҳалқ хўжалиги талабини анъанавий турдаги минерал-хом ашёлар билан тўлиқ таъминлаш;
- ташқаридан кириб келаётган минерал-хом ашёлар ўрнини тўлдириш;
- миллий хўжаликнинг янги соҳаларини хом ашё билан таъминлаш;

- экологик вазиятни (кимёвий ўғитларни табиий ўғитларга алмаштириш) ва санитар-гигиеник вазиятни (йод, бром, шифобахш минераллар) яхшиланишини ташкил этиш;
- ташқи бозорни ўзлаштириш ва ижобий савдо балансини ташкил этиш.

Шулардан келиб чикиб, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат минерал-хомашё базасини мустаҳкамлашда улардан самарали ва оқилона фойдаланилиши лозим.

### **6.3. Ўзбекистан Республикаси минерал-хом ашё ресурсларининг ҳозирги ҳолати**

Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга келиб республикада 2900 дан ортиқ фойдали қазилма конлари ва улар намоён бўлган истиқболли жойлар, 100 хилга яқин минерал-хом ашё қидириб чамаланган, шундан тахминан 65 туридан ҳозирдаёқ саноатда ва қишлоқ хўжалигига фойдаланилмоқда.

1000 тага якин кон, шу жумладан 168 та нефт, газ ва кондесат кони, 51 та қимматбаҳо металлар кони, 41 та рангли, нодир ва радиоактив металлар кони, 3 та кўмир кони, 22 та кон - маъдан, 14 та кон - кимёвий ва 24 та ярқирама тош хом ашёси кони, 522 та турли мақсадда фойдаланиладиган қурилиш материаллари ва 151 та чучук ва минерал ер ости сувлари конлари қидириб чамаланган. Ҳозирча уларнинг 45 фоизи ишлатишга жалб қилинган.

Республикамизнинг умумий минерал-хом ашё салохияти тахминан 3,5 триллион долларни ташкил килади. Ишлатиш учун тайёрлаб қўйилган фойдали қазилмалар захиралари 1025 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, республикада нисбатан қисқа муддат ичida 200 млрд. доллар миқдорида хом-ашё қазиб олинди.

Тайёрлаб қўйилган захиралар негизида республикада 535 та кон, шахта, карьер, нефт-газ конлари, 420 та сув олиш жойлари, бальнеологик шифохоналар, шифобахш сувларни қувиш шохобчалари ишлаб турибди. Ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган минерал-хом ашё захиралари нафақат ишлаб турган кон қазиб чиқариш мажмууларнинг ўзок муддатли истиқболини таъминлайди, балки уларнинг қувватини ошириш, энг муҳим фойдали қазилмалар (олтин, уран, мис, кўрғошин, рух, кумуш, литий, фосфоритлар, калий тўзлари, флюорит, кварц-дала-шпат, агрокимёвий маъданлар ва бошқалар) қазиб олишни қайтадан ташкил этиш имконини ҳам беради.

Хар йили республика конларидан тахминан 5,5 млрд. доллар миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ўрнига 6-7 млрд. долларлик янги захиралар кўшилмоқда.

Республикамиз муҳим фойдали қазилмалар категорига кирувчи: олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тўзлари, фосфоритлар ва

каолинларнинг тасдиқланган заҳиралари ва уларнинг келажакдаги истиқболлари бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди.

#### **6.4. Бозор иктисолиёти шароитида минерал-хом ашё базасини мустаҳкамлаш. улардан фойдаланишини такомиллаштириш**

Аксарият конларнинг бир-бирига якин жойлашганлиги ва учрайдиган фойдали қўшимчаларни қазиб олиш мумкинлиги обьектларнинг аҳамиятини анча оширади. Аммо минерал-хомашё негизини ривожлантиришда катта имкониятлар борлига қарамай, бу соҳада купгина муаммолар ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда жаҳон бозорида олтин ва бошқа рангли металларнинг нархи жуда пастлаб кетди. Бу хол энергетика хомашёсига ҳам тааллуқлидир. Бундай шароитда фақат юқори сифатли, яъни таркибида фойдали қўшимчалар миқдори кўп, ишлатиш шароитлари ва маъданларни қайта ишлаш усулига кўра технологик жиҳатдан илғор ва экологик таъминоти юксак даражада бўлган минерал хомашё заҳиралари рақобатбардош бўлиши мумкин.

Умуман, жаҳон бозорининг ўзгарган шароитлари Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё негизини реструктурлаштириш муаммосини илгари сурмоқда. Бунинг учун барча тоифадаги саноат заҳиралари ва прогноз қилинган ресурслар қисқа муддат ичидаге геологик-иктисодий баҳоланиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимиз минерал хомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида қуидаги вазифалар амалга оширилмоқда:

1. Республикада ягона бўлган металл парчалари ҳисобига ишловчи Ўзбекистон металлургия комбинатини хомашё билан таъминлаш мақсадида Давлат геология қўмитаси темирга оид геология-кидирув ишларини олиб бормоқда. Ҳозирги вактда 450 млн. тонна маъдан (ўргача темир миқдори - 15%) заҳирасига эга бўлган Тебинбулоқ (Қорақалпоғистон Республикаси), 70 млн. тонна маъдан (миқдори - 33%) заҳирасига эга бўлган Темиркон (Жиззах вилояти) ва 16 млн. тонна, (миқдори - 34%) маъдан заҳирасига эга бўлган Сюренота (Тошкент вилояти) сингари учта кон мавжуд..

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот шахрида ош тўзи ва оҳактошдан иборат хом ашё негизида йилига 210 минг тонна каустик ва кальцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган сода заводининг I навбати ишга туширилди. Заводнинг тўла қувватда ишлай бошлиши билан республикамиз ўзини ўзи сода билан тўла таъминлади.

3. Навоий вилотида Қизилкум фосфорит комбинати қурилмоқда. Заводнинг қуввати йилига 1190 минг тонна бўлган концентратни ташкил этади. Корхонанинг ишга туширилиши билан, республикада фосфоритга бўлган талаб тўлалигича қондирилади. Бугунги кунда мамлакатимизга фосфорит қўшни Қозоғистон Республикасидан келтирилмоқда.

4. Қашқадарё вилоятида қуввати йилига 300 минг тонна бўлган калий хлор ишлаб чиқарадиган калий заводини қуриш лойиҳалаштирмоқда. Корхона ишга тушириши билан, республиканинг калий хлорга бўлган талаби қондирилади. Ҳозирги кунда калий хлор Россия ва Белоруссиядан келтирилмоқда.

5. Ўзбекистонда Австрия билан ҳамкорликда кварц қуми ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кварцпесок" қўшма корхонаси ташкил этилган. Кварц қуми илгари республикамизга Тожикистон Республикасидан олиб келинар эди.

6. Иссикликни ўтказмайдиган материаллар (вермикулит, базальт ва б.) конлари бўйича геология ишларини олиб бориш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизга вермикулит Россиядан келтирилмоқда.

Юқорида баён этилган масалалар ўзаро ўзвий боғлиқ бўлиб, замонавий техника ва технологияни мақбул бошқаришни, республика иқтисодиётидаги муаммоларни аник белгилаб, уларни хал қилишнинг самарали йулларини излаб топишни тақозо қилади. Бу эса катта маблаг талаб қилувчи геология-қидирув ишлари, тоғ-кон саноатини ривожлантириш каби иқтисодиётдаги муҳим вазифаларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлик.

### **Қисқача хуросалар**

Фойдали қазилма - бу ишлаб чиқариш қучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобигидаги табиий минерал моддалардир.

Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалидаги минерал ресурсларнинг деярли барча турлари мавжуд.

Республикамизда минерал хом ашё ресурслари ниҳоятда нотекис жойлашган.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Кон запасларининг A, B, C<sub>1</sub>, C<sub>2</sub> категориялари ўзаро қандай фарқланади?

2. Ўзбекистонда ишга солинаётган фойдали қазилма конлари бошқа мамлакатлардан ўзининг қайси хусусиятлари билан ажралиб туради?

3. Ўзбекистон олтин қазиб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда нечанчи ўринни эгаллайди?

4. Республикада минерал хом ашё ресурсларининг жойлашуви қандай?

5. Фойдали қазилмалар захиралари ва прогонз қилинган ресурслар қандай баҳоланади?

6. Республикада фойдали қазлималар захиралари қанча?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

4. Тошпўлатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. Тошкент, 2004
5. Йўлдошов З.Ю. Миллий иқтисодиёт, ўкув қўлланма Т. 2004.

6. Минтақавий иқтисодиёт, Тошкент Миллий университет 2003.
7. М.Рахимова «Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти»; ўқув қўлланма Т.: 2004
8. Ишухамедов А.Э. Узбекистон Миллий иқтисодиёти. Дарслик. Т.: 2006й.

## **7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА САНОАТ ТАРМО/ИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

- 7.1. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари
- 7.2. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни.
- 7.3. Ўзбекистоннинг нефть мустақиллиги асослари

### **7.1. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари**

Тармоқлар орасида асосий бўғин саноатнинг ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади. Саноат мажмуасининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, илмий-техника тараққиётiga эришилади. Айни пайтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам саноат ишлаб чиқаришида банд. Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон саноати айни вактда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда ҳалқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб бермоқда. Шу боисдан ҳам саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадорлигининг ўсишини таъминлаш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариши даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори шунча мустаҳкам, аҳолининг турмуш шароити ҳам шунча яхши бўлади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, саноат мажмуасининг ҳар қандай тармоғи ички тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар-қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуасининг бошқа соҳалари, қазиб олувчи тармоқлар билан узвий боғлик.

Эндиликда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса, четга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётiga бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунга келиб, саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 17 фоизи яратилади. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти индустрислашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Саноат тармоқларидаги 2004 йилги 9,4 %ли ўсиш, саноат мажмуаси тармоқлари ва ишлаб чиқарган маҳсулот 8074,8 млрд. сўмликни ташкил этгани ҳам шундан далолат бермоқда.

Саноат мажмууси маҳсулотларига унинг тармоқлари қуйидагича хисса қўшмоқда: ёқилғи саноати ва энергетика-18,3%; металлургия-13,9%;

енгил саноат-18,6%; химия саноат-5,2%; машинасозлик-15,8%; озиқ-овқат-10,8%; қурилиш материаллари-6,5%; ёғочни қайта ишлаш-2% ва бошқалар.

Саноат халқ хўжалигининг йирик соҳаси бўлиб, унда 1 млн.дан ортиқ ишчи ва хизматчи банд. Бу, иш билан банд ахолининг саккиздан бир қисмини ташкил этади. Саноатда 100 дан ортиқ тармоқ бўлиб, улардан 6 таси базавий ҳисобланади. Асосий фондларнинг 40 %и саноат ҳиссасига тўғри келади, ялпи ички маҳсулотнинг 16 %дан ортиқроғи саноатда яратилади. Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефть, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электрдвигателлар, трансформаторлар, аккумуляторлар, кабеллар, экскаватор, кўприкли кўттаргичлар, йигириув машиналари, самолётлар, отингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, сунъий толалар, цемент, турли қурилиш материаллари, газламалар, пахта мойи, ун, гуруч, кийим - кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Республика саноатида тармоқларнинг туттган ўрни ҳар хил (5.1-жадвал).

Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуасига хизмат кўрсатувчи тармоқлар тарихан етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиши, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат тармоқлариидир. Шунингдек, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларида ривожланмоқда.

Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида. Унинг таркиби газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика тармоқлари киради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат ишлаб чиқаришида 26,8% дан иборат. Ўзбекистон жаҳондаги газ ишлаб чиқарувчи ўнта йирик мамлакат жумласига киради. Республикада кудратли гидроэлектр стациялари ва иссиқлик электр стациялари мавжуд.

Металлургия мажмуаси таркиби газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хом ашёси, нодир металлар ва бошқа бир қатор қазилма бойликларнинг аниқланган заҳиралари кўп. Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида қазиб олинадиган олтиннинг умумий миқдори бўйича иккинчи, кумуш, мис, кўрғошин, рух ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллайди, жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринда.

Кимё ва машинасозлик мажмуалари саноатнинг муҳим соҳалариидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чукур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Улар мамлакатнинг иқтисидий мустақилигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Жами истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада анъанавий етакчи соҳа тўқимачиликдир.

Энергетика республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,5 млн.кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станцияларида йилига 55 млрд. кВт.с дан ортиқ электр энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу тизимнинг барча кучланишлардаги электр тармоқлари умумий узунлиги қарийб 228 минг км. ни ташкил қиласди. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га teng. Ҳозир республика энергетика тизимида 60 мингга яқин киши ишлайди.

## 7.1-жадвал

### **Саноат маҳсулотларининг тармоқлар бўйича таркиби (%)**

Тармоқлар	2003й.	2004й.
Бутун саноат	100,0	100,0
Ёқилғи-энергетика мажмуа	21,7	24,1
Металлургия	14,3	17,9
Кимё ва нефть саноати	5,7	5,6
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	11,8	12,0
Ёғочсозлик саноати	1,0	1,0
Курилиш материаллари саноати	4,4	4,1
Енгил саноат	20,3	19,4
Озик-овқат	11,7	9,6
Бошқалар	6,4	6,3

Ўзбекистонда электр қувватидан асосан XX аср бошларидан фойдаланила бошланди. Ўша даврда Тошкентда 2 электр станция қурилган бўлиб, бири (куввати 1450 кВт, 5 дизель) трамвайни ток билан таъминлаш, иккинчиси (Павлов электр станцияси, куввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913 йилда Ўзбекистон худудида умумий қуввати 3 МВт чамасида бўлган 6 кичик дизель электр станцияси бўлган, йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн.кВт.с га етган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда иссиқлик энергетикаси дизель ва майда буғ турбинали электр станцияларини қуриш йўналишида ривожланди. Дизель электр станциялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлик энергиясига эҳтиёжи бўлмаган пахта заводлари, насос станциялари, каналлар ва бошқа корхоналар қошида қурилди, дастлабки буғ турбинали электр станциялари Фарғона ва Каттакўрғон ёғ-мой заводларида барпо этилди. Фарғона ёғ-мой заводининг «Шарқ тонги» иссиқлик электр маркази (ИЭМ) умумий мақсадлардаги электр стацияси бўлган биринчи ИЭМ дир.

1934 йил 25 сентябрда Ўзбекистон энергетика тизимининг ташкилий асоси-«Ўзбекэнергия» энергетикаси бошқармаси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тузилди.

30-йиллар бошидан Чирчик-Бўзсув ГЭС лар каскади барпо этилди. Ўзбекистон биринчи гидроэлектрстанцияси-Бўзсув ГЭС шу трактда

курилиб, 1926 йилда ишга туширилган эди. Чирчик-Бўзсув гидроэнергетика курилиши тез суръатлар билан давом эттирилиб, 1926 йилдан 1940 йилга қадар мазкур тракт гидроэлектростанцияларида 67 минг кВт генератор қувватлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги таркибида лойиха, курилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуя энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон энергетика тизими ҳозир республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминламоқда ва электр энергияси қисман қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. 2002 йилда Ўзбекистонда 56,0 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

**Ёқилғи саноати.** Республикада ёқилғи энергетика саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефть-газ кони очилган, уларнинг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида, 27 таси Фаргона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли тулари мавжуд. Ҳозир 71 нефть, газ ва газ-конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефть, газ ва газ-конденсат кони эса келажақда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи - энергетика мажмуанинг асосий тармоғини ташкил этади ва барча ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Улар халқ хўжалигининг барча бўғинларига хизмат кўрсатади. Йирик корхоналар Тошкент, Фаргона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика мажмуаси маҳсулотлари салмоқли ўрин тутади (1980 йилда 8,8%).

Республика саноатида банд бўлган ишчи-хизматчилар (саноат ишлаб чиқариши ходимлари)нинг 6%и ёқилғи саноати тармоқларида ишлашмоқда (80 минг нафардан ортиқ). Республикада 1992 йилда ёқилғи саноатида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи-7000 килокалория хисобида) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3 % ни, газнинг ҳиссаси 87,3% ни, кўмир ҳиссаси 4,4% ни ташкил этган. Кўқдумалоқ нефть-газ конденсат кони очилиши ва ишга туширилиши билан нефть саноатининг ёқилғи саноати мажмуудаги мавқеи ортиб бормоқда. (7.2-жадвал).

## 7.2-жадвал

### Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши

	1960 й.	1980 й.	1990 й.	2000й.	2002 й.	2004 й.
Нефть (газ конденсати б-н бирга), минг т. Газ.млн.м <sup>3</sup>	1603,0 446,6	2005,3 42094	1805,4 4504,6	8500,0 5500,0	9000,0 5750,0	6580,3 5984,7

Кейинги йилларда кўрилган кескин тадбирлар натижасида нефть (газ ва конденсати бирга) қазиб олиш ҳажми юкори суръатларда ўди. Республиканинг нефть мустақиллиги таъминланади.

**Газ саноати** - ёқилғи энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги хиссаси 87,2% ни ташкил этади. Нефть билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллардан бошланган. Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км. узунлиқдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» Андижон шаҳри ўртасида қурилган. Газни алоҳида саноат усулида чиқаруб олиш ўтган асрнинг 50-60 - йилларида бошланди. Газ қазиб олиш саноати жойлашган асосий туманлар-Бухоро ва Қашқадарё, шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидир.

**Кўмир саноати.** Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йиллар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрен кўмир, Сурхандарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конлари бор.

1990 йилда 10,4 млн. т. кўмир қазиб чиқарилди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди. 2004 йилда республикамиизда 2700 минг т. кўмир қазиб олинди. Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСлари тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ормоқда.

**Металлургия саноати.** Ўзбекистон ерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металлар-қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, қуиши ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат) ишлаб чиқарилади, темир-терсак, металл чиқиндилари эритилади.

**Рангли металлургия**-республика металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Бу соҳа маҳаллий минерал хом ашё ресурслари негизида ўтган асрнинг 30-йилларидан ривожланди. Республикада рангли камёб ва қимматли металлар (олтин, мис, кўргошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва бошқалар) конлари, Қорамозор мис кўргошин-рух кони, Обираҳмат, Бурчимулла, Оқтуз, Такоб, Ингичка, Кўйтош мис конлари ва

бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди.

Республикада 2004 йилда рангли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш индексининг ўсиши 5,0%ни ташкил этиб, 2003 йилдаги пасайиш кўрсаткичларини қоплади. Жаҳон бозорида рангли металларга бўлган нархларнинг ўзгариши мазкур соҳада ўсишга сабаб бўлди. Қора металлургияяда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ички ва ташки бозорда маҳсулотларга бўлган талаб ортиши билан узвий боғлиқ. Биргина 2004 йилда қора ва рангли металларни экспорт қилиш 74,4%га ортди.

**Кимё саноати** республика иқтисодиётида муҳим ўринни эгалрайди. Ўзбекистон кимё саноатида 750 дан ортиқ номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотлари ҳиссаси 4,6% ни ташкил этади. Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, турли минераллар, оҳактош, графит, шунингдек, рангли металлар, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндиларидан хом ашё тарзида фойдаланилади. Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хом ашёнинг асосий қисми (70%га яқини ёки 650 дан ортиқ турдаги маҳсулот) ҳамда эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар четдан олиб келинади (Россиядан толуол, ёғоч цеплюзаси, каустик сода, Қозоғистондан фосфоритлар ва бошқалар). Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, капролактам, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёқлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

**Машинасозлик саноати** Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари XX аср бошларида вужудга келди. Дастлабки пайларда Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати асосан 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда темир йўл, пахта тозолаш ва ёғ заводларининг таъмирлаш ишлари бажариларди, қишлоқ хўжалигига керак пахта териш машинаси, культиватор, трактор ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган янги автомобилсозлик–автомобиллар (Асака автомобиль заводи), уларнинг двигателлари (Тошкент мотор заводи), автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақиллика эришганидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистондаги бир неча автомобиль тузатиш заводлари, енгил машиналарга хизмат кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «ЎзавтоВАЗхизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналар, ташкилотлар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиб келган. Асакада енгил автомобиллар, Самарқандда йўловчи ва юқ автомобиллари чиқарилмоқда.

Республика машинасозлик тармоғи ишалб чиқариши 2004 йилда 34,5% ортди. Бундай юқори суръатлардаги ўсишга автомобильсозлик маҳсулотларига талаб ортиши ҳисобига эришилди. Енгил автомобиллар

ишлиб чиқариш 72,6%га, уларнинг экспорти умумий ишлиб чиқариш ҳажмида 52%га ортди. Асосий истеъмол бозори МДҲ мамлакатлари бозорлари ҳисобланиб, уларнинг ҳисобига жами экспорт қилинган автомобилларнинг 97%и тўғри келди. Телевизор, кондесионер, музлаткич каби товарлар ишлиб чиқариш ҳажми ортди. Масалан, 2003 йилда 14770 дона рангли телевизор ишлиб чиқарилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 53345 тага етди ёки 3,6 марта кўпайди.

## **7.2. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни**

Социалистик давлатларда миллий бойлик бутун жамиятники, яъни давлат ва кооператив ташкилотлар ихтиёрида бўлган. У халқ манфаатларига хизмат қилиб, жамият аъзоларининг тобора ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга сарфланиши мўлжалланган эди.

Бироқ ягона давлат режаси асосида ривожланиш иттифоқдош республикалар ва худудлар миллий бойлиги халқ учун эмас, балки умумиттифоқ меҳнат тақсимотини ҳисобга олиб ўтказилди. Оқибатда айrim республикалар, хусусан, Ўзбекистон ҳам хом ашёга ихтисослашган худудга айланиб қолди. Шунга қарамасдан, республика худудида бу давр мобайнида фойдалари қазилмаларни ўрганиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланища сезиларли ишлар амалга оширилди. Зоро, мамлакатимизда стратегик соҳаларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган-урган, олтин, мис, нефть, табий газ ва бошқа кўплаб табиий бойликлар мавжуд.

Миллий бойликни ривожлантиришда Ўзбекистон ўтган асрнинг 30-йиллари охирида бошқа республикалар катори ўз тармоқларида сезиларли ютуқларга эришди. Лекин, иккинчи жаҳон уруши бошланиши туфайли республика иқтисодиётини қисқа мауддатларда ҳарбий изга кўчиришга мажбур бўлди. Барча миллий бойлик уруш эҳтиёжини қондиришга сафарбар этилди.

Республикамизга фронтга яқин худудлардан завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди ва тез фурсатларда ишга тушурилди. Уруш йилларида электроэнергетика, кимё саноати, рангли металлургия, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари ривожланиши миллий бойлик ҳажмини ошириди. Мамлакатимиз тез орада кўп тармоқли индустрисал ва қишлоқ хўжалиги ривожланган республикага айланди.

Тошкентга йирик самолётсозлик заводларидан бири жойлаштирилди. У хозирги «ИЛ-76» транспорт самолёти ишлиб чиқарадиган МДҲдаги бирдан бир корхонадир. Машинасозлик ва металлургия корхоналари орасида «Бекобод металлургия комбинати», «Тошкент трактор заводи» ишлиб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Чирчикқишлоқмаш», «Тошкимёқишлоқмаш» заводлари барпо этилиб, бутун иттифоқ иқтисодиётига хизмат килган.

Ўзбекистонда минерал хом ашё базаси мавжудлиги 60-80 йиллар мобайнида республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, айниқса, газ, олтин ва уран ишлаб чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлаургия, руда бўлмаган хом ашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди.

Республикада топилган конлар орасида Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ангрен кимё - металлургия заводи, плавик шпат корхоналари, Ингичка ва Кўйташ бошқармалари, Мурунтов тоғ-металлургия комплекси, газ, нефть, бетонит, пардозлаш тошлари, турли қурилиш материаллари, бирюза, графит чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ишга туширилди.

Хозиргача республикада 90 хил хом ашё базаси очилган. 650 та саноат миқёсидаги ва 500 истиқболдаги тоғ-кон саноати корхоналари, газ ва нефть корхоналари, шахталар, карьерлар, йирик сув иншоотлари ишлаб чиқаришининг йиллик ҳажми 120 миллион тоннани ташкил этади. Биргина 2004 йилда 59 миллиард кубометр табиий газ, 65 миллион тонна нефть қазиб чиқарилди. Бир кечакундузда 2500 минг кубометр ер ости сувлари олинмоқда.

Ўзбекистон худудида стратегик аҳамиятга эга бўлган уран, олтин мис, рух, вольфрам, молибден, флюорит, шунингдек, алюминий ва магний рудалари, нодир металлар, олтингугурт, ош тузи, калий, фосфор ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўта чидамли хом ашёлар, бентонит, мармар ва бошқа безак тошлари, унча қиммат бўлмаган пардозлаш тошларининг (бирюза, оникс, холцедон, аметист ва бошқалар) улкан заҳиралари мавжуд. Ёқилғи ресурслари бўйича эса кўмир, табиий газ ва нефть конлари очилган бўлишига қарамасдан, республикага четдан минерал хом ашёлар ташиб келтирилиши жиддий иқтисодий сарф-ҳаражатларга ҳамда транспорт балансининг асоссиз равишда кучайтирилишига олиб келди.

Республикада топилган конлар орасида Олмалиқ тоғ-кон металлургия ва Бекабод металлургия комбинатларида хом ашёни қазиб олиш, бойитиш ва иккиламчи металлни қайта ишлаш йўлга кўйилган. Ангрен, Олмалиқ кон саноати асосан худудда жойлашган рангли металлургия, мис олиш, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар, олтин ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати собиқ СССРнинг бу тармоқдаги энг йирик корхонаси эди. У Ўзбекистон тасарруфига олингандан сўнг республика иқтисодиётига баракали улуш қўшиб келмоқда. Республикада аникланган вольфрам рудалари ва молибден конлари негизида Чирчиқ шахрида «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар» комбинати ишлаб турибди.

Республика металлургия саноати барча саноат маҳсулоти ҳажмининг 10 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Конлар фойдаланишга топширилиши республиканинг айrim худудлари иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Янги тоғ саноат комплекслари бунёд қилинди.

Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон, Учкудуқ конлари эса тоғ ва бўз ерларнинг саноат жиҳатидан ўзлаштирилишига асосий омил бўлди. Ҳозирги даврга келиб, аниқланган миллый бойлик манбаларида ишлаб чиқариш корхоналарини узок муддат давомида олтин, мис, уран, кўргошин, рух, вольфрам, молибден, литий, алюминий хом ашёси ҳамда бошқа нодир металлар ва фойдали қазилмаларнинг катта заҳиралари бор. Шуни эътиборга олганда республика металлургия саноатининг умумий саноат маҳсулоти ҳажмидаги хиссаси бундан буён ҳам ортиб боради. Республика тассаруфига металлургия мажмуаси олинишининг боиси шундаки, биринчи галда рангли ва асил металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида камёб маҳсулотлар жумласига киради ва экспортни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳамда мамлакат валюта заҳирасини оширишнинг асоси бўлиб хизмат килади.

Муҳим стратегик обьектлар Ўзбекистон тасарруфига олиниши туфайли бу корхоналар жаҳоннинг кўпгина давлатлари (АҚШ, Канада, Австралия, ва Япония) билан иқтисодий алокалар ўрнатди, жаҳондаги машҳур фирмалар-«Ньюмон», «Морибени», «Мицибиси», «Бридж-стоун», «Катерпиллар», «Шелл», «Спектра анолитика инструментс», «Нукем», «Хитачи», «Нисса Иваи» ва бошқалар билан узок муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ришталари боғланган. «Ньюмонт Майнинг корпорейшин» фирмаси билан ҳамкорликда вужудга келган «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси Мурунтов карьери чиқиндиларидан 100 тонна олтин ишлаб чиқарди.

### **7.3. Ўзбекистоннинг нефть мустақиллиги асослари**

Бухоро-Хива нефть-газ районлари очилиши муносабати билан нефть заҳираларига эга конлар яна бештага ортди. Лекин бу конлар 1961-1965 йилларда атиги 306,7 минг тонна нефть берди, Фарғона водийсидаги 15 та кондан 7 млн. 516 минг тонна, Сурхондарё вилоятидаги 3 та конидан 1 млн. 29,3 минг тонна ва Бухоро-Хива нефть-газ вилоятидаги 5 та кондан бор-йўғи 306,7 тонна нефть қазиб олинди. Шу тариқа, республикада қазиб олинган нефть 1924 йилда 5,6, 1940 йилда 119, 1958 йилда 1297, 1961 йилда 1709 ва 1965 йилда 1800 минг тоннани ташкил қилди. Кейинги беш йилда республикада нефть ишлаб чиқариш кескин камайди. 1965 йилда ташқаридан нефть олиб келиш 1962 йилдагига қараганда 1,7 баравар ошган эди.

Ушбу йилларда республикада нефть мустақиллиги заифлашишига аввало бу худуддаги иккита нефтни қайта ишлаш заводининг маҳаллий нефть билан таъминланиши пасайиши, етмаган хом ашё /арбий Туркманистандан келтирилиши, келтирилган нефтнинг нархи Фарғона ва Бухоро нефтидан икки баравар юқорилиги сабаб эди. Бу, албатта, нефтни қайта ишлаш заводларининг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатарди.

Тўғри, Ўзбекистонда нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш саноати янгидан барпо этилди ва ривожланди. Фарғона водийси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда янги нефть конлари излаб топилди ва ишга туширилди. 1970 йилда Ўзбекистонда 1672 минг т. нефть қазиб чиқарилди. Бу собиқ СССРда қазиб олинган нефтнинг 5% ини ташкил этарди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда 80 дан ортиқ турли (юкори захирага эга категорияли) нефть-газ конлари топилди. Фарғона, Сурхондарё, Бухоро-Хива, Устюрт каби нефть-газ конлари, ҳавзалари ва вилоятлари кашф этилди. Бухоро-Хива вилоятида Газли, Когон, Муборак, Денгизқўл районлари билан бирга янги конлар очилди ва очилиш арафасида. Ўзбекистон нефть конлари асосан юра, бўр, палеген ва неоген даври чўкинди жинсларининг ҳар хил қатламларида қатнашган ва жойлашган.

Нефтнинг физик хоссаси унинг таркибига боғлиқ. Таркибida 87% гача углеводород, 10-15%гача водород, 0,05-05, баъзан 5%гача кислород, жуда оз миқдорда ванадий, фосфор, калий, никель, темир учрайди. Дунё миқёсида қазиб олинаётган барча нефтларда олтингугурт миқдори, одатда, 1%дан ортиқ. Сурхондарё водийсида қазиб олинаётган палеоген нефтлари, айникса, олтингугуртга бой (3,1-6,3%).

Республикада қазиб олинадиган нефтдан XIX асрнинг 2-ярмигача факат керосин олиниб, қолгани чиқиндига чиқариб ташланарди. Ички ёнувдвигателларининг ихтиро этилиши ва техник тараққиёт бензинга бўлган талабни оширди. Нефтдан дастлаб керосин, бензин, дизель ёқилғиси, кейинчалик эса синтетик толалар, 100дан ортиқ кимёвий хом ашё ва ўғитлар олина бошланди.

Биргина 1965-1970 йиллар давомида Фарғона ва Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводларида бензин ишлаб чиқариш 13, керосин ишлаб чиқариш 21, дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш 81, мойлаш ёғлари олиш 59 ва мазут ишлаб чиқариш 64%га ошди.

Республикамида иқтисодиётни эркинлаштириш ва чукурлаштириш даврида нефть ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чукур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг миқёсда ўзлаштирилмоқда. 1991-2002 йилларда бу соҳани бошқариш структураси ва техник жихозлаш, нефть қазишни таккомиллаштириш туфайли нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Натижада 1995 йилда республикага нефть четдан импорт қилинмади ва Ўзбекистон нефть мустақилилигига эришди. Бу мустақиллик собиқ СССР таркибидаги бошқа республикаларда иқтисод чукур инқирозга учраган, яъни иқтисодий алоқалар ва савдо алоқалари узилган, нархлар ошган ва инфляция зўрайган даврга тўғри келди.

Нефть мустақиллигига эришишда «Муборакнефтгаз» давлат корхонаси геологлари, пармаловчилари, қурувчиларининг ҳиссаси айникса катта бўлди. Чунки бу корхонада мустақиллик йилларида 15 нефть-газ ва 14 газоконденсат конларидан жуда катта миқдорда маҳсулот қазиб олиниди. Чунончи, 2000 йилда 3743,7 тонна нефть, 2475 минг тонна конденсат ишлаб чиқарилган бўлса, 2002 йилда тайёрланган нефть 3600,0, конденсат

эса 2430 минг тоннага етди. Бу, республикада қазиб олинган нефть ва кондесатнинг 90% дан кўпини ташкил қилади. Бундан ташқари, бу корхона 2000 йилда 34164 ва 2002 йилда 36000 млн м<sup>3</sup> табий газ қазиб олди ва истеъмолчиларга етқазиб берди, 2002 йилда Туркманистон Республикасига 240 минг т. нефть сотди, қолган товар маҳсулотларни Муборак (МГПЗ), Бухоро (Коравулбозор) ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводиларига ва газ узатиш бошқармасига топшириди.

Ўзбекистонда нефть мустақиллиги мустаҳкамланишига асосан 1997 йилда «Кўқдумалоқ» конида газ юқори босимда нефть конлариға хайдалгани, Бухорода 2,5 млн. тонна газ конденсатини қайта ишлаш кувватига эга завод ишга туширилиши асос бўлди. Тўғри, кейинчалик нефть конларида заҳиралар камайиши мумкин. Аммо келажакда асосан газоконденсат қудуклар хисобига нефть мустақиллигини сақлаш имкони бор.

Республикамизда нефть қазиб чиқариш асосан нефть атрофида жойлашган сув ёки газ босимини ошириш, қатlam ғавакларидаги нефтни қудук зобойига йиғиш усули билан амалга оширилади. Сув босими, одатда, бошланғич нефть заҳирасининг 50-80%ини, газ эса атиги 20-50% ини сиқиб чиқаради. Бироқ, ташқаридан берилаётган сув қазиб чиқарилаётган нефтнинг ўрнини тўла эгаллай олмаганлигидан босим камайиб кетади. Натижада нефтнинг фаввора бўлиб табиий отилиши тугайди. Шундан кейин нефть компрессор ёрдамида чиқарилади. Айнан 1997 йилда «Кўқдумалоқ» конида ишга туширилган (йўллари босими 50 атм.) компрессор станцияси ушбу ишни бошқарган ва у газконденсат қазиб олиш ҳажмини кўпайтиришга имкон бермоқда.

Нефтни компрессор билан чиқаришда қудук ғаз ёки ҳаво хайдалади, улар нефтга аралашиб, зичлигини камайтиради, натижада нефть ва газ аралашмасининг соҳта қудук юзасигача кўтарилиб, нефтнинг фаввора бўлиб отилиши давом этади. Ўзбекистонда нефть қудуклардан насослар ёрдамида ҳам олинади.

Қатlam босими узлуксиз пасая бориши натижасида қудук дебити тушиши нефть чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштиради. Нефть конларини ишга солиш, айникса, ер ости гидродинамикаси ривожланиши натижасида нефть чиқаришнинг янги усуллари яратилди. Улар ёрдамида нефть қатламларига сув ёки ғаз ҳайдаш йўли билан қатlam босимини бутун эксплуатация мобайнида бирдай ушлаб туриш мумкин.

Бу ютуқларга асосан 1992 йилда нефть соҳасида учта стратегик ва асосий томойилларни бажариш асосида эришилди:

нефть ва газ қазиб олишни кучайтириш ва республиканинг нефть мустақилигини таъминлаш. Бунга муваффақ бўлиш учун Кўқдумалоқ, Алан Урга, Жанубий Тандирчи ва бошқа конларда катта ишлар бажарилди;

нефть ва газни қайта ишлаш технологиясини чуқурлаштириш ва уларнинг сифати ҳалқаро стандарт ва талабларга жавоб беришини таъминлаш. Бу-иккинчи топшириқни бажариш учун 1997 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш, Фарғона нефти қайта

ишлиш заводини таъмирлаш ва янги технология комплекси-гидроцесульфизация ускунасининг ўрнатилиши асосий вазифа килиб кўйилди.

Янги технологик ускуналар ишга туширилиши натижасида тозаланган маҳсулот ҳажмини купайтириш имкони яратилди. Республикада нефтни қайта ишлиш саноати ривожланди ва оғир индустриянинг нефтни қайта ишловчи ҳамда нефть маҳсулотлари тайёровчи соҳасига айланди.

Ўзбекистон нефть мустақиллиги ва экология борасидаги халқаро мажбуриятларни бажариши келажақда ёқилғи-энергетика соҳасида илмий-техникавий ва экологик сиёsat олиб бориш жараёнида давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига боғлиқ. Мазкур чора-тадбирлар нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг энергия сарфини камайтирувчи техника ва технологияни жорий қилишда хукуқий ва иқтисодий муҳитни барпо этиш, нефть ресурслари самарадорлигини ошириш, заҳираларини кўпайтирадиган инновация технологиялари иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган қўшимча инвестицияларни шакиллантириш ва рағбатиришдан иборат. Бу эса, нефть мустақиллиги давомийлигини таъминлашга асос бўлади.

### **Қисқача холосалар**

Саноат республика иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Саноат мажмуаси ўз ҳарактерига кўра, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш, иқтисодий ислоҳотларнинг асоси саналади.

Саноат ўз ичига бир қанча функционал мажмууларни-ёқилғи саноати ва энергетикаси, металлургия, енгил саноат, кимё, машинасозлик, озиқовқат, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлиш саноатларини олади.

Саноат мажмуусини ҳарактерловчи кўрсаткичлар таркибига софмаҳсулот, баланс фойда, соф фойда, ишлаб чиқариш рентабеллиги, маҳсулот рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими ва фонд сифими кабилар киради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Саноат мажмуаси нима учун халқ хўжалигининг бир тармоғи ҳисобланади?

Саноат мажмуанинг асосий тармоқларига қайси тармоқлар киради?

Саноат маҳсулотларининг тармоқлар бўйича таркиби нималардан ташкил топган?

Саноат ишлаб чиқариш дастурларининг моҳияти нимадан иборат?

Ёқилғи-энергетика соҳаси қайси вилоятларда ривожланган?

Ўзбекистонда пўлат қайси заводда эритилади?

Қайси тармоқлар стратегик аҳамиятга эга?

Ўзбекистонда қачондан бошлаб енгил автомобиллар

чиқарилмоқда?

Коммуникацияга қайси соҳалар киради?

10.Ахборот технологиялари нимага керак?

### **Асосий адабиётлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил майдан бошлаб иш ҳақи, нафақалар, стпендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги фармони.)-«Халқ сўзи», 2005 йил, 26 марта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.-«Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.- 2005й., 15 апрель.

4. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник.– М.: ГУВШЭ, 2004, - 495 с.

5. Йўлдошев З.Ю. Миллий иқтисодиёт, - Т.: Фан, 2004, - 185 б.

6. Региональная экономика. Основной курс: Учебник / Под ред. В.И.Видяпина, М.В. Степанова.-М.: ИНФРА-М, 2005.-686 с.

Интернет веб-сайтлари.

[www.ceep.uz](http://www.ceep.uz).

[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz).

[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

## **8-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИНГ ХУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ**

### **8.1. Агросаноат мажмuinи ривожлантириш муаммолари**

#### **8.2. Агросаноат мажмуи ривожланишининг асослари**

#### **8.3. Аграр сиёсатдаги устуворликлар**

#### **8.4. Қишлоқ хўжалиги равнақида кредит муҳим омил**

### **8.1. Агросаноат мажмuinи ривожлантириш муаммолари**

Халқимиз тумуш фаровонлигини яхшилашда, умуман, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҳамияти бекиёс эканлиги барчамизга маълум. Агросаноат мажмuinинг тараққиёти нафақат озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, балки муҳим хом ашё етказиб берувчи тармоқ сифатида мамлакат индустрисининг тараққиёти учун ҳам ўта зарур. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон қишлоқларидағи хилма-хил хўжаликларда қарийб 4,5 млн. гектар майдонда дехқончилик билан шуғулланилмоқда. Шунча кенгликдаги зироатни ўстиришда катта ва кичик техника воситалари дехқонга қудратли қанот бўлмоқда. Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари ана шу тармоқни муқаммал ва самарали техника воситалари билан таъмин этишин асосий фаолият сифатида белгилаб олишган.

Республика Президенти Ислом Каримов айтганидек, қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш кўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтиришнинг асосий шарти сермеҳнат юмушларни техника гарданига юклашdir. Жаҳон тажрибаси тармоқ ишлаб чиқаришининг барқароррлиги, юқори унумдорлиги ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий-техника тараққиёти, моддий-техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Буни фермерлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бир фермерга АҚШда ўртача 150 гектар экин майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландияда ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмонияда 18, Голландияда 17, Италияда 8 гектар. Ер, техника, фан ютуқларидан унумли фойдаланилгандагина натижалар юқори бўлиши мукинлигини улар амалда

исботлашди. Умуман, тармоқдаги иқтисодий күрсаткичлар техникадан оқилона фойдаланишга ва унинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ дейишимизга тўла асос бор.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш максадида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси ташкил этилган эди. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари киради.

Шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил натижаларига назар ташласак, компанияга қарашли корхоналар анча мураккаб даврни бошидан кечирганлиги аён бўлади. Кетма-кет рўй берган сув тақчиллиги пировард натижаларга таъсир этмай қолмади. Аксарият жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йиллардагига нисбатан камайтирмаслик, эришилган маромни йўқотмаслик учун кураш кетди.

Кейинги йилларда компания ривожланган давлатларнинг тармоқ техникаси ишлаб чиқарадиган фирмалари билан ҳамкорлик қилаётгандилиги ҳам ижобий самара бермоқда. Масалан, 9 та қўшма корхона ишга туширилди ва бугунги кунда жаҳон талабларига жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқармоқда. «ЎзКейстрактор», «ЎзКейссервис», «Агрохим» корхоналари шулар жумласига киради. Улар томонидан факат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 та трактор, 971 та тележка, 100 та пахта териш машинаси, 118 та плуг, 994 та борона, 80 та пичан ўрадиган комбайн, 1066 та культиватор, 1 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари ҳамда уларнинг муайян қисмлари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2 мингта трактор ва 404 та тележка ишлаб чиқарилиб, дехқонларга жўнатилди. Республикада ҳозирги пайтда нуфузли компания ва фирмалар вакиллари билан ҳамкорликда бир қанча қўшма корхоналар тузиш бўйича лойиҳа-изланиш ишлари олиб борилмоқда. Германиядаги «КЛАСС» ва «КЮН» фирмалари билан «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ем-хашак ўриш комбайни, «Ўзқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ғалла экадиган сеялка, «Агрегат заводи» корхонасида фрезерли культиватор ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги узлуксиз ва ўзаро чамбарчас тизимга эга. Бу илмий - тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарилишини, конструкторлик ишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетликни таъминлайди. Тармоқнинг илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ҳамда конструкторлик бюоролари мавжуд. Компания муаммолар ечимини таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиб, республика илмий-техника таракқиётини Мувофиқлаштириш кенгаши (собиқ фан ва техника давлат қўмитаси) билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўтган йили компания бўйича 25 млрд. 255,9 млн. сўмлик техника воситалари, 622,5 млн. сўмлик халқ истъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ижобий

силжишлар қаторида корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари камайганлигини тилга олиш мумкин.

Компаниянинг чет эл сармоясини жалб қилишдан, унинг инвестиция фаолиятидан мақсади баъзи корхоналардаги ишлаб чиқариш техникасини янгилашдир. Масалан, яқин келажакда Тошкент трактор заводи, Агрегат заводи, Мотор заводи, «Технолог» хиссадорлик жамиятларида хориж сармоясини жалб этиш, замонавий талабларга жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача компанияга қўшма корхоналар устав жамғармасини шакллантириш учун 28,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси олиб кирилди.

Хукуматимизнинг маҳаллий ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дастурига кўра, «Кейс» пахта териш комбайнлари ва тракторларига бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган йили «ЎзКейсмаш»да пахта териш машиналарининг замонавий бўяш мажмуи ва бошқа баъзи қисмлари таъмирланди. «Тошқишлоқмаш» корхонасида пахта териш машинасининг бункери, унинг баъзи қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тармоқ техникаси учун гидроцилиндрлар тайёрлайдиган чет эл дастгоҳи сотиб олинмоқда.

## **8.2. Агросаноат мажмуи ривожланишининг асослари**

Агросаноат мажмуи (АСМ)-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг жамланмасидир. АСМга кирувчи тармоқларнинг барчаси пировард натижада муҳим вазифани-мамлакатни озик-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

АСМ таркибида учта соҳа ажралиб туради:

қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари (масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги);

қишлоқ хўжалигининг ўзи;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш (тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш) билан банд бўлган тармоқлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу инфратузилмани ривожлантириш мамлакат аҳолиси эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда унинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантирувчи кучга айланиши мумкин.

Мустақиллик йилларида АСМда жуда кўп ютукларга эришиш билан бирга муайян, камчиликларга ҳам йўл қўйилди, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида янги муаммолар ҳам юзага чиқди. Эндиғи вазифа ушбу камчиликдарни бартараф этиш йўлларини, муаммоларни чуқур таҳлил

қилиб, уларнинг ечимини топишдан иборат. Аграр секторнинг бундан кейинги ривожланишида қўйидаги муаммоларга эътибор бериш зарур:

мустақиллик йилларидағи фаолиятни кузатиш шуни кўрсатадики, барча бўғинларда кадрлар янгича ишлашга, бозор муносабатларига тўлиқ мослаша олмаётирлар. Бу, айниқса, туманлар ва хўжаликлар миқёсида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Тўғри, хар йили кадрлар ўқуви ўтказилмоқда, аммо аксарият раҳбар кадрлар иш юритишни бозор муносабатлари асосида эмас, балки, эскича-маъмурӣ-буйруқбозлик асосида олиб боришмоқда;

аграр соҳа учун муҳим бўлган экология масалалари ислоҳот жараёнидан бирмунча четда қолмоқда. Ваҳоланки, бу муаммо ўзига эътиборни талаб қиласди. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши, оғир техника ва самараси паст технологиялар қўлланилаётганлиги оқибатида тупроқ таркибининг бузилиши, шўрланиш даражасининг ортиб бориши шундан далолат бермоқда. Шунингдек, ахолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб қиласди;

баъзи иқтисодчилар, қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни қўшимча маблағ сарфламасдан олиб бориш мумкин, деган фикрни илгари сурмокдалар. Уларнинг фикрига қўшилиш қийин. Негаки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарасак, уларнинг кўпчилигига бу борадаги кўрсаткич фермерлар даромадининг 40-50 ва ҳаттоқи 60 %ини ташкил қиласди. Шуни ҳисобга олиб, аграр соҳани қўллаб-қувватлаш фондини ташкил қилиш ва унинг маблағи қишлоқ ахолисининг ижтимоий ҳаёти, экологик мувозанатни саклаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилиши зарур;

қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш молия-кредит механизмини такомиллаштиришни талаб қиласди. Чунки, хўжаликлар тўғридан-тўғри кредит олишлари ниҳоятда мураккаб, айниқса, узок муддатли кредитлар ҳажми камайиб кетиши натижасида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаб бориш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Албатта, лизинг тизимининг тузилиши бу муаммони бироз енгиллаштиради, аммо у барча турдаги асосий воситаларни қамраб олмаган;

қишлоқ хўжалигининг моддий таъминоти, техника, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминланиши бугунги кун талаблари даражасида эмас, моддий-техника ресурсларининг нархи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархига нисбатан бир неча баробар юқори ва тез ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги учун керакли саноат молларига нарх белгилашни ҳам тартибга солиш лозим. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига сервис хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас, шунингдек, хизмат ҳақларининг баҳоси ниҳоятда юқори; ўзлари қабул қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун тайёрлов ташкилотлари вақтида ҳақ тўламаётганлиги натижасида

хўжаликларнинг молиявий ҳолати оғирлашмоқда, бунинг устига инфляция оғирлиги ҳам бутунлай қишлоқ хўжалиги корхоналари елкасига тушмоқда;

қишлоқ хўжалигини қийин аҳволдан олиб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча соҳалар унга ўз ёрдамини кўрсатиши зарур. Шундагина улар қишлоқ хўжалагидан арzon ва сифатли хом ашё оладилар, ўз навбатида, қишлоқ уларнинг маҳсулотлари учун муҳим бозор вазифасини бажаради;

ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни кечмоқда, эндиликда бу жараёнда аграр секторни бошқаришдан уни тартибга солишга ўтиш, нарх-навони эркинлаштириш билан бирга уни давлат томонидан тартибга солиш тақозо этилади. Шуни хисобга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пастки ва юқориги нархлари чегарасини давлат томонидан назорат қилиш тизимини яратиш зарур.

Иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонда биринчи навбатда, аграр секторда бошланди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, чунки аҳолининг 60% дан кўпроғи, иш билан банд аҳолининг 44%и қишлоқ жойларда яшаб, меҳнат қўлмоқда, ЯИМнинг 30%и, валюта тушумининг 55%и, товар маҳсулот алмашинувининг 70 %и, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90%и аграр сектор ҳиссасига тўғри келади.

1991 йилнинг 11 январида мамлакатдаги шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар белгиланди. Президент кўрсатмаси асосида яна 1 млн. 221 минг 477 оиласга суғориладиган пахта далаларидан 137 минг 246 гектар ер қўшимча томорқа сифатида бўлиб берилди. Бундай амалий ғамхўрлик ғайрат- шиҷоатли одамлар харакатига канот бағишлиди.

Шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари уюшмаси ташкил этилиши лозим. Кейинчалик эса шу асосда дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси юзага келади, яъни шахсий ёрдамчи хўжаликлар замирида дехқон ва фермер хўжаликлари шаклланади. Уларни имтиёзли соликка тортиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш, хўжалик аъзоларини нафақа ва пенсия билан таъминлашга доир тартиблар жорий этилади.

Иқтисодиётимизнинг таянчига айланиб бораётган минглаб дехқон ва фермер хўжаликлари фаолияти бу тармоқнинг истиқболи биз ўйлагандан кўра порлоқ эканидан далолат беради. Унинг тарихи эса, шахсий томорқа хўжаликларига, 1989 йилнинг ёзида давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб бошлаган кенг кўламли ишларга бориб тақалади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига, шахсий ташабbus ва хусусий тадбиркорликка ўша мураккаб даврда асос солинган.

Бугунги кунда (2003й.) мамлакатимизда 240 мингдан ортиқ микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилиб, 3 млн.дан зиёд дехқон-фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 78 %ини беришмоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда хусусий мулкни қишлоқ жойларда қарор топтириш, уни ривожлантириш ва химоя қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпаратив бошқармасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари алоҳида аҳамиятга эга. Зоро, айнан ушбу хужжатлар замирида юртбошимизнинг «Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулк етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш зарур» деган ғояси ётади.

Бу ғоя эса, чуқур илмий ва ҳаётий муроҳазалардан келиб чиқкан бўлиб, миллий иқтисодиётимизнинг агросаноат мажмуида мулкий тузилишни ўзгартиришни кўзда тутади.

Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик бирлашмаси саналади. Бу ерда ишлар бир маромда бормоқда. Хориж сармоясини жалб этиш ишлари икки йўналишда давом эттирилаяпти. Аввало, бу «Кейс-Нью-Холланд» фирмасининг универсал хайдов тракторларига комплектловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича бўлса, кейингиси Хитой кредити асосида мини тракторлар тайёрлашдир. Бундай митти техникаларни дехқон ва фермер ҳамда ширкат хўжаликарига, шу билан бирга томорқа эгаларига етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Рақамларнинг мағзини чақишига, улар замирида яширинган меҳнат маромини илғашга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, янги асрнинг дастлабки йилида корхона 2966 та трактор, 1033 та телсжка ишлаб чиқарди. Хўш, бу озми ё кўп? Агар уни 2000 йилдаги натижага таққослайдиган бўлсак, кўп, қишлоқ хўжалигидаги эҳтиёжимизни назарда тутадиган бўлсак, оз. Албатта, ҳеч бир ҳаракат беиз кетмаганидек, ишлаб чиқариш бўғинидаги бирор узилиш ўз таъсирини сездирмай, янги муаммо туғдирмай қолмайди. Гап фақат техника воситаларини бутлаш учун айrim қисмлар тақчиллигидагина эмас, балки ана шу техникага муҳтоҷ бўлган хўжаликларнинг тўлов қобилияти паст бўлиб колиши ҳам бунга сабаб бўляпти. Айтайлик, 1997 йилда тракторлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш 97,6 %га чиқкан бўлса, 1999 йилда бу кўрсатич 56,4 %ни ташкил этди. Эҳтиёжнинг бундай паст даражада қондирилиши ҳосил салмоғига ҳам таъсир кўрсатади.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» копаниясига қарашли бир қанча корхоналарда экспорт имкониятларидан етарли фойданилмаяпти. Суриштириб кўрсангиз, уларда маҳсулот экспорти бўйича аниқ белгиланган дастурнинг ўзи йўқ. Яна бир танг соҳа: корхоналарда акцияларни сотиш қониқарсиз аҳволда. Бундай камчиликлар юртимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги интилишларимизга тушов бўлади.

Бой табиий ресурсларга эга бўлган Ўзбекистонимиз заминида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш орқали чексиз имкониятларни ишга солиш мумкин. Ҳамма гап ана шу имкониятларни кўра билишда, улардан оқилона фойдаланишда. Биз сўз юритаётган компания раҳбарлари бу маъсулиятни янада чуқурроқ ҳис этишлари зарур. Президентимиз юритаётган иқтисодий сиёsat талаблари, халқимиз кутаётган умидлар ана шуни ҳис этиб ишлашни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги инфратузилмасидаги барча бўғимларда ҳисоб-китоб билан ишлашни тақозо этади. Биз сўз юритган ҳар иккала корхона мулк шакли жиҳатидан ҳам, хўжаликлараро муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам бозорнинг ўзига хос талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Мақсад ички имкониятларимизни ишга солиш ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва лизинг хизматини ривожлантиришга қаратилган. Эндиликда нафақат техника, айни пайтда ана шу техника жилови қўлида бўлган компаниялар ҳам деҳқоннинг кудратли қанотига айланмоғи лозим.

Ривожланган хориж давлатлари ҳалқ хўжалигига лизинг хизматининг алоҳида ўрни бор. Ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб, Америкада илк бор жорий этилган бу хизмат тури айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат турини жорий этиш масаласини тақозо этди. Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий техникага эга бўлиш унинг афзалликларидан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги қарорига кўра, республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ташкил этилди. Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилдаёқ лизинг асосида тармоққа 700 млн. сўмлик 471 дона техника етказиб берди. Ўша пайтда техникага бўлган талабнинг юқорилиги лизинг ҳажми оширилишини тақозо қиласди. Бунинг учун паст фоизли, йирик миқдордаги кредит маблағларини жалб этиш, машинасозлик заводлари билан компания фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳисоб-китоб механизимини такомиллаштириш, хўжаликларга имтиёзлар бериш зарур эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги қарори ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Ўтган йиллар лизинг компанияси учун шаклланиш, яъни оёқка туриш даври бўлди. Ишни тўла йўлга қўйиш ва лизинг хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча масалалар босқичма-босқич ҳал этилади.

Маълумки, компания республикамиз лизинг бозорида фаолият кўрсатаётган энг катта ташкилотdir. 2004 йили компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 та трактор, 100 та «Кейс-2002» русумли пахта

териши машинаси ва 494та турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Компаниянинг молия бозоридаги фаолияти у малакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг лизингга бериш соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатъи назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишиди. Лизинг хизмати жорий этилгач, одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ҳам жонланди.

Лизинг компанияси айни пайтда ўз мижозларига берилаётган техника қийматининг 15%ни олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қулийлик яратди. Лекин техниканинг тўлиқ қиймати тўлангунга қадар у компания мулки ҳисобланади. Шу боис лизингга олинган техникадан самарали фойдаланиш ва унинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш нафақат мижознинг, балки компаниянинг ҳам бевосита фаолиятига киради.

Лизинг хизмати фермерлар учун катта имконият яратди. Ҳозир янги тартибда техника олувчиликнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилмоқда. Маълумки, илгари фермер бирор-бир техника воситаси учун ширкат хўжалиги ёки МТПга мурожат қиласади. Бу унга ортиқча ташвиш келтириар, яни қўшимча харажат қилишга тўғри келарди. Бугун эса мазкур хизмат туфайли ўз машина-трактор паркини тузатаётган фермерлар ҳам кўп. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши ракобат кучайишига, хизмат сифати яхшиланиши ва етиширилаётган маҳсулот таннархи пасайишига олиб келмоқда.

Баъзида лизингга техника ололмаётган, ҳаттоқи дастлабки бадал пулини тўллаган бўлсада, бу иш чўзилаётган ҳолларга дуч келамиз. Бунинг сабаби битта: компаниянинг жойлардаги бўлимлари мижозларини техника билан ўз вақтида таъминлай олмаяптилар. Афсуски, бундай ҳоллар, кам бўлса-да, учраб турибди.

Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида лизинг компаниясида бўлдик. У ердаги мутахассислар муаммо жиддий эканлигини, масаланинг бир томони Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигига техникалар етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш Жамғармасига бориб тақалишини айтишиди. Ўйлаймизки, Жамғарма мутасаддилари бу борада деҳқонларга мададкор бўлиш чораларини кўрадилар.

### **8.3. Аграр сиёsatдаги устуворликлар**

Йирик тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш, турли қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, техник экинлар ўстириш учун жуда қулай, худудда жойлашган, пахта етишириш бўйича дунёда (АҚШ, Хиндистон, Хитой, ва Покистондан кейин) 5, уни

экспорт қилиш бўйича 2-ўринда. Ўрта Осиёда етиштириладиган жами пахта ҳажмининг 75%и Ўзбекистон хиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, республикада ҳар йили 5 миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева етиштирилади. Ўзбек қоракўл териларига ва пилласига жаҳон бозорида талаб катта.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатнинг турли тармоқларини эса хом ашё билан таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг 63%и қишлоқларда яшайди. Аҳолининг анча қисми шу соҳада меҳнат қиласди. Мамлакат ички маҳсулотининг 28%и қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади. Пахта етиштириладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси суғориладиган ерлардир. Бу ерларда қудратли ирригация тизими мавжуд.

Мустақилик йилларида ўтказилган ислоҳотлар давомида қишлоқда янги хўжалик тузилмаси шаклланди. Ерга бўлган мулкчилик жараёни кучайди. Бу аграр сиёсатдаги энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли фармони аграр соҳада туб ўзгариш уфқларини белгилаб берди. Мазкур хужжатда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш устувор йўналиш деб қайд этилди.

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда 159 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 9 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Жумладан, Мехнатобод, Мирзаобод, Ёзиёван, Ромитон ва Амударё туманлари хўжаликлари тўлиқ тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалигига турли мулкчилик шаклларида маҳсулот етиштиришнинг 2003-2004 йиллардаги ҳолати 6.1-жадвалда берилган.

#### 6.1-жадвал

Республика қишлоқ хўжалигига турли мулкчилик шаклларида маҳсулот етиштиришнинг 2003-2004 йиллардаги ҳолати

	Ялпи ҳосил (минг тонна)		Қишлоқ хўжалиги корхоналари		Деҳқон хўжаликлари		Фермер хўжаликлари	
	2003й.	2004й.	2003й.	2004й.	2003й.	2004й.	2003й.	2004й.
Пахта	2803,3	3535,4	1741,8	1707,1	-	-	1061,5	1828,3
Буғдой	5625,6	5502	2805,4	2085,2	789,9	832,4	2030,3	2584,9
Сабзавот	3301	3315,9	626	355,6	2321,9	2575,9	353,5	384,4
Картошка	834,4	892,7	49,7	45,7	751,2	803,9	33,5	43,1
Мева	765,8	646,3	231,5	215,9	477,7	520,9	56,6	109,5
Узум	401,8	577,8	160,5	264,3	278,5	256,4	22,5	56,9
Полиз	587,3	571,3	77,8	46,2	331,7	351,0	177,8	174,1

маҳсулотлари							
--------------	--	--	--	--	--	--	--

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарх. 2004 йил, № 8, СИСМ, Т.: 2005.

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида картошкачилик ривож топган, пахтачилик ва ғаллачилик етарли даражада ривожланмаган, сут, гўшт тухум ва сабзовот етиштиришда дехқон хўжаликларининг улуши юкори. Жомоа хўжаликлари пахта ва ғаллачиликда устун. Шунинг учун хам юкорида тилга олинган фармон асосида 2003 йилда яна 177 жамоа хўжалиги негизида фермер хўжаликлари тузилган. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳатто зарар билан ишлаётган жамоа хўжаликлари хам фермер хўжаликларига айлантирилса, уларда ишлаб чиқариш ривожланади, моддий ресурслар тежалади, молиявий аҳвол яхшиланади. Фермер хўжаликларига ўз ривожи жараёнида эркин иқтисодий фаолият юритиш учун қуидаги имкониятлар яратилган:

ер майдонлари танлов асосида 50 йилгача муддат ва мерос қолдириш хукуки билан ижарага берилади;  
берилган ер майдонлари ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилади;  
ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномаларига асосланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари билан биргалиқда аграр сиёсатнинг устуворлиги мужассамлашган, фермер хўжаликларининг 2003-2010 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси яратилмоқда. Қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг шу муддатга мўлжалланган комплекс дастури эса тайёрланди.

Маҳаллий шароитларни, қишлоқ хўжалиги ерларини, меҳнат ва сув ресурсларининг аҳволи ҳамда хўжаликлар қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чукур таҳлил қилиш асосида вилоят ва туманлар бўйича хўжаликларни ривожлантириш концепциясини яқин йилларда ишлаб чиқиш устида ишлар давом эттирилади.

Аграр сиёсатда тилга олинган устуворликлар ижроси аниқ белгиланган режа асосида барча бўғинларда ислоҳотларнинг моҳиятини англаган ҳолда олиб борилади. Бу миллий хавфсизликни таъминлашда асосий омил бўлади.

#### **8.4. Қишлоқ хўжалиги равнақида кредит муҳим омил**

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлиб, саноатнинг кўплаб тармоқларини хом ашё билан таъминлаш ҳамда республика экспорт салоҳияти ва валюта тушумининг муҳим манбаси ҳисобланади. Шу боис мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати мазкур соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор каратмоқда. Айниқса, Ўргбошимизнинг «Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожида

кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютукларга таянади» деган фикрлари соҳа тараққиётида дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Бир сўз билан айтганда, фермерларга қатор имтиёзлар берилиб, кенг имкониятлар яратилмоқда, меъёрий-хуқуқий база тобора такомиллаштириб борилмоқда.

Кишлоқ хўжалигидаги асосий тадбиркорлик субъектлари, яъни фермер хўжаликларини ривожлантириш йўли билан истеъмол бозорини сифатли қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолига иш ўринлари яратиш орқали иқтисодиётимизни жадал юксалтириш имконига эга бўламиз. Шунинг учун кичик бизнес, шу жумладан, дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш хукуматимиз томонидан изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Дехқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида 2003-2004 йилларда тижорат банклари томонидан 39 млрд. сўм микдорида кредит маблағлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, фермер хўжаликлари ролини ошириш, уларда мулкдан, жалб этиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий жавобгарлик ҳиссини шақиллантиришда муҳим аҳмият касб этди. Ушбу қарорга кўра, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидағи фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш бўйича харажатларини тайёрлов корхоналари орқали бўнаклаш механизми ўрнига уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлар ажратиш механизми ишлаб чиқилди. Бу механизм 2003 йил хосилидан бошлаб тажриба сифатида синааб кўрилди.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлариға имтиёзли кредитлар қайтмаслик хатарининг олдини олиш ёки гаровни суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мурофотларини тўлаш, иш ҳақи тўловлари, минерал ўғит, кимёвий препаратлар, полиэтилен плёнка, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш, машина-трактор парклари, шу жумладан, муқобил МТПлар, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, электр куввати, ягона ер солиги ва бошқа харажатлар тўлови (хосилни йиғиб олиш бўйича хизматларни қўшган ҳолда) учун мақсадли кредитлар ажратиш йўлга кўйилди.

Жумладан, 2003 йил давомида пахта хом ашёси тайёрловчи фермер хўжаликлиридан тижорат банкларига тақдим этилган 9691 та кредит аризаси тўлиқ кўриб чиқилиб, уларга 15227 млн. сўмлик, ғалла

етиширувчи фермер хўжаликлари томонидан тушган 5617 та кредит аризаси бўйича эса 1484,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Уларнинг самараси кандай бўлди? Албатта, юқори бўлди. Биргина 2003 йили ана шу тўртта вилоятда имтиёзли кредит олган фермер хўжаликлари томонидан мўлжалдаги 166,1 минг тонна ўрнига 183,8 минг тонна дон этиширилди. Натижада 11,0 млрд. сўм ўрнига 13,5 млрд. сўм даромад олиниб, 5,5 млрд. сўм соф фойда кўрилди. Масалан, Учкўрғон туманидаги «Рахимжон ҳожи» фермер хўжалиги 2002 йилда 45 гектар ерда ғалла этишириб, 4,7 млн. соф фойда олган бўлса, 2003 йилда кредитлаш механизми қўлланилгач, бу қўрсаткич 7,4 млн. сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси эса аввалги йилдагига нисбатан 3 % ўсади.

Шунингдек, имтиёзли кредит олган пахта этиширувчи фермер хўжаликлари 2004 йили 50,6 млрд. сўм даромад, шу жумладан, 20,5 млрд. сўм соф фойда олишга эришдилар. Бир мисол: Бухоро туманидаги «Ибод бобо» фермер хўжалиги 29 гектар майдонда пахта этиширади. Ушбу хўжалик 2002 йилда 12,6 млн. сўм даромад қилган бўлса, 2003 йилда бу қўрсаткич 23,0 млн. сўмни ташкил этди. Имтиёзли кредитлаш натижасида жамоада хосилдорлик 1,4 центнерга, соф фойда эса 1120 минг сўмга кўпайди.

Тахлиллар шуни қўрсатмоқдаки, янги кредитлаш механизмига ўтилгач, салмоқли натижаларга эришган фермер хўжаликлари сони тўртала вилоятда ҳам анча кўпайди.

Фермерларга ажратилган тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлар самарасини улар режадагига нисбатан ортиқча даромад олганлигига ҳам яққол кўриш мумкин. Пировардида, 2005 йил 1 октябрь ҳолатига қўра, тижорат банклари томонидан давлат эҳтиёжлари учун ғалла ҳосили этиширувчи фермер хўжаликларига берилган кредит маблағлари якуний ҳисоб-китобларга ажратилган маблағлар ҳисобидан тўлиқ қайтарилди.

Республикамида пахта ва дон маҳсулотларига давлат буюртмалари жорий этилиши эса бир томондан, фермерларнинг маҳсулотларига барқарор талабни вужудга келтирган бўлса, иккинчи томондан, этиширилажак ғалла ва пахта хом ашёси қийматининг 50 %и миқдорида олдиндан бўнак пули олиш имконини яратди.

Янги механизмнинг олдинги услубдан яна бир қулай томони бор. Давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёси ва ғалла этиширувчи фермерларга тўғридан-тўғри имтиёзли кредит берилиши улар учун эҳтиёж сезилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва маблағларни мустақил равишда тасарруф этиш имконини берди.

Фермерлик ривожи қишлоқда янгича бозор инфратузилмаси яратилишини такозо этади. Бу борада республикамида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтганда шуни таъкидлаш керакки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишлиланган йиғилишидаги маъruzасида қишлоқ хўжалиги тараққиётiga кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларини яратиш ва улар томонидан, айниқса, фермерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб

этишини алохида таъкидлаган эди. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликлариға моддий-техник ресурслар етказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини шакллантириш, банк, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратишни назарда тутади, давлат бу йўл билан фермерликнинг ривожини бевосита қўллаб-кувватлади.

Хусусан, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмалариға эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига караб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатда эса ер-сув муносабатлари, фермерларни молиялаштириш ва кредитлаш тизими. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳсулотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳамда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш масалаларини 2006 йилгача босқичма-босқич бажариш белгилаб берилди.

Карорга кўра, шунингдек, 2004-2006 йилларда заарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз шаркат хўжаликларидан 1020 таси фермер хўжаликлариға айлантирилади. Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлариға банк хизматлари кўрсатиш, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига асосан, шу муддат мобайнида 701 та, жумладан, жорий йилнинг ўзида 178 та мини банк ташкил этилиши белгиланди. Эътиборлиси, худудларда ташкил этилаётган фермер хўжаликлариға ҳар томонлама қулай бўлган жойларда жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 180 та мини банк ташкил этилди. Умуман, ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган жами мини банклар сони 982 тага етди. Уларнинг қандай ишлаётганини тасаввур этиш учун бир мисол келтирмоқчиман. «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Жиззах вилояти филиалига қарашли, Жиззах тумани марказидан 15 қилометр узоқликда жойлашган «Учтепа» мини банки ҳозирги кунда 227 та мижозга, шу жумладан, 167 та фермер хўжалигига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда кредитлаш масаласи ечимига ойдинлик киритиш мақсадида шуни тақидлаш керакки, сўнгги пайтда фермерлар кредит олиш анча осон бўлиб қолганини таъкидлашмоқда.

Иқтисодий муносабатларнинг яхлит, мукаммал тизимини барпо этиш юзага келаётган муаммоларни изчил ва ўз вақтида ечишни талаб этади. Бу борада Марказий банк томонидан бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш бўйича 2003 йилда 4 вилоятда орттирилган тажрибалар асосида «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» ишлаб чиқилди. Бу меъёрий ҳужжатда қишлоқ хўжалиги мулкдорларидан йил давомида олинган таклифлар эътиборда тутилди, шу асосда уларга бир қатор қулайликлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Мазкур Низомга мувофиқ Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи фермер хўжаликлирга тижорат банклари томонидан кредит маблағлари мунтазам бериб келинмоқда. Республикализнинг қолган 5 та вилоятида эса ушбу механизм кейинги йил ҳосилидан бошлаб жорий этилади.\*

Кредит мабалағлари ажратишда бундай узлуксиз жараённинг таъминланиши мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

### **Қисқача хulosалар**

Агросаноат мажмуи кўп тармоқли йирик мажмуи бўлиб, ўз таркибига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириувчи ва қайта ишловчи тармоқларни олади. Агросаноат мажмуининг тараққиёти нафақат озиқ - овқат таъминотини яхшилаш, балки муҳим хом ашё манбаи сифатида мамлакат индустрясининг тараққиёти учун ҳам ўта зарур.

Ривожланган давлатлар халқ хўжалигига лизинг хизматининг алоҳида ўрни бор. Ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб Америкада илк бор жорий этилган бу хизмат тури айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Республикализ иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат тури жорий этилишини тақозо қиласди.

Хавфсизликни таъминлашда бюджет, молия, солиқ ва аграр сиёсатдаги устуворликлар аниқ белгиланган режа асосида барча бўғинларда ислоҳотларнинг моҳиятини анлаган ҳолда бажарилиши миллий хавфсизликнинг асосий шартидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Агросаноат мажмуи деганда нима тушунилади?

Агросаноат мажмуи таркибига нималар киради?

Агросаноат мажмуида қишлоқ хўжалиги қандай ўрин эгаллайди?

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш дастурининг моҳияти

\* Кредит: фермерлик равнақида муҳим омил.-«Халқ сўзи», 2004й., 2 июнь.

нималардан иборат?

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш дастурининг қандай кўрсаткичлари мавжуд?

Таркибий ўзгаришлар нимани ўргатади?

Бюджет-солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?

Фермер хўжалик нима?

Кредит ажратишда фермер хўжаликларига имтиёзлар қандай ёрдам беради?

Фермер хўжалигини ривожлантириш истиқболи қандай бўлади?

### **Асосий адабиётлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил майдан бошлаб иш хақи, нафақалар, стпендиялар ва ижтимоий нафақалар микдорини ошириш тўғрисидаги фармони.)-«Ҳалқ сўзи», 2005 йил, 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.-2005й., 2 май.

Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида».-Т.: «Ўзбекистон», 2005.

Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар.-«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2004й.

Интернет веб-сайтлари.

[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

## **9-БОБ. МИНТАҚАЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

- 9.1. Фермер хўжаликларининг минтақавий хусусиятлари**
- 9.2. Фермерлик ҳаракати ва унинг имкониятлари**
- 9.2. Фермерлик ҳаракати ва унинг имкониятлари**
- 9.3. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари**
- 9.4. Экспорт-фермерлар фаолиятининг бош йўналиши**
- 9.5. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари**

### **9.1. Фермер хўжаликларининг минтақавий хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш учун бозор иқтисоди талаблари асосида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Асосий ишлаб чиқариш воситаси-ерлар ўз эгалари: дехқон ва фермерларга берилиб, мулкчилик шакллари ўзгариради, дехқон ва фермерлар уюшмалари тузилиб, маҳсулотларни етиштириш ва эспорт қилиш ишлари батамом янги йўлга қўйилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон хукумати томонидан дехқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хуқуқий ва норматив хужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Фермер ва дехқон хўжаликлари туғрисида»ги (30.04.1998 й, № 605. 1-сонли) қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг бу қонунни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича қатор қарорлари улар орасида алоҳида ўрин тутади. Уларга кўра, ерларни ўз эгаси–дехқон ва фермерларга бериб, физик-кимёвий таркибини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш чоралари белгиланди, фермерларга шунингдек, ихтиёридаги ердан умрбод фойдаланиш хуқуқи берилди. Ўзбекистонда 2000 йил 1 ноябрда дехқон ва фермер хўжаликлари сони 41743 та бўлган бўлса, 2001 йилнинг шу даврига келиб, бу кўрсаткич 55208 тага етди.

2001 йили республикада 2142 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич икки баробар ошди. Дехқончилик маҳсулотларининг салмоғи дехқончилиқда олинган фойданинг 65 % ини ёки 4732 млрд. сўмликни ташкил этди. Бунда фермер ва дехқон хўжаликларининг улуши 45 % бўлди.

Ўзбекистон Республикасида «Фермер ва дехқон хўжаликлари туғрисида»ги қонун ҳаётга татбиқ этилиб, республика фермер ва дехқон хўжаликлари уюшмаси тузилган. Унга аъзо бўлган фермерлар сони 2000 йилда 37274 та бўлган бўлса, 2001 йилда 43568 тага етди, дехқон хўжаликларида эса 2000 йилда 26660 та аъзо бўлган бўлса, 2001 йилда 34918 тага етди. Фермер ва дехқон хўжаликларининг ер майдони 2000 йилда 661,9 минг гектар эди. У 2001 йили 728,1 минг, 2004 йилда 2194,4 минг гектарга етди. 2000 йили бир фермерга ўртacha Сирдарё вилоятида

энг кўп-35,9 сотих, Навоий вилоятида энг кам-6,5 сотих ер тўғри келди. 2004 йили бу кўрсаткич Қорақалпагистон Республикасида энг кўп-35,5, Навоий вилоятида энг кам-9,7 сотихни ташкил этди. Республикамиз бўйича ҳар бир дехқон ва фермер хўжалик ери ўртача 2000 йилда 17,3, 2004 йилда 16,2 сотихдан иборат бўлди. \*

Республикада дехқончилик учун зарур машиналар тизими яратилди, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, таянч пунктлари тармоқлари ривожлантирилди, қишлоқ хўжалигини малакали мутахассислар билан таъминлайдиган олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари ташкил этилди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги илмий ишлаб чиқариш марказининг 17 илмий-тадқиқот институти, уларнинг 12 филиали, 15 таянч пункти, 9 эксперементал базаси ва 50 га яқин бошқа бўйимларида қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва агросаноат мажмуининг турли соҳаларида назарий ва амалий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, фан ютуклари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Республикада Тошкент давлат аграр университети, Андижон, Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Қарши аграр-иктисодиёт, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари, қатор коллежлар ишлаб турибди. Республика олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларини қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича ҳар йили 5 мингдан ортиқ олий маълумотли, 12 мингдан кўпроқ ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар битириб чиқмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги умумий сиёсатни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалга оширади. Давлат бошқарувининг қуий бўғини бўлган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари, ижара хўжаликларига умумий раҳбарликни олиб боради. Ихтисослашувига кўра, боғдорчилик, токчилик, айрим иссиқхона хўжаликлари мустақил «Ўзмевасавзовотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясига қарайди. Айрим тармоқларга раҳбарликни амалга ошириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзбеккорақўл», «Ўзбек ипаги», «Ўзпаррандасаноат», «Асал» каби республика ишлаб чиқариш уюшмалари ташкил этилган.

Ўзбекистон ҳудуди қишлоқ хўжалиги жиҳатидан 3 минтақага бўлинади: тоғ ва тоғ олди минтақаси республика ҳудудининг 20 % дан ортиқроғини ташкил этади. Асосан лалмикор дехқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зифир), боғдорчилик ва токчилик тараққий этган бу минтақада баҳорги-кузги мавсумий яйловлар бор, чорвачилиги гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган. Суформа дехқончилик минтақаси республика ҳудудининг қарийб 20 %ини ташкил этади. Бу минтақа Фарғона водийси, Мирзачўл, Даъварзин чўли, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарабшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод водийлари, Қуий Амударёни ўз ичига олади. Унда

\* Ўзбекистон иқтисодиётни. Тахлилий шарх. СИСМ. Т.: 2005, №8, 50-6.

асосан пахта, шунигдек, каноп, дон (буғдой, маккажүхори, шоли), картошка, сабзовот-полиз маҳсулотлари (қовун, тарвуз, қовок), ем-хашак экинлари (беда, суданўт, перко ва бошқа) етиширилади. Боғ ва токзорлар, тутзорлар, резавор мева майдонлари бор, гўшт-сут чорвачилиги ривожланган.

Чўл-яйлов минтақаси республика ҳудудининг 50 % ни ташкил этади, асосан чўл ва сувсиз текисликлардан иборат, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда ва Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер давлат мулки ҳисобланади. Давлат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхоналар ва хўжаликларга, шунингдек, фуқароларга муддатсиз ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер ажратиб беради.

Давлат ва ер фонди ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчилар ҳудудидаги барча ерларни-ҳайдалма ерлар, дараҳтзор, яйлов, пичанзор, ўрмон, қўриқ ер, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўз ичига олади.

Республиканинг 2003 йилдаги умумий ер фонди 44797,7 минг га, барча қишлоқ хўжалиги ерлари 27987 минг га. Шундан сугоришга яроқли ерлар 5 млн.гектар, сугориладиган ер майдони 4238,6 минг. гектар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилдиган ерларнинг умумий майдони салкам 32 млн, экиладиган ерлар 4090,2 минг, ҳайдалма ерлар 4475,5 минг гектарга етди. (36.1-жадвал) Республика ер фондининг асосий қисми (62 % га яқини) қишлоқ хўжалик ер турлари тоифаларига мансуб, колган қисми фуқаролар ерлари-томорқа (7 %), ўрмон ва тўқайзорлар (3,2 %), қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан (34,2 %) иборат. Сугориладиган ерлар жами ер ресурсларининг 9,2 % ини ташкил этишига қарамай, республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,5%и шу ерларда етиширилади.\*

Ўзбекистонда XX асрда сугориладиган ерлар майдони сезиларли кўпайди (1914 йилда 1809,5 минг га; 1994 йилда 4238,6 минг га). Кейинги ўн йилликларда ирригация-мелиорация ишларига катта эътибор берилди. Республика аҳолиси сонининг ўсиш суръатлари сугориладиган ерларни кенгайтириш суръатларидан ўсиб кетиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугориладиган ҳайдалма ер майдони йилдан-йилга камайиб борди.

Ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупрок унумдорлигини тиклаш, табиий мухитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг хуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида республикада ер муносабатлари

\* Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. Т.: 2004.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йилнинг 1 июлидан кучга кирган) билан тартибга солинади.

Ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидағи каби Тошкент вилоятида ҳам пахтачилик ва бошқа соҳаларда ўсишга эришилди (9.2-жадвал).

Фермер хўжаликлари томонидан 2003 йилда 55339 тонна сабзавот, 8376 тонна картошка, 11804 тонна полиз, 1510 тонна узум, 5564 тонна мева ва 79974 тонна ем-хашак етиштирилди.

**9.1-жадвал**

**Ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ерларининг ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимоти, минг га**

	Умумий ер майдони	Барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги ерлари	Шу жумладан		
			ҳайдалма ерлар	пичанзор ерлар	яйловлар
<b>Жами ер</b>	44797,7	27987,1	4474,5	109,4	22855,6
Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликлари ерлари	31970,0	25925,2	4458,8	107,4	20824,6
Шу жумладан дехқон (фермер) хўжаликлари ерлари	82,8	76,8	32,9	0,3	42,1
Фуқаролар ерлари	571,3	477,5	382,5	-	-
Захирадаги ва хўжалик ерлари	10203,9	1975,3	9,0	2,0	1954,1
Бошқа тоифадаги ерлар	2623,8	86,6	6,7	-	76,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. Т.: 2005.

9.2-жадвал

**Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер ва дехқон хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (тонна)**

Кўрсаткичлар	Фермер хўжалиги		Дехқон хўжалиги	
	2000 й.	2004 й.	2000 й.	2004 й.
Гўшт, тирик вазнда	1132	1205	64080	79180
Сут маҳсулотлари	5542	5355	250776	282403
Тухум, минг дона	484	1122	164905	175905
Жами бошоқли дон	25571	33298	-	-
Шундан буғдой	25571	33258	7613	8700
Картошка	7125	8376	9208	30440
Узум	0	1510	12017	14120
Мева	3133	5564	23311	25217
Сабзавот	44265	55338	274719	286223
Полиз	11364	11804	15264	16034
Пахта	21436	313891	0	0
/алла	19248	21773	0	0

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари, Т.: 2005.

Вилоятда чорвачилик соҳасига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. 2003 йили чорвачилик йўналишидаги фермерлар сони 463 та бўлган бўлса, 2004 йилда 493 тани ташкил этмоқда. Вилоят бўйича 14102,9 та шартли мол мавжуд. Йил давомида вилоят чорвадорлари томонидан 891 тонна гўшт, 5355 тонна сут ва 1122 дона тухум етиширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 марта «Фермерчиликни, хусусий тадбиркорликни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 75-сонли қарорига асосан вилоят дехқон ва фермерларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, мамлакат ички бозорини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада юқорироқ даражада тўлдириш, аҳоли фаравонликни ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан вилоятда фаолият кўрсатаётган 640 та дехқон ва фермер хўжаликларига 851700000 сўм микдорида микрокридитлар ажратилди. Шундан 425 таси фермер хўжаликлари, 215 таси дехқон хўжаликларига берилди. Йўналишлар бўйича кредитларнинг 512 таси ёки 680808000 сўми чорвачилик, 67 таси ёки 70761000 сўми уруғ учун, 30 таси ёки 58650000 сўми техника учун, 31 таси ёки 414800000 сўми бошқа соҳаларга ажратилди. Ажратилган кредитлар мақсадли равишда ишлатилишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.\*

\* Экономические обозрение. 2004, №12.-34-6.

## **9.2. Фермерлик ҳаракати ва унинг имкониятлари**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади соҳада мулкдорлар синфини шакллантириш орқали рақобат муҳитини юзага келтиришdir. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бугунги қунга келиб етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи нодавлат сектор улушкига тўғри келмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги юритиш борасидаги дунёвий тажрибалар фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик шаклларига нисбатан бар қанча афзалликларга эгалигини кўрсатди. Шу сабабли ҳукумат томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-куvvатланмоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга бундай устуворлик берилиши чуқур ўйланган аграр сиёsat натижасидир.

Кейинги йилларда кўпгина ширкат хўжаликлари мавжуд ресурслардан фойдаланиш, маҳсулот сотиши ва бошқа соҳаларда нисбатан кичик, лекин бозор шароитига мослашган фермер хўжаликлари билан рақобат қила олмай қолдилар Катта ҳажмдаги бошқариш тизими харажатлари ва бошқа трансакцион харажатлар йўқлиги сабабли маҳсулот таннархининг арzon бўлиши фермер хўжаликларига ширкатларга нисбатан ўз маҳсулотларини арzonроқ сотишига имкон бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги 243 ва 543- сонли қарорларига асосан Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпағистон Республикасидаги истиқболсиз деб топилган 17 та хўжалик тажриба тариқасида тўлалигича тутатилиб, уларнинг негизида 1022 фермер хўжалиги ташкил этилди.

Тажриба дастлабки пайтданоқ ижобий натижа бера бошлади. Ўша йилдаги сув тақчиллигига қарамасдан қайта ташкил этилган хўжаликларда фалла ҳосилдорлиги ўртача 9 центнерга ортди. Шу билан биргаликда, таҳлилларнинг кўрсатишича, фермер хўжаликлида модий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлган. Масалан, Хоразим вилояти Урганч туманидаги А. Темур номли хўжаликда озуқа сарфи 50 фоизгача камайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йилдан бошлаб қатор қарорлар қабул қилинди. Уларга мувофиқ 2001 йилда 52 та истиқболсиз хўжалик негизида 3428 та, 2002 йили 83 та хўжалик негизида 3099 та ва 2003 йилда 177 хўжалик негизида 11383 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Натижада 2003 йил бошига келиб, фермер хўжаликлари сони 71406 тага, уларнинг ер майдонлари эса 1591,7 минг гектарга етди (9.3-жадвал).

### 9.3-жадвал

#### Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	1992	1994	1996	1998	2000	2004
Фермер хўжаликларининг сони	дона	5942	14236	18848	23048	43759	72406
Ер майдони	минг га	45,1	193,1	351,6	446,5	889,7	1591,7
Банд бўлган ишчилар сони	минг киши	20,9	62,9	104,2	137,9	295,0	487,9
/алла	минг т	5,1	29,1	141,8	291,6	520,8	1375,6
Шоли	минг т	1,7	7,6	16,6	16,9	22,9	39,3
Пахта	минг т	0,7	28,4	158,1	269,9	493,0	981,2
Картошка	минг т	0,5	6,8	6,9	19,7	30,8	29,9
Сабзавот	минг т	6,5	34,9	52,8	77,4	129,4	218,6
Полиз маҳсулотлари	минг т	4,4	24,2	27,5	29,3	33,6	78,9
Гўшт	минг т	4,2	13,4	18,1	10,6	11,1	16,9
Сут	минг т	23,6	52,6	56,1	50,7	54,1	81,9
Тухум	мил дона	1,2	3,3	4,8	7,5	12,0	46,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотлари. Т., 2005.

Фермер хўжаликларининг мамлакат иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши қуидаги кўрсаткичлар орқали яққол кўзга ташаланади: фермер хўжаликларининг улуши 1992 йилда пахта етиштиришда 0,002 фоизни, фалла етиштиришди 0,6 фоизни ташкил этди. Бу тойифадаги хўжаликларда шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги бошқа хўжалик шаклларидағига нисбатан бирмунча юқори бўлмоқда.\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси туғрисида»ги 3342-сонли Фармонига мувофиқ 2004-2006 йиллар мобайнида зарар билан ишлаётган паст рентабелли 1022 та ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган.

Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонлари республикамиз минтақалари бўйича турлича. Масалан, хар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача майдон Қорақалпогистон Республикасида 198 гектарни, Хоразм вилоятида 20,9 гектарни, Тошкент вилоятида 25,6 гектарни

\* Ўзбекистон Республикаси дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотлари. Т., 2004.

ташкил этади. Фарғона водийси ва аҳоли зич яшайдиган бошқа минтақаларда бу кўрсаткич янада паст.

Фермер хўжаликлари билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳам кўп. Тошкент вилоятида олиб борган монографик кузатишларимиз шуни кўрсатдики, кўпгина жойларда тугатилаётган ширкат хўжаликларининг кредиторлик қарзлари янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари зиммасига юкланмоқда. Масалан, «Янгиобод» хўжалигининг 48,7 млн. сўм кредиторлик қарзи янги ташкил этилган фермерлик хўжаликларига тақсимланган ва бир фермер хўжалиги зиммасига тўғри келган қарз миқдори ўртacha 812 минг сўмни ташкил этган. У. Юсупов номли хўжалик негизида ташкил этилган фермер хўжаликларига эса ўртacha 1,33 млн. сўмдан қарз тўғри келган. Тадбиркорлик фаолиятининг қарз тўлашдан бошланиши янги корхонани бирмунча қийин ахволга солиб қўйиши ўз-ӯзидан маълум.\*

Фермер хўжалигининг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан етиширилган маҳсулот маркетингини муваффақиятли ташкил этишга боғлиқ. Ўзбекистонда маркетинг ҳамда баҳо шаклланишининг иккита тизими мавжуд. Биринчи тизим давлат буюртмасига кирган пахта ва ғаллани ўз ичига олиб, бунда маркетинг товар уюшмалари орқали тартибга солинади. Амалиётда давлат буюрмаси тизими ғалла учун йирик маркетинг каналларидан бири, пахта учун эса ягона маркетинг канали ҳисобланади. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиши юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари маълум даражада назорат ўрнатган бўлсада, улар учун давлат буюртмаси мавжуд эмас. Бу маҳсулотлар учун баҳо белгилаш ва сотиши тўла эркинлаштирилган. Аммо ер майдонларининг кичиклиги ва моддий-техника ресурслари етишмаслиги ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга тўсик бўлмоқда. Лекин шунга қарамасдан фермер хўжаликларининг улуши ошиб бормоқда (9.2-жадвал).

Давлат буюртмасининг мавжудлиги пахта ва ғалла учун бозордаги имкониятларни маълум даражада чеклайди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган муаммо шуки, давлат ҳарид нархларида маҳсулот сотиши тижорат жиҳатидан фойдали эмас. Бир вақтнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш бозордаги талаб ва таклифга караб белгиланмаслиги оқибатида уни сотишдаги қийинчиликлар қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг молиявий нобарқарорлигига олиб келмоқда.

Баҳоларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ғалланинг давлат ҳарид нархи ва бозор нархи орасидаги фарқ анча катта. «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг қайта ишловчи корхоналари пахтани сотиб олувчи монопол корхоналар ҳисобланади. Ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, пахтанинг давлат ҳарид нархи ғалланинг ҳарид нархидан камида икки баробар юқори бўлишига қарамасдан фермерлар 2 та сабаб туфайли ғалла етиширишни афзал деб билишади: биринчидан, ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ғалланинг ўз ихтиёрида қолган қисмини

\* Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. Т., 2005.

сотиши орқали қўшимча даромад олишади; иккинчидан, пахта юқори ҳарид нархларида сотишка, унинг таннархи ҳам юқори.

**9.2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги улуши**

Маҳсулот тури	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2002 й.	2004 й.
Пахта	0,02	0,15	0,7	2,6	4,5	2,14	10	11,7	NA	20,2	31,3
Буғдои	0,6	0,8	1,1	3,8	4,8	8,1	7,5	10	14	21,0	27,3
Шоли	0,6	0,9	1,2	1,6	3,7	4,8	4	8,3	13		
Картошка	0,4	0,7	1,5	2,0	1,9	2,8	2,4	3,4	4	4,2	3,9
Сабзавот	0,3	0,3	1,3	1,8	2,1	3,1	2,8	5,5	5	5,5	7,5
Полиз маҳсулотлари	0,7	1,2	1,2	4,8	5,9	9,9	9,2	11,3	11	11,3	16,5
Мева	1,2	1,2	1,4	1,8	1,8	3,4	2,2	3,6	4	3,6	7,1
Узум	1,0	1,1	1,5	1,7	1,4	3,4	2,4	4,5	5	4,6	6,6
Гўшт	0,4	0,5	1,6	2,1	2,3	1,3	0,9	1,3	1	1,4	2,1
Сут	0,3	0,1	1,4	1,9	1,6	1,5	1,2	1,4	1	1,5	2,2
Тухум	0,3	0,5	0,2	0,4	0,4	0,6	0,3	0,6	2	1,0	3,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Т., 2005.

Товар уюшмалари қайта ишлаш корхоналарига топшириладиган маҳсулотларнинг асосий қисмига баҳо «харажат-фойда» тамойили асосида шакллантирилади. Пахта ва ғалланинг давлат буюртмасига кирган қисмидан ташқари барча маҳсулотлар баҳоси иккита пареллел бозорга бевосита боғлиқ. Биринчиси-маҳсулот баҳоси ўзаро келишиладиган ва тўлов ўша вақтнинг ўзида нақд пул билан амалга ошириладиган бозор бўлса, иккинчиси-маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар билан келишилган баҳоларда тузиладиган контрактация шартномаларидир. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун бозор тўғрисидаги ахборотларнинг, маҳсулотларни сақлаш омборларининг етишмаслиги йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси ўзгариб туришига олиб келмоқда. Контрактация тизими бозор нобарқарорлигининг олдини олувчи восита бўлсада, хусусий ишлаб чиқарувчилар келгусидаги бозор конъюнктурасини билмаслиги туфайли фьючерс шартномалари тузмасликка ҳаракат қилишади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ўз эҳтиёjlари учун қолдирадиган маҳсулотлари аввало, хўжалик юритиш шаклига боғлиқ. Ўрганилган кўпгина фермер хўжаликлари етиштирилган маҳсулотни тўлалигича бозорда сотадилар ёки қисман ўз эҳтиёjlари учун олиб қўядилар. Бухоро вилоятидаги фермер хўжаликларининг 85 фоизи етиштирилган ғаллани тўлалигича давлатга, атиги 15 фоизи бир қисм ғаллани бозорда сотганлар. Бозорда ёки воситачилар орқали энг кўп сотиладиган маҳсулотлар картошка (75 фоиз) ва сабзавотлар (52 фоиз) ҳисобланади. Аниқланишича, фермер хўжалиги нисбатан даромадли хўжалик шакли бўлганлиги сабабли фермерлар ўз томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни оиласиб пудратчиларга нисбатан бозорда кам миқдорда сотадилар. Таҳлилларга қараганда, ширкат хўжаликлари шолининг 71 фоизини, буғдойнинг 23 фоизини ўз эҳтиёjlари учун олиб қоладилар. Шу билан бирга етиштирилган сабзавотлар, картошка ва ем-хашак бозорларда ёки олдиндан тузилган шартномалар асосида сотиб юборилади. Кўпгина ширкат хўжаликлари ўзларининг омборхоналарига эга бўлиб, бу уларга маҳсулотнинг бир қисмини сақлаб, кейинчалик-талаб юкори бўлганда қимматроқ сотиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларнинг аксарияти (65 фоизи) маҳсулотни сотища юз берган ижобий ўзгаришларни таъкидлаган. Шу билан биргалиқда улар маҳсулот сотища баъзи бир қийинчиликлар ҳамон сақланиб қолганлигини ҳам эътироф этишади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари дуч келган муаммоларни таҳлил қилиш уларни қуидаги тартибда жойлаштириш имконини беради: фермерлар биринчи ўринга сақлаш муаммосини, иккинчи ўринга маҳсулотларни шахар бозорларига олиб боришдаги қийинчиликларни, учинчи ўринга нархларнинг пастлигини қўядилар.

Экин майдонларидан юкори даромад олиш учун ўз вақтида ва паст нархларда моддий-техника ресурслари (МТР) сотиб олиш муҳим аҳамиятта эга. МТР ни ўз вақтида олиш ишлаб чиқариладиган маҳсулот

баҳоси билан МТР баҳолари ўртасидаги ўзаро нисбат каби омиллар хўжаликлар даромадига таъсир этади. Сўровларда қатнашган фермерлар МТР етказиб берувчи 3 та катта ташкилотни қайд этишган: 1) «Ўзгромашсервис» ва «Ўзкишхўжкимё» давлат буюртмасига кирувчи маҳсулотлар учун МТР етказиб бериш ва тақсимлашга жавобгарлар; 2) ширкат хўжаликлари (собик) жамоа ва давлат хўжаликлари; 3) хусусий каналлар (дўконлар, компаниялар ва фирмалар).

Хўжаликларни молиявий жиҳатдан кўллб-куватловчи асосий манба шубҳасиз, уларга пахта ва ғалла етиштириш учун бериладиган қисқа муддатли ссудалардир. Жиззах вилоятида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, берилётган бўнак миқдори билан МТР харид нархлари ўртасида катта тафовут мавжуд. Айниқса, уруғлик, ўғит ва техника хизмати нархларининг юқорилиги фермерларни қийин молиявий ахволга солиб қўймоқда. Фермерлар томонидан МТР учун тўловларни амалга ошириш ҳақидаги маълумотлар 36.5-жадвалда келтирилган.

### 9.3-жадвал

Фермерлар томонидан МТР учун тўловларнинг амалга оширилиши

МТР	Манба	Етказиб беришга нисбатан тўлов			
		олдиндан тўлов	етказиб бериш вақтида	етказиб берилганда н кейин	мавсум охирида
Уруғлик ғалла	широкат хўжалиги	64,4	4,6	27,6	3,4
	давлат таъминоти	63,8	13,8	10,1	12,3
Чигит	широкат хўжалиги	71,6	0,24	27,1	1,2
	давлат таъминоти	74,5	3	17,3	5,2
Ўғит	широкат хўжалиги	62,4	4,5	17,7	15,4
	давлат таъминоти	76,3	4,0	22,5	0,8
Кимёвий воситалар	широкат хўжалиги	80	10	10	0
Техника	широкат хўжалиги	19	11,8	61,1	8,1
	хусусий	5,7	73,3	15,7	5,3
Ёлланма ишчи кучи	хусусий	21,7	33,3	43,5	1,5
Сув	давлат таъмиоти	0,5	2,4	1,8	95,2

Манба: 2004 йилда Жиззах вилоятида ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари.

Ўрганишларнинг кўрсатишича, олинган бўнак маблағлари МТР учун олдиндан тўловни амалга ошириш бўйича сарфланган. Ўртча фарқ туфайли 75,1 фоиз фермер олинган ресурслар учун вақтида тўловни амалга оширмаган, натижада МТР етказиб берувчилар олдида молиявий қарам бўлиб қолишга. Буғдой учун тўловни кечикириш ҳоллари қайд этилган, фермерларнинг 3,5 фоизида эса бу муддат 1 йилга яқинлиги

кўрсатиб ўтилган. Тўловларнинг кечикиш муддати ўртacha пахта учун 5,5 ойни, буғдой учун эса 3,5 ойни ташкил этган. Етиштирилган сабзавот маҳсулотлари учун тўловларнинг кечиктирилиши ва МТРни мажбурий бўнаклаш пул маблағлари етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ночор ахволга солиб қўймоқда. Масалан, Жиззах вилоятида 2002 йилда ўtkазилган ижтимоий сўров респондентларининг ярмидан кўпроғи ёнилғини энг чекланган ресурс деб қайд этдилар. Ўзбекистон ўз-ўзини газ ва нефть билан таъминлаётганига қарамасдан, қишлоқ хўжалигида нефть маҳсулотлари тақчиллиги сезилиб турибди (давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштириш жараёни бундан мустасно). Бундай вазият барча турдаги МТР бўйича кузатилмоқда.

Бундай ҳол менирал ўғитлар таъминотига ҳам тегишли. Маълумки калийдан ташқари барча минерал ўғитлар республикамиизда ишлаб чиқарилади. Шундай бўлсада, сўралган фермерларнинг 62,4 фоизи уларни иккинчи даражада чекланган ресурслар, деб қайд этдилар. Яқин келажакда ер ва сув ресурслари билан биргаликда давлат томонидан субсидияланувчи электр энергияси энг кам чекланган ресурс сифтида кўрсатиб ўтилди.

Давлат буюртмасининг (хўжалик даражасида) ҳозирги механизми 2 та муҳим жиҳатдан ташкил топади. Биринчидан, экин майдонлари ўлчамига кўра етиштирилган маҳсулот ҳажми давлат буюрмасига мувофиқ ҳар бир хўжалик томонидан бажарилиши лозим. Иккинчидан, маҳсулотнинг қолган қисми ҳар кандай сотиб олувчига сотилиши мумкин. Лекин давлат буюртмаси бажарилмаган ҳолларда маҳсулотларининг давлат буюртмасига тегишли қисми давлат харид баҳоларида сотилади. Шу боис амалиётда давлат буюртмаси бўйича сотилган маҳсулот ҳажми салмоқли бўлиб, етиштирилган жами маҳсулотнинг 60-70 фоизини ташкил этади. Аксарият ишлаб чиқарувчилар давлат буюртмаси бўйича режани бажара олмаётганлари учун хўжаликда қолиши кўзда тутилган маҳсулотнинг бир қисмини ҳам давлат харид баҳоларида сотишга мажбур.

### **9.3. Маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш йўллари**

Қишлоқ хўжалиги корхонаси амалиётида маркетингдан фойдаланиш, маркетинг тадқиқотларини кенгроқ соҳаларда амалга ошириш ҳам мамлакат ичкарисидаги, ҳам ташки бозорни ўрганиш имконини беради. Корхона бозорларнинг турлари ва жўғрофий ўрнидан қатъи назар, рақобатчилар фаолияти таҳлилидан, талаб ва таклифлар бўйича тадқиқотлар натижаларидан фойдаланган ҳолда стратегик муқобилликлардан бири асосида ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини йўлга қўяди.

Маълумки, мамлакатимизда дехқон ва фермер хўжаликларида етиштирилаётган тез бузулувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавотлар, янги мева, полиз маҳсулотлари) ни сақлаш имконияти йўқ. Шу боис маҳсулотлар пишиқчилик даврида сероб бўлиб, уларни ички

бозорларда ўз вақтида сотиш имкониятлари чекланган. Демак, ортиқча маҳсулотларни сотиш ўта долзарб масаладир.

36.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1999–2004йилларда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси томонидан янги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш кўлами кенгайиб, 542939 тоннани ташкил қилди.

#### 9.6-жадвал

##### Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқишининг тузилиши ва ҳажми

	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2004 й.
Ишлаб чиқариш					
а) Сабзавот ва мева Консерва шаклида Шу жумладан: «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКда	462636 199900	484841 236400	461412 164500	414130 414130	542939 216300
б) Куритилган сабзавот ва мевалар, тонн.	11523	11554	12382	10413	8529
в) Мева ва сабзавот шарбати (минг банка)	59393	57490	49023	64464	32486
г) Джем, варения, повидло, минг банка	469	1245	1542	2080	1322
д) Помидор пастаси, минг банка.	135318	136250	138129	142129	248293

Маҳсулотларни бартер асосида экспорт қилишга бўлган талабнинг ошиб бориши хўжалик ва корхналар етарли миқдорда айланма маблағларга эга эмаслиги билан боғлиқ.

Хўжалик юритиш тажрибасидан маълумки, маҳсулот экспорти халқаро бозорга чиқишининг энг кенг тарқалган йўлларидан биридир. Бу стратегия энг кам харажатлар билан бозорларни эгалламоқчи бўлаётган ишлаб чиқарувчилар учун жозибали, шу билан бирга уни амалга ошириш хориж билан сотув тармоғини шакллантиришни, баъзан эса фақат савдо ваколатхонасини очишнигина талаб қиласи, халос.

Хорижий бозорларга чиқишини хоҳлаган корхоналар олдида экспансиянинг қайси турини танлашга боғлиқ муаммолар мавжуд. Улар анча хилма-хил: экспорт, ишлаб чиқаришга лицензия сотиб олиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бошқалар. Маҳсулотни экспорт қилишдан тушган валютанинг 50 фоизи расмий курс билан Марказий банкга

сотилиши тадбиркорлар манфатини чеклаб, банкрот ҳолатига тушириб кўймоқда.

36.6-жадвалдан кўриниб турибдики, асосан памидор пастаси ишлаб чиқариш кескин кўпайтирилган ва у Россияга экспорт қилинган. Бунинг учун олинган кредит маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга сарфланган расмий курс бўйича ҳисобланиши. 14860500 сўм зарар кўрилишига олиб келган. Иккинчи вариантда маҳсулот тижорат курсида сотилганида 844500 сўм фойда кўрилган.

Кейинги пайтда қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида конъюнктура ёмонлашуви мамлакатимиз иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шундай экан, Ўзбекистонда:

ташқи иқтисодий фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда материаллаштириш сиёсатини ўтказиш;

экспорт ва импорт тизимини ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш йўли билан такомиллаштириш;

экспортга мўлжаллаган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш лозим.

Мамлакатимизда такомиллашган бозор ахборот тизимини яратиш асосий масалалардандир. Ахборот тизимининг улгуржи бозорлар ривожланишидаги аҳамияти ошиб бориши мамлакатимиз бозорларидаги ҳолат бўйича маълумотларга талаб ортишига олиб келмоқда. Жумладан:

нархларни давлат томонидан тартибга солиш бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан эркинлаштирилиб борилмоқда, бозор, ахборот тизимини яратиш эса, товар ишлаб чиқарувчиларни бозордаги нархларнинг ўзгариши бўйича маълумотларга эга бўлишига сабаб бўлмоқда;

кўп укладли бозор шароитида янги ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий заифлиги туфайли бозордаги ҳолатни аниқ билиши уларни банкротлиқдан сақлайди ва даромадлари ортишини таъминлайди;

мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши улар ўртасида рақобат вужудга келишига олиб келади ва бу рақобатда ахборот тизими ўзига хос роль ўйнайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қўлланиладиган асосий воситалар ва бу маҳсулотларни қайта ишлаш ускуналари нархлари бўйича ҳам ахборот тизими яратилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун ускуналар сотиб олишда жуда кўл келади;

ахборот тизимининг такомиллаштирилиши улгуржи ва чакана савдо бозорлари рекламиси йўлга қўйилишига ва шу орқали уларнинг ривожланишига хисса қўшади;

ахборот тизими маҳсулотларнинг бир жойда тўпланиб қолишига, бошка жойда тақчил бўлишига йўл кўймайди.

Хуллас, бозор ахборот тизимини яратиш Ўзбекистон улгуржи савдосининг ривожланишини таъминлайди. Шундай экан,

республикамизда бозор ахборот тизимини яратиш зарур. Бунинг учун эса куйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

республика миқёсида барча тармоқларни қамраб оловчи стратегия ва тузилмани ишлаб чиқиш;

молиявий ва мутахассислар билан таъминланган муассаса яратиш;

маълумотлар тўпловчи компьютер занжирини ташкил этиш;

занжирида барча бўғинлар-маҳсулот етиштирувчилар, уни қайта ишловчилар, бозорлар, дўконлар ва ҳ.к.лар иштирок этишини таъминлаш;

ахборотлар тарқатиш тизими (газета, радио, телевидение ва ҳ.к.)ни яратиш;

компьютер ва коммуникация ускуналари таъминотини йўлга кўйиш.

Ахборот тизимини Бозор ислоҳолари илмий-тадқиқот институтида ташкил этиш лозим. Бу институт ушбу йўналишларда бир қанча тадқиқот ишларини олиб бормоқда ва бу борада етарли мутахассисларга ҳам эга. Лекин институтнинг республика вилоятларида тармоқлараро офислари йўқ. У нархлар бўйича маълумотлар ҳам йиғмаяпти. Бу муҳим ишни йўлга кўйиш керак.

#### **9.4. Экспорт-фермерлар фаолиятининг бош йўналиши**

Республикамизда ташқи бозордаги савдо айланмалари ҳажми йилдан-йилга ортиб, унда ривожланган мамлакатларнинг экспорт улуши кўпаймоқда. 2004 йил мобайнида амалга оширилган экспортнинг 14,9 фоизи Россия, 1,2 фоизи Жанубий Корея, 3,1 фоизи Швейцария, 1,0 фоизи Германия, 3,1 фоизи АҚШ, 1,9 фоизи Буюк Британия улушкига тўғри келди. Кейинги йилларда экспорт ҳажми ошиши билан бирга унинг таркиби ҳам яхшиланиб бормоқда.\*

Ташқи иқтисодий алоқалар жараёнида хато ва камчиликлар ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг ташқи бозорга чиқиш имкониятлари чекланганлиги, ташқи бозорда шерикларни танлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда экспорт ва импорт бўйича шартномалар нотўғри расмийлаштирилиши натижасида мажбуриятлар бажаримаслиги шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалиги барча давлатларда моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан ҳисобланади. Унда халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 45%и фаолият юритади, ишлаб чиқариш фондларининг 40% дан кўпроғи ишлаб чиқарилади, миллий даромаднинг 4% идан ортиғроғи олинади. У республикада асосий тармоқ бўлиб, саноатни хом ашё билан таъминлаш ҳамда мамлекат экспорт салоҳияти ва валюта тушумининг муҳим манбаси саналади.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етишитиришни кўпайтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳот мазмуни ва мақсадига кўра,

\* Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлилий шарх. СИСМ. Т.: 2005, №8, 51-6.

ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта зарур йўналишлардан ҳамда мустақил тизимлардан ташкил топган. Улардан энг асосийси нодавлат мулк шаклларига асосланган кичик ва хусусий корхоналардир. Бундай корхоналарни ривожлантириш ва уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бозор иқтисодиётининг муҳим шартидир. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жамитда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий негизини мулк ва унга эгалик қилиш ташкил этади. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар 36,7-жадвалда келтирилган.

### 36.7-жадвал Ўзбекистонда 2003-2004 йилларда мулкчиликнинг барча шаклларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши

№	Маҳсулот	2003 йил				2004 йил			
		мулкчили книнг барча шакллари да	кишлоқ хўжалиги корхо- наларида	фермер хўжаликн ида	Дех- кон хўжаликн ида	мулкчилик нинг барча шакллар ида	кишлоқ хўжалиги корхо- налари- да	фермер хўжаликн ида	дехкон хўжаликн ида
1	Пахта	7803,3	1441,8	1061,5	X	3535,4	1707,1	1828,3	X
2	Дон	6319,2	3045,6	2264,1	979,5	6014,1	2211,6	2781,5	1024,0
3	Бугдой	5625,6	162,3	2030,3	789,9	5502,5	2085,2	2584,9	823,4
4	Гуруч	350,8	162,3	145,4	42,8	184,3	54,0	105,7	27,6
5	Картошка	834,4	49,7	33,5	751,7	892,7	45,7	43,1	80,9
6	Сабзавот	3301,4	626,0	353,4	2321, 9	3315,9	355,6	384,4	2515,9
7	Полиз	584,3	44,8	144,8	331,7	541,3	46,2	144,1	351,0
8	Мева	465,8	231,5	56,6	444,7	846,3	216,9	109,5	520,9
9	Узум	401,5	160,5	22,5	218,5	544,6	264,3	56,9	256,4

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлилий шарх. СИСМ. Т.: 2005, №8, 51-б.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда охирги беш йилда илк маротаба энг кўп-3,5 млн тонна пахта етиштирилди. Бунга экин майдонларини кенгайтириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, хиссадорлик кенг йўлга қўйилганлиги ҳамда фермер хўжаликларида пахта етиштириш қўпайганлиги натижасида эришилди. 2004 йилда 2003 йилдагига нисбатан дон маҳсулотлари 312,1 минг тонна, гуруч 269,5 минг тонна, полиз маҳсулотлари 16 минг тонна кам етиштирилди. Бу уларнинг экин майдонлари камайтирилганлиги билан боғлиқ.

Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштириш камайишига қарамай, уларнинг экспортни ва импорти сақланиб қолмоқда (36.8-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сабзавот маҳсулотлари экспорти 1999 йилда 47,9% ни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб, 26,1% га тушган. Шу йилларда мева, ёнғоқ ва полиз маҳсулотлари экспорти 56,9%дан 42,9%га пасайган.

Тадқикотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш учун катта имкониятлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Аммо ҳали улардан етарлича фойдаланилмаган. Шу боис, айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти йилдан-йилга камайиб борди. Чунончи, 1999 йилда айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 105,5 млн. Сўмлик экспорт қилинган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 69,8 млн. сўмликни ташкил этди ёки деярли 53,5% га камайди.

#### 9.8-жадвал Ўзбекистонда айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича экспорт ва импорт кўрсаткичлари (%) да)

Махсулот тури	Йиллар					
	1999		2000		2004	
	экспорт	импорт	экспорт	импорт	экспорт	импорт
Сут маҳсулотлари, тухум ва парранда гўшти	0,2	46,5	0,1	39,2	0,5	21,5
Сабзавот	47,9	7,0	28,8	3,9	26,1	5,4
Мева, ёнғоқ ва полиз	56,9	3,7	34,4	2,0	42,9	6,6
Ун маҳсулотлари	0,05	18,5	0,1	142,1	0,3	79,0
Жами	105,5	242,2	63,4	187,2	49,8	112,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, Т.,2005.

Қайд этилган маҳсулот турлари бўйича импорт ушбу давр мобайнида 242,2 млн. долларликдан 112,5 млн. долларга ёки 51,7% га пасайди.

Импорт ўрнини қопладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқаридан ҳарид қилиш учун валюта харажатлари камайишини ижобий баҳолаш, шу билан бирга республикамиз аграр давлат бўлишига қарамай унда ҳанузгача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти салмоғи юқорилигини қайд этиш лозим. Масалан, импорт ҳажми экспортга нисбатан 1999 йилда 3, 2000 йилда 2,9, 2003 йилда эса 1,6 марта юқори бўлган.\*

\* Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари, Т., 2004.

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада экспорт имкониятлари шаклланишини тезлаштириш учун:

қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиётига тўлик ўтишнинг хуқуқий асосларини таъминловчи хуқуқий қонунлар тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигига сервис хизмати кўрсатувчи бозор шаклланишини тезлаштириш ва бу бозорда рақобат муҳитини яратиш;

қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ва кўмаклашувчи инфратузилманинг барча бўғинларини вужудга келтириш;

қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар бозорга эркин чиқарилишини, нарх-наво таклифга асосан эркин белгиланишини, нарх устидан давлат назорати минимал даражага келтирилишини таъминлаш зарур.

Кейинги йилларда экспорт ва импортда давлат монополиясидаги асосий турлар бўйича ташқи савдо айланмаси ҳажми пасайиши кузатилмоқда. Бу муайян тадбирлар, жумладан, давлат монополиясида бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш тизимлари такомиллаштирилишини, ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологиялар жорий қилинишини тақазо этади. Хом ашё сифатида сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фермер хўжаликларида ривожлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш мумкин.

Қайд этилган муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаши ва истеъмолчисини топишга имкон беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тараққиёт жараёни қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ишлаб чиқариши ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлайди, ўз бюджетини молиялаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, янги авлод тақдирида майда элементларига қадар ечимини топиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда, ислоҳотларнинг янги даври бошланиши учун кенг йўл очмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ташқи алоқалари асосида қудратли ва замонавий ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган технологияларни жалб қилишга ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ривожланишига кенг йўл берилмоқда.

Фермер хўжаликлари сони 2003–2004 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятларида камайган, бошқа вилоятларда ўсган, Самарқанд вилоятида 2 ҳиссага кўпайган. Ҳуллас, мамлакатимизда 2005 йил бошига келиб, фермерлар

103921 тага етган. Фермер хўжаликларининг 2003-2004 йиллардаги асосий кўрсаткичлари 36,9-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистонда 2005 йил бошига келиб, фермер хўжаликларининг умумий сони 103.921 тага, уларга бириктирилган ер 2,9 млн.гектарга етди. Бу тоифадаги хўжаликларнинг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 2004 йилда 2003 йилдаги 14,8% дан 20,4 %га, жами экин майдонлари тегишлича 36,9% дан 44,4% ортди. Пахта етиштириш 34,9% дан 51,7% га, буғдой 35,8% дан 46,2% га кўпайди. Фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига қараганда пахта ва буғдой етиштириш унумдорлиги юқори бўлган: 16,2% кўп етиштирилган. 2004 йилда ширкат хўжаликларида бир тонна пахтанинг ўртача таннархи 400 минг сўм бўлган бўлса, фермер хўжаликларида 230 минг сўмни, мос равишда буғдойнинг таннархи 100 минг сўм ва 70–80 минг сўмни ташкил этган.

### 36,9-жадвал

Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг 2003-2004 йиллардаги асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2003 й.	2004 й.
1	Фермер хўжаликлари сони	та	87552	103921
2	Уларга бириктирилган ер майдони	минг 20	2148,1	2935,4
3	Фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони	минг киши	603,0	465,3
4	Ялпи қ/х маҳсулотларида фермер хўжаликларининг улуши	%	14,8	20,4
	Дехқончилик Шу жумладан: - чорвачилик	% %	13,8 1,0	19,3 1,1
5	Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш суръатларининг ўсиши Шу жумладан: дехқончиликда - чорвачиликда	%	140,1 140,1 123,8	141,2 142,9 118,0
6	Бир фермерга тўғри келади	га	24,5	28,2

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси сифат ва самарадорлигининг юқорилиги жиҳатидан жаҳонда ўзига хос нуфузга эга бўлган давлатлар (Нидерландия, Истроил ва ҳ.к.) билан ҳамкорлик мамлакатимиз қишлоқ аҳолиси иш билан бандлик даражасининг ортиши учун хизмат қиласи. Ўзбекистон асрлар давомида яқин хориж давлатларига қуруқ мева экспорт қилган. Ҳозирда эса мазкур соҳанинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириш, ҳақиқий истеъмолчиларини

дунё бозоридан излаб топиш имкониятлари юқори. Тошкент, Сурхондарё вилоятларида консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кўп.

Рақобатбардош, сифатли маҳсулотларнинг кўпайиши мамлакат экспорт салоҳияти юқори бўлишини, бу эса, валюта фонди ортишини таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда, ташки савдо инвестицияларга самарали таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан биридир. Бугунги Ўзбекистон ўзидағи ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳамкорликда бўлиш йўлидаги устувор вазифаларни белгилаб олганлиги иқтисодий ислоҳатлар натижасида кўринмоқда.

## **9.5. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш йўллари**

Маълумки, 1998 йилнинг апрелида Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги маҳсус қарор чиқди. Ушбу фармон ва қарорнинг ижросига жиддий киришилган кезларда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Юртбошимиз ана шу масалага тўхталиб, «Ислоҳотлар тақдирни охир-оқибатда кишиларимиз фаравонлиги ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, кичик ва ўрта бизнеснинг тараққиёти орқали ҳал қилинади», деб алоҳида таъкидлади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармок-бизнеснингни эмас, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқарии, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалалари ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ. Республикаиз кишлоқлари аҳолисининг табиий ўсиш суръати шаҳарлардагига нисбатан юқорироқ. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда ишчи ўринларининг етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу боис қишлоқларда янги иш жойларини барпо этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш ғоят муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, уларда ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, бу соҳа меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўп қисмини иш билан таъминлаёттир. Мисол учун, ҳозир АҚШда 8 миллион, Японияда 5 млн, Италияда 3 млн.дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари мавжудлиги бунинг тасдиғидир. Масаланинг бошқа нозик томонларига эътиборни

қаратадиган бўлсак, аслида бизнес инсонларнинг ишбилиармонлик қобилиятларини намоён этди. Бошқача айтганда, улар ишбилиармонликлари эвазига ўз манфаатларига эришадилар, бу эса уларни доимо янгиликлар излаб топишга, дадилликка, сергайратликка, бошлаган ишни охирига етказишга ундайди. Айниқса, мустақил қарор қабул қилиш фойда келтирадиган таваккалчиликни тақазо этади.

Шуларни инобатга олган ҳолда кейинги пайтда кичик ва ўрта бизнесни қишлоқ хўжалигида тарақкий эттириш, тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларни кредит маблағлари ва моддий-техника ресурслари билан таъминлашга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2001 йилдан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди. Ўз фаолиятини эндиғина йўлга қўяётган тадбиркорларга бошланғич капитални шакллантириш учун имтиёзли кредитлар ажратила бошланди. Йил давомида 34,2 мингта кичик ва ўрта бизнес субъекти ташкил этилди, шулардан 10,5 мингтаси рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилгандан сўнг ташкил қилинди. Рўйхатга олинган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2002 йил 1 январь ҳолатига 201,9 мингтага етди. Мамлумки, 2001 йилда республикамизда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,5 фоизни ташкил этган эди. Шунинг ўзиёқ бизда тадбиркорлик учун етарли даражада имтиёзли шароитлар яратилганидан далолат беради. Аммо бу ютуқлар билан чегараланмаслик лозим, асл кичик ва ўрта бизнес субъектлари сонини янада кўпайтириш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳлини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Чунки кичик ва хусусий тадбиркорлик мулкдорлар синфини барпо этиш учун асосий пойдевор яратади.

Кичик ва ўрта бизнесни қандай қилиб ривожлантириш мумкин? Даставвал, уларни бошқаришни тўғри ташкил этиш лозим. Бошқариш бозор принципларига амал қилган ҳолда тўғри йўлга қўйилса, бизнеснинг натижаси ижобий, самараси эса юқори бўлади. Мисол тариқасида 2001 йилнинг бу борадаги кўрсаткичларини таҳлил этадиган бўлсак, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш суръатлари янада тезлашганини кўриш мумкин. Бундан ташқари бошланғич сармояга эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қўшимча имтиёзлар қилингандиги боис 2001 йилда 34,2 мингта микрофирма, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилди. Ушбу субъектлар томонидан 2000 йилда 192500 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 372043 тага етди. Аммо бу ютуқлар билан чегараланмаслик керак. Бу соҳани янада ривожлантириб, шу орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиш зарур.

Шуни тан олмоқ керакки, ҳозир республикамизнинг барча жойларида ҳам бу тизим фаолияти етарли даражада деб бўлмайди. Демак,

бугун қишлоқ жойларида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш ўринлари ташкил этиш керак.

Энди мисол тариқасида биргина қишлоқ хўжалик хом ашёси ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини олиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган меванинг 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи, жуннинг 15 фоизи, гўштнинг 25 фоизи, сутнинг 5 фоизи қайта ишланмоқда. Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун қанчадан-қанча имкониятлар мавжудлигини юқорида санаб ўтилган рақамларнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилса, улар мазкур соҳа аҳлини иш билан етарли даражада таъминлашда, муҳими, одамларнинг даромадини оширишда янги манба сифатида хизмат қилган бўлар эди. Юқоридаги каби имкониятлар тўғрисида яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бугунги кунда етиштирилаётган пахтанинг фақат 25 фоизигина республикада қайта ишланмоқда ва тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Ваҳолники, ҳисоб-китоблардан маълумки, пахта толаси узлуксиз ва ҳар томонлама сифатли қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, ундан олинадиган даромад 6-7 баробар ортар экан.

Демак, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни шу билан белгиланадики, у мамлакат аҳолисида ишбилармонликни, иқтисодиётдаги асосий унсур бўлган тадбиркорликни шакллантира олади. Бозор иқтисодиёти жараёни туфайли амалга оширилаётган ислоҳотлар республикамиз иқтисодиёти тузилмасини тубдан ўзгартириб юборди. Унда мулкчилик ва хўжалик юритишнинг янги шакллари пайдо бўлди ва мунтазам даромад олиш манбалари вужудга келди. Ташаббускорлик туфайли хусусий мулкчиликка асосланган турли хилдаги кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш тобора авж олмоқда. Уларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳукуқий шарт-шароитлар ва конституцион тузилмалар вужудга келтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 190 мингтадан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият юритмоқда. 2001 йилнинг биринчи ярмида 16 минг кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз фаолиятини бошлади, натижада 178 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидағи улуши 1991 йилда 4,5 фоиз бўлган бўлса, 2004 йил натижаларига кўра, 3,4 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоизидан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.Faолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони республикада ҳар минг нафар фуқарога 6,0 тадан 7,1 тага кўпайғанлиги бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес тизимида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошаётганлиги,

истельмолчилар талаб-эхтиёжлари тўла қондирилиаётганлиги ва уларни рағбатлантиришда мухим омил сифатида юзага чиқаётганидан дарак беради. Тадбиркорликка мойиллиги бор ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини истаган ҳар бир киши ўз қобилияти ва интилишларини амалга ошириши учун, унга иқтисодий эркинлик ва фаравонликка эришиши йўлидаги қийинчиликларни енгишига ёрдам берадиган ва рағбатлантириб турадиган мухит бўлиши керак. Республикаиз иқтисодиётининг ҳозирги даврида бундай мухитни шакллантиришда давлат мухим ўрин тутади. У барқарор қонунчилик асосини юзага келтириши, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин бўлган тармоқларни рағбатлантириши лозим.

Бозор муносабатлари аллақачон шаклланиб бўлган, иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган гарб мамлакатлари тажрибаси ҳам хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг давлат томонидан доимо фаол равишда қўллаб-қувватланганлиги ва ҳозирда ҳам ушбу жараённинг узлуксиз давом этाइтганлигини, бунинг натижасида мазкур соҳанинг жамият хаёти ва тараққиётида муносиб ўрин топганлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий адабиётларда республикамизда кичик ва ўрта бизнеснинг ҳолати ва унинг ривожланишидаги салбий тенденциялар ва уларнинг сабаблари тўғрисида диққатга сазовор фикрлар билдирилган. Шу фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, кичик ва ўрта бизнеснинг қоникарсиз ахволи қўп жиҳатдан уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми самарадорлиги ва замон талабларига жавоб бермаслиги билан боғлиқ.

Шу боисдан кичик ва ўрта бизнеснинг бозор иқтисодиёти жараёнидаги устунлик ва камчиликларини хисобга олиб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кенг ва ҳар томонлама ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

ишлаб чиқариш билан шуғуланаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ички ва ташқи капитал маблағлар қўшишни рағбатлантириш, улардан самарали фойдаланиш ва пироворд натижада маблағ эгаларининг манфаатдорлигини ошириш;

товар ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида рақобатчилик мухитини яратиш;

мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришнинг пойдеворини мустахкамлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва тадбиркорлар хукуқлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш;

молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини соддалаштириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш кўламини кенгайтириш ҳамда фоиз ставкаларини камайтириб бориш, узоқ муддатли кредитларни жорий қилиш;

моддий-техника ва хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун янги техника ва технологик ускуналар ишлаб

чиқаришни ривожлантириш, чет эл техника ва технологияларини олиб келиш имкониятларини яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларини ташки бозорларда сотишга қўмаклашиш ва рағбатлантириш, улар ўртасидаги рақобат бозорини ташкил этиш;

тадбиркорларга, улар рўйхатга олингандан кейин фаолият юрита бошлиши учун лицензия ва руҳсатномалар бериш жараёнини соддалаштириш;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарига хизмат қилувчи банк тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш;

тадбиркорларнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш;

тадбиркорларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқукий билимларини ошириш, уларнинг молиявий иш юритиш услуги ва меҳнаизмларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида ўқитишни йўлга қўйиш;

олий ўкув юртларида тегишли маъруза ва амалий машғулотларда кичик ва ўрта бизнеснинг тутган ўрни ва аҳамиятини талабалар онгига сингдириб бориш;

ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг моддий ва хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда маҳсулар ташкил қилиш;

тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига имтиёзли ёки тиҷорат кредитлари ажратилишидан олдин жойлардаги палата ва суғурта компаниялари вакиллари билан бамаслаҳат иш тутиб, улар берган хулоса бўйича кредитлар ажратиш;

тадбиркор кадрлар тайёрлаш бўйича бепул ўкув курслари ташкил этиш;

тадбиркорликка оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг, тадбиркорликка хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашга маъсул бўлган тузилмаларнинг ҳам таклифларини инобатга олиш.

Айниқса, катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларнинг ўсиш тезлигини кафолатловчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта қуриш билан боғлиқ муаммоларни нисбатан тез ва кам харажатлар билан ечишга, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланган бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирдирлар. Шунингдек, бозорга тез мослашувчанлик, истеъмолчилар талаблари ва истакларини яхшироқ англаб олиш, катта молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга тез ва қисқа муддат ичидаги жорий этиш, рақобат мухитини яратиш ва бошқалар кичик ва ўрта бизнесга хос бўлган хусусиятлардир.

Умуман, кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакатимизда тараққий этиши қуийдаги устуворликлар билан чамбарчас боғлиқлар:

жамиятда сиёсий баарорликни юзага келтирувчи ўрта синфни шакллантиришда; мамлакатда кам харажатлар эвазига кўплаб янги иш ўринларини яратиш ва иш билан бандлик муаммосини бартараф этишда; турли ижтимоий гурухлар даромадлари номутаносиблигининг чекловчилик роли мавжудлигига.

Ҳозирги кунда республикамизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатиши учун барча меъёрий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фукаролик, солиқ ва хўжалик процессуал кодекслари тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини таъминлайди.

Мисол тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида 2004 йил якунларига назар солсак, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоизга ошди. Бошоқли дон экинларидан 5 млн. тоннага яқин ҳосил олинди. Кейинги йилларда биринчи марта пахта хом ашёси етиштиришда энг катта натижага 3,5 млн. тонна пахта етиштиришга эришилди.

Юқорида қайд этилан ютуқлар, албатта, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қўлга киритилди. Кейинги йилларда ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш бўйича Президент Фармонлари ва хукумат қарорлари қабул қилинди. Президентнинг 2003 йил 24 марта «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли, 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: давлат ҳариди доирасида нарх сиёсатини қайта кўриб чиқиш; дастлаб республиканинг тўртта вилоятида ва 2004 йилдан бошлаб қолган вилоятларда фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтилди ва биргина 2004 йилда банклар томонидан фермер хўжаликларига 68,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. 2005 йилда тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлар хўжаликларга нисбатан ҳам тўлиқ жорий этилади; пахта тозалаш саноати ва унинг маҳсулотларини сотиш корхоналарини хусусийлаштириш ва бошқарув тизими децентрализациясини амалга ошириш; зарар кўриб ишләётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди, шу фармон ва қарорлар ижроси натижасида 2005 йил 1 январь

ҳолатига республика худудида 103 мингдан ошик фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Тегишли қарорга биноан зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини 2005-2007 йилларда фермер хўжаликлариға айлантириш дастури қабул қилиниб, 2005 йилда 406 та, 2006 йилда 370 та, 2007 йилда 334 та ширкат хўжаликларини фермер хўжаликлариға айлантириш белгиланди. Шу кеча-кундузда жойларда юқорида тилга олинган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликлариға айлантириш бўйича тугатиш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Қарорга биноан 2005 йилда 406 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликлариға айлантирилиши белгиланган ҳамда вилоятларнинг таклифини инобатга олган ҳолда яна 39 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликлариға айлантириладиган бўлди. Шундай қилиб, 2005 йилда 445 та ширкат хўжалиги фермер хўжалилариға айлантирилади. Бу тоифадаги хўжаликларнинг истиқболлариға оид кўрсаткичлар 9.10-жадвалда келтирилган.

#### 9.10-жадвал

##### Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари

	2005 йил 1 январь	2007 йилда
Фермер хўжаликлари сони	103929,0	170000,0
Фермер хўжаликлари ер майдони, минг га	2935,5	6200,0
Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ғалла салмоғи	54 фоиз	90 фоиз
Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта салмоғи	51,5 фоиз	90 фоиз

Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар қуидаги йўналишларда олиб борилади:

кишлока ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги майда фермер хўжаликларининг ер майдонларини белгиланган тартибда мақбуллаштириш ва йириклиштириш, уларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, механизациялаш даражаларини ошириш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида етказиб бериш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг молиявий манбаларга бўлган эҳитёжларини тўлароқ қондириш ҳамда улардан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар

Маҳкамасининг қарорига биноан 2005 йил ҳосилидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари бунақа маблағларни транишлар орқали бериш ўрнига тўғридан-тўғри тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлашга ўтказилди.

### **Қисқача хulosалар**

Республикамиз қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг хом ашёга бўлган талабини қондиради. Фермер хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жараёнларини ҳам амалга оширади ва халқимиз моддий фаравонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Республика из фермер хўжаликларида мамлакатнинг иқлим, ер-сув, меҳнат ресурсларидан ҳамда асрлар давомида тўпланган дехқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизида пахтачилик етакчи тармоққа айланади. Айни пайтда ғаллачилик, шоликорлик, канопчилик, лавлагичилик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, кўйчилик, хусусан, қоракўлчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари ҳам асосий тармоқларга айлантирилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тарқатилган хўжалик қарзини кечиб юбориш зарур. Қарзларни фермер хўжаликлари юклаш уларнинг банкрот бўлиш эҳтимолини оширади.

Асосий экинлар учун замонавий маркетинг тизимининг бир неча муҳим элементларини ажратиб олиш жоиз. Биринчидан, товар уюшмалари пахта ва қисман буғдой етиштиришни ва маркетингни тартибга солади. Бу эса фермерларнинг ушбу маҳсулотларни сотиши имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Иккинчидан, пахта ва ғалла етиштиришда кенг тарқалган бўнак ажратиш тизими ва МТР сотиби олишни кредитлаш давлат буюртмасидаги маҳсулотлар учун қисман ҳак тўлаш ҳисобланади.

Давлат буюртмасини қисқартириш маҳсулот баҳоларини дунё бозори баҳолари даражасигача ошириш билан биргаликда олиб борилиши лозим. Пахта ва буғдойнинг давлат ҳарид баҳоси бозор баҳолари бўйича белгиланиши лозим. Контракт тизимини қўллаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мумкин. Мазкур тизимга мувофиқ давлат ҳариди ҳажми экин экиш мавсумига эълон қилинади. Умумий ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган ҳажмларга (лотларга) бўлинади ва фермерларга ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланадиган баҳолар бўйича чекланган миқдордаги лотлар таклиф этилади. Бу тизимни қўллаш натижасида, давлат фермерлар таклиф этилган арzon баҳоли лотни танлаб олади ва фермер билан шартнома имзолайди. Бундай ҳолатда фермерлар

баҳо таваккалчилигидан сугурталанган бўлади. Шартномалар босмадан чиқарилади ва тарқатилади ҳамда бозор қийматига эга бўлади. Бундай шартномалардан қарз ва кредитларнинг гарови сифатида фойдаланиш мумкин. Келажакда, давлат ва фермерлар баҳо ва бозор шартномаларининг ўзгаришига жавобан фьючерс битимларини сотади ва сотиб олади ёки ҳосилни йигиб олгунча даромадни кўпайтиради. Қишлоқ хўжалиги МТР монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилгунча ва ички қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган баҳоларда етказиб берилгунга қадар давлат буюртмасидаги маҳсулотлар баҳоси устидан назорат талаб этилади. Хусусий корхоналарга бозорга йўл очиш орқали рақобатни қўллаб-куватлаш баҳоларни ўзгармас ҳолда ушлаб туришнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Лекин хусусий ишлаб чиқариш ва қайта ишловчиларнинг дунё бозорига мустақил чиқиши монополия ёки лигополия билан курашишнинг энг самарали усули ҳисобланади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги қандай аҳамиятга эга?

Республика иқтисодиётида фермер хўжалиги қандай ўрин тутади?

Фермер хўжаликларининг монтакавайи хусусиятлари нималардан иборат?

Фермерлик ҳаракати деганда нималарни тушунасиз?

Фермерлик имкониятлари деганда нималарни тушунасиз?

Фермер хўжалигини ривожлантиришнинг худудий жихатларини такомиллаштириш йўллари нималардан иборат?

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари нималардан иборат?

Экспорт қилиш фермер фаолиятининг бош йўналишиими?

Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш зарурми?

Қишлоқ хўжалик МТР монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқариладими?

### **Асосий адабиётлар**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: «Ўзбекистон».-2003

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони.-«Ҳалқ сўзи», 2003 йил, 25 марта, № 66

Каримов И.А. «Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли».-«Ҳалқ сўзи», 2003 йил, 25 апрель,

Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir».-Т.: «Ўзбекистна», 2005-93 б.

В.Н. Лексин, А.Н. Швецов «Государство и регионў». Теория и практика государственного регулирования территориального развития. УРСС. Москва, 2000.

Ишмуҳамедов А.Э., Аскарова М.Т. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув қўлланма.-Т.; ТДИУ, 2004.

Ҳакимова М.Т. «Макроиқтисодиёт». -Т.; «Ўқитувчи», 1996.  
Новости Узбекистана-[www.uzreport.com/](http://www.uzreport.com/)  
Журнал Экономический обзор. 2004, № 12  
Интернет маълумотлари.  
И.А.Каримов «Асарлар тўплами»-[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)  
[www.tconomyta-cultu/uz/](http://www.tconomyta-cultu/uz/)  
[www.cup/uz](http://www.cup/uz)  
[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)  
[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

## **10-БОБ. МИНТАҚАЛАРДА ТРАНСПОРТ МАЖМУАСИ**

- 10.1. Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби.
- 10.2. Темир йўл ва автомобиль транспорти.
- 10.3. Ҳаво, сув ва қувур транспорти.
- 10.4. Ҳаво транспорти.
- 10.5. Сув транспорти.

### **10.1. Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби**

Ўзбекистонда ҳозирги замон транспортининг барча асосий турлари мавжуд. Жумладан, бу ерда темир йўл ва автомобиль йўли, ҳаво ва дарё, қувур ва электр транспортлари ривожланган.

Совет даврида асосий транспорт йўлларини ташкил қилиш, бошқариш ва ундан фойдаланиш хуқуқи Республиканинг ўзида эмас эди. Эндиликда республика транспорти она-Ватан тараққиётига хизмат қилмоқда. Мамлакат транспортининг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида транспортнинг бошқарув тизими такомиллаштирилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (1992), "Ўзбекистон автомобиль транспорти" давлат акционерлик корпорацияси (1993), "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси (1994) ташкил қилинган.

## **10.2. Темир йўл транспорти.**

У мамлакатимиз тараққиётида ва ташки алоқаларида ғоят катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда биринчи темир йўл 1886-1888 йилларда (Красноводск-Чоржуйининг давоми тарзида) Фороб бекати (Бухоро вилояти)дан Самарқандгача ўтказилган. Кейинчалик бу йўл (1895-97 йй.) Урсатевская (Ховос)га ва ундан Кўқонгача давом қилдирилган. 1899 йилда Урсатьевская - Тошкент йўли, 1906 йилда эса Тошкент - Оренбург йўли қурилган. XX асрнинг биринчи чорагида республиканинг Жанубий минтақаларида хам темир йўллар қурилган. Жумладан, Қарши-Китоб (1924), Амударё-Термиз (1925) ва бошқа темир йўллар қурилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг барча минтақаларида темир йўл транспорти қатнови йўлга қўйилган. "Ўзбекистон темир йўллари" 50 мингдан ортиқ турли типдаги замонавий юқ вагони Германияда тайёрланган рефережаторлар, йўловчилар ташиладиган ҳар хил типли вагонларга эга. Аксарият вилоят марказларида янги темир йўл шох бекатлари қурилиб ишга туширилган.

Бухоро, Гулистон, Термиз шаҳарларида эса ана шундай йирик шох бекатлар қурилиши тугалланмоқда. 1997 йилда мамлакат темир йўлларининг умумий узунлиги 6,7 минг км ни ташкил қилди. Шундан умумий фойдаланишда бўлган темир йўллар узунлиги 3,7 минг км. Темир йўллар юқ айланмаси 16-18 млрд. т/км ни, юқ жўнатиш эса 46-47 млн. т. ни, йўловчи айланмаси 2,5 млрд йоловчи км ни, йўловчи жунатиш эса 14-15 млн кишини ташкил этди.

Темир йўлларни электрлаштириш ишлари дастлаб 1970 йилда Тошкент-Сирдарё йўли (148 км), кейинчалик Ховос - Бекобод ва Ховос - Жиззах йўллари электрлаштирилган. Эндиликда электрлаштирилган асосий йўллар узунлиги 350 км дан ошиб кетди. Мамлакат темир йўлларининг серқатнов қисмини 2000 йилгacha электрлаштиришнинг бош дастури ишлаб чиқилган ва у муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Мамлакат мустақиллиги айниқса темир йўл транспортини хар томонлама ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан аввало мамлакатнинг ягона темир йўл транспорт тизимини яратиш вазифаси ҳал қилинмоқда. Бу борада, Ўзбекистон ўз манбалари ҳисобидан иккита йирик стратегик мухим темир йўл магистралини узунлиги 342 километр

бўлган "Навоий-Учқудук-Султон Увайс-Нукус ҳамда узунлиги 223 километр бўлган Ғузор-Бойсун-Кумкўргон магистрали қурилишини 1995 йилдаёқ бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш бу минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, табиий минералларни катта заҳираларидан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиб беради.

Марказий Осиё давлатлари (МОД)нинг жуғрофий марказида жойлашган, бинобарин МОДдаги барча давлатлар фақат Ўзбекистон орқали темир йўл транспорти алоқасини ўрнattan. Шунингдек Ўзбекистон ҳам МОДнинг барча давлатлари орқали бошқа хорижий мамлакатларга чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистан ўз транспорт коммуникациясини ривожлантиришда МОД билан, яқин хорижий давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан у мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва Фарбий Европанинг бир қатор давлатлари билан туташтирилган Трансосиё магистрали (Истамбул-Тошкент-Олма-ота-Пекин) қурилишида ҳисса қўшмоқда. Бу магистралнинг Дўстлик бекати (Қозогистон), Туркманистанда Тажан-Сарахс, Эронда эса Сарахе-Машхад қисмлари қуриб фойдаланишга топширилган (1996).

Турикманистонни Эрон-Туркия ва сўнгра Европа билан боғлайдиган 305 километрлик Таган-Сарахс-Машхад темир йўлининг Ўзбекистон учун аҳамияти жуда катта ва шунинг учун ҳам унинг 133 километрлик Тажан-Сарахс йўл қурилишида мамлакатимиз қурувчилари фаол қатнашди.

Ўзбекистон МОД нинг айрим давлатлари орқали Хитой ва (Хитой орқали эса Тинч океани) га чиқиш учун Тошкент-Ўш-Қашғар темир йўли қурилишини ҳам олиб бормоқда. Бу йўл қурилишида Кирғизистон ва Хитой ҳам қатнашмоқда.

### **10.3. Автомобиль транспорти.**

Автомобиль транспортининг ривожланиш ҳолати ички ва ташки алоқаларини ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистоннинг рельефи анча мураккаблиги (тоғлик, яssi тоғликларнинг мавжудлиги) томондан темир йўл транспортини ривожлантиришни табиий равишда чегаралаган ва бундай худудларда автомобиль транспортини ривожлантиришни тақозо қиласди.

Республика автотранспортида турли хил автомобиллардан фойдаланиш сони ва тури йилма-йил ортиб бормоқда. Эндиликда автомобиль транспортида йўловчилар ташишга 14-15 минг автобус хизмат қилмоқда. Улардаги маршрут йўналишларининг сони салкам 3 мингга

етади. Автобуслар билан мамлакатимизнинг турли минтақаларида ҳар куни 5 млн атрофида йўловчи ташилади.

Мамлакат автотраспортининг асосий кўрсаткичларига автомобиль йўллари узунлиги ва уларнинг сифати таъсир қиласи. Ҳозирги вақтда тош йўлларнинг умумий узунлиги 86 минг км. Асфальт-бетон қопламали йўллар 22 минг км дан ортиқ. 3200 км масофадаги йўлларимиз халқаро аҳамиятга эга. Йўлларни таъмирлаш, уларни асфальтлаш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Республикада 90 дан ортиқ асфальт заводлари ишлаб турибди. Автотраспортинг юк айланмаси йилига ўртacha 10 млрд. т-км ни ташкил қиласи, йўловчилар ташиш айланмаси эса 17,1 млрд. йўловчи - км га тенг.

Мамлакат автомобиль транспорти ҳам ислоҳ қилинмоқда, унинг янги йўллари қурилмоқда, йирик автомагистраллар (жумладан, 708 километрлик энг узун Тошкент-Термиз тракти) қайта таъмирланмоқда ва унинг автомобиль ўтказиш қуввати оширилмоқда.

Ўзбекистон Осиё давлатларининг халқаро аҳамиятга молик бўлган йирик автомагистраллар қурилишида ташаббускор бўлиб чиқмоқда. Жумладан, у Хитойга (ва Тинч океанига) чиқиш имкониятини берувчи "Андижон-Ош-Эргаштом-Қашқар" автомобиль йўли ҳамда Хинд океанига чикишга имкон берадиган "Термиз-Ҳирот-Карочи" автомобиль йўли қурилишида ва шу йўналишда мавжуд бўлган йўлларни қайта таъмирлашда ўз улушини қўшмоқда.

"Ўзбекистон, - дейди Ислом Каримов, - Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон-Ош-Эргаштом-Қашқар, шунингдек Бухоро-Сарахс-Машҳад-Техрон ва Термиз-Ҳирот-Қандаҳор-Карочи автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига хисса қўшган ҳолда қатнашишдан ҳам манфаатдор".

#### **10.4. Ҳаво транспорти.**

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига чукур кириб бориши билан ҳаво транспорти долзарблик қилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси хилма-хил типдаги ҳаво транспорти воситаларига эга. Жумладан унда қишлоқ хўжалик ишларига мўлжалланган АН-2, маҳаллий йўлларда қатнайдиган АН-24, ЯК-40, халқаро йўлларда қатнайдиган ИЛ-76, ИЛ-63, ИЛ-86, ТУ-154, БОИНГ, А-310 каби самолётлар бор. Вертолёт паркида эса МИ-2, МИ-8, ИСА-26, каби машиналар бўлиб, улардан мамлакат муассасалари, метереология, геология-қидирив ишларига кенг фойдаланилади.

Мамлакат ҳаво транспорти хизматини яхшилаш масаласи ўз-ўзидан аэропортларнинг ҳар хил янги типдан самолётларни қабул қилишига кўра жиҳозланиши ва таъмирланишини тақозо қилган. Ҳозирги вақтда мамлакатда 12 та замоновий аэровокзал (аэропорт) бор. Улар Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Қарши, Кўқон шаҳарларида жойлашган.

Шунингдек ҳар бир вилоятдаги йирик шаҳарларда маҳаллий йўлларда қатнайдиган ўнларча аэропокзаллар мавжуд.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳаво транспортининг хизмат кўрсатиш кўлами ниҳоят даражада кенгайди. Эндиликда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари, Ҳамдўстлик жамиятининг барча давлатлари ва йирик шаҳарлари билан ҳаво транспорти алоқасига эга. Шунингдек республиканинг узоқ хорижий давлатлар билан ташки иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишида ҳаво транспортининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳаво йўлларининг бир қанча Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилган. 1993-1995 йилларнинг ўзида Ўзбекистон 18 йўналишда ҳалқаро машрутда самолёт қатнови йўлга қўйилди.

Жумладан, Лондон, Манчестер, Франфрукт-Майн, Тель-Авив, Жидда, Куала-Лумпур, Бангкок, Жакарта, Истанбул, Карочи, Пекин, Сеул, Афина, Амстердам, Нью-Йорк ва бошқа чет эл шаҳарларига мунтазам ҳалқаро авиарейслар ташкил қилинган.

## **10.5. Сув транспорти.**

У районларо ҳалқ хўжалик юкларини ташиш ҳамда Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон давлатлари билан иқтисодий алоқалар учун хизмат қиласди.

Республика сув транспорти салоҳиятида Амударёнинг улуши катта. 1950 йилда Амударёнинг Сурхондарё вилояти ҳудудида Термиз дарё порти ташкил этилган, 1952 йилда эса Хўжайлида кема таъмиглаш заводи қурилган. Амударё соҳилларида янги Шарлавуқ, Тўрткул, Беруний, Қоратов, Хўжайли бандаргоҳ (пристан) лари қурилган.

1994 йилдан бошлаб мамлакат сув транспортини яхшилаш мақсадида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилган. Жумладан Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлимлари негизида "Термиз дарё порти", "Хоразм дарё порти", "Қорақалпоғистон дарё порти" ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилган (1995). "Узавтотранс" корпорацияси ҳузурида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича (Тошкентда) бошқарма тузилган бўлиб, у мамлакат сув транспортига умумий раҳбарлик қиласди.

### **Кискача хulosалар**

Транспорт ҳудудлар учун катта аҳамияга эга. Транспортинг ҳудудий хусусиятлари шундай иборатки, унда асосий эътибор автомобиль транспортига каратилади.

Ўзбекистонда ҳаво транспорти соҳасида эришилган ютуклар, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива аэропортларини жаҳон стандартига мос холда кайта куриш ва жихозлаш, янги-янги ҳаво йулларини узлаштириш каби масалалар кенг ёритилган.

Назорат ва мулохаза саволлари:

1. Узбекистон транспорт тармокларининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятини тушунтириб беринг.
2. Мустакиллик йилларида транспорт таркибидаги узгаришлар
- 3."Буюк Ипак Йули" моҳиятини тушунтиринг.
4. Янги халкаро темир ва автомобиль йуллари курилишининг ахамияти.
- Янги халкаро хаво йуллари узлаштирилиш, аэропортлар курилиши ахамияти.

Формат: Список

Адабиётлар руйхати.

- 1 Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Узбекистон, 1997.
2. Йўлдошев З.Ю. Миллий иқтисодиёт, - Т.: Фан, 2004, - 185 б.
3. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошкалар. Узбекистон Миллий иқтисодиёти. Дарслик. Т.: 2006й.

## 11-БОБ. МИНАҚАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲА ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИ

- 11.1. «Ижтимоий сиёsat» тушунчаси, ижтимоий сиёsatнинг хусусияти ва ахамияти
- 11.2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурияти
- 11.3. Ижтимоий сиёsat асослари.
- 11.4. Чет мамлакатларда ижтимоий мухофаза
- 11.5. Республика иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги
- 11.6. Давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар учун йўналтирилган сарф-харажатлар
- 11.7. Ижтимоий сиёsat муаммолари ва истиқболлари

## **11.1. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти ва аҳамияти**

Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсати тушунилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб, унга:

- даромад сиёсати;
- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорларини шакллантириш;
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш кабилар киради.

Ижтимоий сиёсатнинг обьекти - ижтимоий соҳадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Бунинг учун аввало кам таъминланган табақага ёрдам бериш сиёсатини ишлаб чиқиш лозим эди. Шундай қилинди ҳам.

Ҳар бир давлатда кам таъминланганликни белгилашнинг ўзига хос услублари мавжуд. Масалан, АҚШ, Англия, Германия, Португалия каби давлатларда яшаш минимумининг 40% дан 60% гача бўлган, Польша ва Венгрияда эса минимал пенсия миқдори, Болгарияда эса минимал иш ҳақи миқдори кам таъминланганликни аниқлашда қўлланиладиган воситалардир.

Бироқ кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бошқа усул-норматив-статистик усул қабул қилинган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, камбағаллик даражаси ўз таркибига энг зарур бўлган озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам истеъмол саватининг қиймати асосида аниқланади. Энг кам истеъмол саватини ҳисоблаш тартиби қўйидагича: дастлаб озиқ-овқат тўпламининг қиймати, сўнгра оила бюджети маълумотлари асосида кам таъминланган оиласаларнинг умумий харажатларида озиқ-овқат маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши аниқланади ҳамда бу ҳисса энг арzon нархларда энг кам истеъмол савати қолган қисмининг қиймати ҳисоб-китобига киритилади.

Истеъмол саватининг қиймат ифодаси энг кам истеъмол бюджети деб аталади. Энг кам истеъмол бюджетига ёки кўпинча унинг маълум бир қисмига (масалан, 50% га) мос келувчи даромад камбағаллик чегараси ҳисобланади. Давлат камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига маълум миқдорда пулли моддий ёрдам кўрсатади. Аслида ҳам ижтимоий ҳимоянинг барча асосий чоралари аҳолининг айнан шу тоифасига қаратилган.

Бироқ энг кам истеъмол бюджетини қўллаш соҳаси бир мунча кенгроқ. Масалан, унинг асосида иш ҳақи, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдори ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ва унинг минтақасида химоя тизими куйидаги масалаларни ечиш билан боғлиқ: а) саноатда ривожлантиришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш; б) турли манбалардан пул маблағларини (кичик бизнесни ривожлантириш учун) жалб этиш (саноат секторига); в) даромадлар ва ҳаёт савиясидаги фарқларни камайтириш; д) камбағалликка қарши кураш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта шакллантириш.

Бу борада билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Республикада ҳуқуқий база барпо қилинган, лекин унга амал қилиш жуда суст бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ташкилий, иқтисодий шартшароитлар яратилган. Бироқ, бу борада ҳам тўсиқлар жуда кўп. Ўрта ва кичик бизнес ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қувватлашга муҳтождир.

## **11.2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурияти**

Ўзбекистонда олиб борилаётган ўзгаришларнинг пировард мақсади "Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир".<sup>3</sup>

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эриши билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий ахволни барқарорлаштириш иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликтин бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Ахоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан кескин чоралар кўрилиши лозим. Иқтисодиётни барқарорлаштириш-бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир.

Бозор ислоҳотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, энг аввало, инсон учун муносаб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси Президентимиз И.А.Каримов ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қураш кераклигини эътироф этди. Жумладан, кучли ижтимоий сиёсат олиб

<sup>3</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

боришни, бунинг учун эса таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқача қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

### **11.3. Ижтимоий сиёсат асослари.**

Кучли ижтимоий сиёсат республикамиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. У шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқиши таъминлашга, оиласаларнинг, ҳар бир инсоннинг фаровонлигини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилишига йўналтирилган.

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳолига ижтимоий кафолатлар яратиб кўйилди. Фуқароларнинг мулқдан улуш олишида тенглик тамойилига, шунингдек, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига катъий риоя этилди.

Имтиёзларнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларга ёрдам бериш мақсадида солиқ соҳасида ҳам имтиёзларнинг айрим турлари белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий кафолатлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам, шунингдек, хусусийлаштирилгандан кейин корхона фаолиятини муваффақиятли бошлиши учун ҳам имкон борича кўпроқ қулай шароит яратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустакилликнинг биринчи куниданок иқтисодиёт ва жамиятни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилини белгилаб берди. Уларнинг туб моҳияти босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор муносабатларининг кучли ижтимоий йўналтирилганида. Айнан шу боис Ўзбекистон ўша даврда бошқа мамлакатларда кенг кўлланилган «фалаж қилиб даволаш» моделини инкор этиб, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояяга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаган ҳолда, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, ижтимоий соҳанинг барча таркибий қисмларини жадал такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқди.

2000 йилда Бирлишган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик декларацияси қабул қилинди. Уни имзолаган 189 давлат раҳбарлари ўз мамлакатлари ҳалқлари фаровонлигини оширишга қаратилган 18 та асосий вазифани ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солди. «БМТ Минг йиллик декларацияси» болалар ва оналар ўлимини камайтириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлаш, мактаб таълими билан аҳолини тўлиқ камраб олиш, тоза ичимлик сувдан фойдаланиш даражасини кўтариш, экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш каби муайян вазифалар бажарилишини назарда тутади.

Бу ўринда шундай саволлар туғулиши табиий: аҳолининг фаровонлик даражасини қандай қилиб аниқ белгилаш мумкин? Фаровонлик даражасини қиёсий кўрсаткичларда ифодаласа бўладими? Бу ҳар бир мамлакатнинг ютуқларини тўғри ва холис баҳолаш, унинг халқаро доирадаги даражасини белгилаш истагида бўлган социологик-иқтисодичилар олдидағи энг долзарб масалалардан биридир.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши чораларини таъминлашга давлат бюджетидан ҳар йили барча бюджет маблағларининг кариб ярмиси ажратилмоқда.

Шу хисобдан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, давлатдан ёрдам олишга муҳтож бўлган оиласларга алоҳида эътибор берилмоқда, кам таъминланган оиласларга нафакалар тўланмоқда.

Тошкентда ногиронларнинг соғлигини тиклаш Республика маркази ташкил этилди. Нукусда ҳам шундай марказ мавжуд. Уй-жойни сақлашга ёрдам берилмоқда ва унинг чиқимлари қопланмоқда. Нарх-навога эрк берилиши ва инфляция даражаси муносабати билан ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари тизимиларида даромадларни мунтазам ошириб бориш энг муҳим йўналишлардан биридир. Ўзбекистонда даромадларни индексиялаш жараёни иш ҳакининг энг оз микдорларини: нафақалар, стипендияларни, аҳолининг жамғарма банкларидағи омонатлари бўйича ставкаларни бир йўла марказлаштирилган тарзда кайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилмоқда. Аҳолининг ночор табақалари-нафақахўрлар, ногиронлар. Кўп болали ва кам таъминланган оиласлар, ишсизлар, ўкувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-куватлаш соҳасида кучли чора-тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёsatни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Барча турдаги мактаб педагогларига, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг мураббийларига, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг профессор-муаллимларига, ижтимоий ва тиббий ходимларга квартира ҳаки ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилган. Ёлғиз нафақахўрлар уй-жой ва коммунал тўловларидан озод қилинган, дори-дармонларни бепул олиш ва жамоат транспортида текин юриши ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ёлғиз нафақахўрлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган маҳсус ижтимоий ёрдам бўлимлари барпо этилган.

Бола туғулганида ижтимоий ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маҳсус фармони билан кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам жорий этилган.

Ўзбекистонда ўзини ўзи ижтимоий ташкил этишнинг ноёб шакли-маҳалла кадимдан мавжуд бўлиб, шу кунгача фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла туфайли туб жой аҳоли ижтимоий ва иқтисодий феъл-атворининг алоҳида қонун-қоидалари сақланиб келмоқда.

Масалан, қишлоқ жойларда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида анчагина иш қилинмоқда. Чунончи, 2003 йида 648,1 минг кв.м. уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Поликлиникалар, касалхоналар, қишлоқ врачлик масканлари, умумий таълим мактаблари, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш обьектлари қуриб битказилди.

Аҳоли манзилгоҳларини газ ва сув билан таъминлаш дастурларига биноан 4,3 минг км. газ тармоғи, 1,9 минг км. водопровод шоҳобчаси ишга тушурилди. Иқтисодиётнинг ислоҳ қилиниши, янги мулкчилик шакллари пайдо бўлиши аҳоли даромадлари таркибига катта таъсир ўтказди. Унда меҳнат фаолиятининг факат бозор шаклларидан-тадбиркорлик, якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан, деҳкон хўжалигида ишлашдан, мол-мулқдан олинган даромадлар катта ўрин эгалламоқда.

Иш билан таъминланиш ва меҳнат бозори. Меҳнатга лаёкатли аҳоли тез суръатлар билан кўпайиб бораётган шароитда мукаммал меҳнат бозорини вужудга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш воситаси ва уларга янги касб ўргатиш имконияти яратилди.

Корхона ва ташкилотларда ишлаб турган барча ходимларнинг аксарияти ҳозирча йирик ва ўрта корхоналарда банд.

Республикамиз бозор ислоҳотларини амалга ошириш даврида меҳнат бозорини фаол тартибга соладиган турли шакл ва усуллардан фойдаланмоқда. Иш билан таъминлаш хизматининг кенг тармоқли тизими вужудга келтирилган. Ҳар бир шаҳар ва туманда меҳнат биржаси ишлаб турибди.

#### **11.4. Чет мамлакатларда ижтимоий муҳофаза**

Демократик жамиятнинг асосий мақсади инсонни ҳар томонлама камол топтиришдан иборат. Жаҳон тажрибасида муайян мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси ва рейтингини аниқлаш учун кўпинча БМТ томонидан ишлаб чиқилган Инсон салоҳиятини ривожлантириш индексидан фойдаланилади. У уч асосий кўрсаткичдан иборат: таълим даражаси (саводхонлик ва болалар таълими қамрови), инсоннинг ўртача умри қанчалиги ва мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбати. Бу индексни ишлаб чиққан муаллифларнинг ўзлари ҳам, кўрсаткичлар қамрови камлиги туфайли, у мамлакат фаровонлиги даражасини аниқлашда ҳар доим ҳам мос келавермаслигини тан олишади. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, банклар % ставкалари ёки жаҳон бозорларида акция нархлари қанчалик муҳим бўлмасин, улар инсон турмуш даражасини аниқ белгилашнинг ягона мезони бўла олмайди. Масалан, нефтга бой давлатларда аҳоли жон бошига даромад юқори бўлсада, бойлар ва камбағаллар даромадлари ўртасидаги фарқ энг баланд экани аён. Даромад даражасининг пастлиги камбағалларга таълим, тибиёт, замонавий турар-жой ва коммунал хизматлардан кенг фойдаланиш имконини бераолмайди.

2003 йилдаги Инсон тараққиёти хақидаги хисоботда 1991-2001 йилларда дунёнинг 21 мамлакатида инсон салоҳиятининг ривожланиш кўрсаткичи пасайгани ташвиш билан қайд этилган. Улар орасида МДҲ таркибидаги Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина каби мамлакатлари ҳамда Африка китъасидаги 14 давлат бор.

Жумладан, Қозоғистонда ялпи ички маҳсулот ўсиш даражаси юқори. Аммо БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда мамлакат аҳолисининг 22 % дан ортиғи озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигига дуч келмоқда (бу худди шундай тадқиқот ўтказилган 1995 йил кўрсаткичларидан анча паст), аҳолининг учдан бир қисми кашшокликда кун кечирмоқда. Қирғизистонда кунига 2100 к.калдан кам озиқ-овқат маҳсулоти истеъмол қиласиданлар сони 2001 йилда 55 фоиздан ортиқ эди. Бу, мазкур мамлакатда аҳолининг бой қатлами иқтисодий ўсиш неъматларидан кўпроқ фойдаланаётганини кўрсатади.

Келажак соғлом авлод кўлида бўлиши керак. Шу боис БМТ хисоботида Африка мамлакатларида, Россия, Ҳиндистон ва Хитой каби йирик давлатларда ОИТВ-ОИТС билан касалланганлар сони кескин ошаётгани ташвишидир. Бу эса, жуда кўп ресурслар йўқолишига сабаб бўлишидан ташқари, 2015 йилга бориб, ушбу мамлакатларда одамларнинг ўртача умри қискаришига олиб келиши мумкин.

Таникли иқтисодичи, Нобель мукофоти лауреати Янош Корнаи «ҳозирги замон иқтисод фани ўтиш даврининг барча омилларини илмий асосда баҳолаш учун етарли даражада салоҳиятга» аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига бу давр таъсирини объектив баҳолашга қодир эмаслигини тан олди. Шундай қилиб, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ишлаб чиқилган инсон салоҳияти ривожланиш индекси кўрсаткичларини бугунги кунда муайян мамлакат тараққиётини ва аҳоли фаровонлигини холисона баҳоловчи самарали восита дейиш қийин. Айниқса, иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган ва аҳолисининг демографик таркиби турлича бўлган мамлакатларда бу тажрибани қўллаш кутилган натижани бермайди. Масалан, Ўзбекистонда аҳолининг 60 %дан ортиқини ёшлар ташкил қиласиди. Ривожланган /арб мамлакатларида эса аҳолининг кўпчилиги кексалардан иборат. Шундай экан, инсон салоҳияти ривожланишининг стратегик мақсадлари ҳам бир хил бўла олмаслиги кундек равшан.

Мингийллик декларацияси мақсадларига эришиш учун турли ёшдаги аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар доирасини кенгайтириш даркор. Халқаро тажрибада тақослаш учун кўлланадиган ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг 50 дан ортиқ кўрсаткичи таҳлил муайян мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини акс эттирувчи ва аҳолининг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир қилувчи кўрсаткичларнинг энг муҳим ўн икки гурӯхини ажратиш имконини берди. Уларга куйидагилар киради:

**демография ва саломатлик** (инсоннинг ўртача умри қанчалиги, болалар ва оналар ўлими даражаси, умумий ўлим коэффициенти);

**таълим** (саводхонлик, аҳолининг базавий таълим қамрови);

**турмуш даражаси** (аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот даражаси);

**бандлик** (иҳисизлик даражаси);

**ҳаёт учун зарур таъминот** (ичимлик сув таъминоти, санитария шароитлари);

**оила институти ривожланиши** (никохсиз болалар туғилиши, ажралиш даражаси ва оиласдан ташқарида тарбияланаётган болалар сони);

**озик-овқат хавфсизлиги** (умумий истеъмол доирасида озик-овқат маҳсулотлари импорти улуси);

**жиноятчилик** (аҳоли ўртасида жиноятчилик даражаси);

**касалликлар тарқалиши;**

**иктисодий хавфсизли** (ялпи миллий маҳсулотга нисбатан ташки қарз ҳажми);

**базавий ижтимоий эҳтиёжларга кетадиган харажатлар** (соғлиқни сақлаш ва таълимга сарфланадиган бюджет харажатларининг ялпи ички маҳсулотга инсбатан миқдори);

**аҳоли даромадларининг даромадлар бўйича фарқланиши** (бутун аҳоли умумий даромадида аҳолининг энг кам таъминланган 20%ни даромадлари улуси).

#### 9.1-жадвал

##### МДҲ мамлакатларнинг ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи

Давлат	Ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи (жамланма кўрсаткич)	Рейтинг
Озорбойжон	0,717	3
Арманистон	0,585	11
Беларусь	0,719	2
Грузия	0,602	9
Қозоғистон	0,667	4
Киргизистон	0,598	10
Молдова	0,580	12
Россия	0,626	6
Тоҷикистон	0,619	8
Туркманистон	0,652	5
Украина	0,622	7
Ўзбекистон	0,738	1

Халқаро ҳисоботлар, жумладан, «Ижтимоий мониторинг, UNICEF, 2003», «Дунё ривожланиши тўғрисида ҳисбот, Жаҳон банки, 2002» каби манбалардан олинган. Бу маълумотлар Ижтимоий фаровонлик кўрсаткичини ҳисоблаш учун қўлланиладиган тартиб асосида ягона

индексга жамланди. Жамланма, индекс бўйича турли мамлакатларни таққослаш шуни қўрсатадики, Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича ҳозирча пастки ўринлардан бўлса-да, аҳоли фаровонлигининг юқоридаги кўрсаткичлари индекси асосида жамланган индексга кўра МДҲ мамлакатлари ўртасида пешқадам хисобланади (27.1-жадвал).

Бундай баҳолаш дунёдаги энг нуфузли мустакил тадқиқот марказларидан бири бўлган Пью Рисерч Сентер ижтимоий тадқиқотлар маркази (АҚШ) ўтказган таҳлил натижаларида ҳам билвосита ўз тастиғини топди. Бу марказ яқинда дунёда муҳим ўрин тутувчи 44 мамлакат, шу жумладан, МДҲ давлатларидан Ўзбекистон, Россия ва Украинада сўров ўтказди. Бу сўров натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон аҳолисининг 70%и мамлакатдаги ахволи ва яшаш шароитларидан мамнун. Ваҳоланки Хитойда бу кўрсаткич 50 %дан паст, Россияда 20, Украинада 9%ни ташкил қилган.

Шунингдек, сўров натижаларидан фуқароларнинг ўз мамлакати раҳбарига муносабати бўйича Ўзбекистон Ренспубликаси Президенти Ислом Каримов жаҳондаги давлат раҳбарлари ўртасида энг юқори рейтингга эга эканлиги маълум бўлди. Бу табиий ҳол, чунки сўралганларнинг 95 фоизи уни кўллаб-куватлаган.